

Бош илмий-методик
мәрказ

2021

ҮКУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

ТАЪЛИМ СИФАТИ ИННОВАЦИОН МЕНЕЖМЕНТИ

**ТАЪЛИМ СИФАТИ
ИННОВАЦИОН
МЕНЕЖМЕНТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

“Таълим сифати менежменти” йўналиши учун

**“ТАЪЛИМ СИФАТИ ИННОВАЦИОН
МЕНЕЖМЕНТИ”
модули бўйича**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар: **М.А.Махкамова** – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, **Дж.Кушарбаев** - Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Тақризчи: **Ш.Дж.Эргашходжаева** – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ўқув -услубий мажмуа Бош илмий-методик марказ Илмий методик Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган
(2020 йил “30” декабрдаги 5/4-сонли баённома)

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР.....	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	20
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	31
IV. АМАЛИЙ МАШФУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ.....	116
V. ГЛОССАРИЙ.....	180
VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	193

I. ИШЧИ ДАСТУР

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Жаҳоннинг ривожланган давлатларида, хусусан АҚШ, Германия, Буюк Британия, Япония, Жунибий Кореяning инсон салоҳияти тараққиёти, хусусан аҳоли таълим даражасининг ошиши ва ёш кадрларнинг профессионал тайёргарлиги билан белгиланувчи инсон омилини кучайтиришга қаратилган инвестициялаш ривожланиш гарови ҳисобланади. Замонавий босқичда айнан таълим сифатини ошириш мамлакат ва минтақаларнинг устувор иқтисодий ўсишини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Маълумки, бугунги кунда дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган давлатларида таълим парадигмаси ўзгариб бормоқда. Осиё таълим моделига асосан ўқув жараёни олинган назарий билимлар беришдан билимларни амалиётда қўллаш кўникмаларини ривожлантиришга, инновацион технологиялар асосида талабаларда мустақил таълим олиш малакаларини шакллантиришга қаратилмоқда. Швейцария жаҳон иқтисодий форуми «World Economic Forum» иқтисодиёти энг тез ривожланаётган мамлакатлар рейтингини эълон қилди. Жаҳон банкининг “Глобал иқтисодий тараққиёт” маълумотларига асосан, 2015 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда йиллик ўсиш даражаси энг юқори бўлган давлатлар орасида Ўзбекистон 5-уринда қайд этилди. Ўзбекистондаги ислоҳотлар истиқболи нафақат мамлакатлардаги мавжуд барча тажриба, анъана ва қадриятлар, балки илғор ҳалқаро тажрибадан фойдаланишга асосланган.

Мамлакатимизда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, кадрлар тайёрлашни замонавий талаблар асосида тубдан қайта қўриб чиқиш, рақобатбардош олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш, ҳамда соҳани жаҳон стандартлари даражасида ривожлантиришда олий таълим тизимида инновацион фаолиятни бошқаришни такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада таълим тизими сифатини оширишда инновацион фаолият, инновацион технологиялар муҳим восита сифатида хизмат қилади. Шу жиҳатдан ҳам инновацион фаолиятни самарали қўллаш ва бошқариш ва уларни ўқув жараёнига интенсив равишда татбиқ этилиши таълим тизимида том маънодаги ижобий ўзгаришларга олиб келмоқда. Мазкур ўзгаришлар таълим тизими тузилмаси, ўқитиш жараёни методологияси ва технологиясигагина эмас, балки унинг стратегик йўналишига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Таълим тизимида инновацион менежментни самарали қўллаш, янги педагогик технологияларни татбиқ этиш, масофавий таълимни йўлга қўйиш, ўз навбатида, таълимга янгича ёндашишни, стандарт ва талабларга

ўзгартиришлар киритишни, ўқитиши усуллари ва стратегиясини такомиллаштиришни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Республика Президентининг 2019 йилда мамлакатни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги парламентга Мурожаатномаси, ҳамда 2017 йил 20 апрелдаги 2909-сонли “Олий таълим тизимини янади ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон қарорларида миллий кадрларнинг рақобатбардошлиги ва умумжаҳон амалиётига асосланган олий таълим миллий тизимининг сифати ошишига алоҳида эътибор берилган ва устувор вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да олий таълим жараёнларига рақамли технологиялар ва замонавий ўқитиши усулларни жорий этиш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, коррупцияга қарши курашиш, муҳандислик-техник таълим йўналишларида таҳсил олаётган талabalар улушкини ошириш, кредит-модуль тизимини жорий этиш, ўқув режаларида амалий қўникмаларни оширишга қаратилган мутахассислик фанлари бўйича амалий машғулотлар улушкини ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Сўнгги йилларда инновацион ривожланиш ва модернизациялаш асосида таълим тизимининг сифати ва индивидуал компонентларини ривожлантириш бўйича турли илмий-тадқиқотлар, турли даражадаги ва босқичдаги ўқув жараёнларини инновацион бошқариш, инновацион жараёнларни моделлаштириш; таълим тизимига инновацион педагогик технологияларни қўллаш, инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш асосида илмий педагогик кадрларни ва ўқитувчilarни кайта тайёрлаш талаблари пайдо бўлди.

Шу жиҳатдан ушбу модул таълим сифатида инновацион менежмент, унинг назарий асослари, замонавий таълим сифатини асосий мезон ва курсаткичлари, таълим сифатини таъминлашда инновацион фаолиятнинг асосий турлари, интеллектуал мулк ва уни баҳолаш, таълим сифатини оширишда инновацион маркетинг, таълим сифатини баҳолашда инновацион фаолиятнинг жаҳон тажрибаси, венчур молиялаштириш, инновацион лойиҳа, таълим бизнес сифатида - инновацион маркетинг обьекти, инновациялар трансфери, инновацияларни тижоратлаштириш каби масалаларини қамрайди.

Бугунги қунда олий таълим муассасалари томонидан таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва замонавий инновацион менежмент усулларини жорий этишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, фармонлар, қарорлар ва буйруқлар каби норматив ҳужжатлар қўлланилмоқда. Ушбу қонунлар ва фармонларни бажаришда соҳага инновацион менежмент асосларини қўллаш ва тизимли чоратадбирларни амалга ошириш бугунги кунинг долзарб масалаларидан хисобланади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини олий таълимда инновацион менежмент асослари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва таълим сифатини таъминлашда замонавий андозаларга жавоб берадиган инновацион таълим менежменти асосларини тадбиқ этишда таълим сифатига таъсирини билиш, уларни амалиётга татбиқ этилишини таъминлашда ва мавжуд билимларни янгича асосда чуқурлаштириш, ҳамда уларнинг малакаларини ошириш, таълим сифатини оширишда инновацион менежмент масалалари бўйича кўникма ва малакаларини таркиб топтиришдан иборат.

Модулнинг вазифалари:

- олий таълим муассасаларида жахон стандартлариiga жавоб берадиган таълим сифатини таъминлашда инновацион менежментнинг назарий ва амалий кўникма малакаларини ташкил этиш;
- таълим сифатини таъминлашда олий таълим муассасасининг инновацион фаолияти, инновацион менежмент самарадорлигини таъминлаш вазифаларини ўргатиш:
 - таълим сифатини таъминлашда ОТМларда инновацион фаолиятни таўкил этиш, интеллектуал мулк обьектларини таснифи, уларни баҳолаш масалалари бўйича малака ва кўникмалар бериш;
 - таълим сифатида инновацион фаолитнинг жахон тажрибаси билан таништариш, таълимда инновацион маркетинг механизmlарини амалга оширишга йўналтириш:
 - таълимни бизнес сифатида – инновацион маркетинг обьекти сифатида баҳолаш, венчур молиялаштиришнинг усул ва механизmlари бўйича назарий ва амалий кўникмаларга йўналтириш;
 - таълим сифати, унинг стратегиясини режалаштириш ва мақсадли лойиҳаларни ишлаб чиқишга йўналтириш;

- янгиликларни таълим жараёнларига жорий этиш, ҳамда инновацион ва сифат таълим мажмуасида менежмент тузилмаси ва вазифаларини ёритган ҳолда уларнинг методик таъминотини кенгайтириш;

- ривожланган мамлакатлар таълим тизимидағи янгича усуллар, инновацион педагогик технологияларнинг ижобий томонларини ўрганган ҳолда халкоро стандартлар талабларини ўрганишда кўникма ва малакаларини шакллантириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Таълим сифати инновацион менежменти” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

Олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлашда инновацион фаолиятни ва инновацион таълимни самарали ташкил этиш, уларни ривожлантириш стратегияларини белгилай олиш, таълим сифатини оширишда интеллектуал мулк ва унинг обьектлари таснифи, муаллифлик хукуқи, уларни баҳолаш кабиларни қўллаш **технологияларини ўзлаштириши;**

- инновацион таълимни ва таълим сифатини таъминлашда инновацияларни жорий этиш, замонавий таълимни бизнес сифатида ташкил этиш, ва инновацион маркетингни қўллай олиш **кўникмаларига эга бўлиши;**

- ОТМларда инновацион ташкилотларни ташкил этиш – таълим сифатини ошириш тажрибаларини (технопарк, бизнес инкубатор, тажриба метамарказлари, технополислар) **билиши керак;**

- таълим сифатини таъминлашда инновацион менежментнинг функционал вазифалари ижросини таъминлаш ҳақида **билимларга эга бўлиши;**

- таълим сифатини таъминлашда инновацион фаолиятни самарали ташкил этишининг жаҳон тажрибалари билан таниш бўлиши, республикамиз шароитида уларни самарали қўллаш принциплари ва усулларини **билиши** керак;

- инновацияларни тижоратлаштириш, инновацион лойиха ва дастурларни ишлаб чиқиши ва венчур молиялаштириш билан боғлиқ масалаларни ечиш, таҳлил этиш, баҳолаш ва умумлаштириш **малакаларини эгаллаши** лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Таълим сифати инновацион менежменти” модули маъруза ва амалий

машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, инновацион технологиялари ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, блиц-сўровлар, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, ва бошқа интерфаол таълим методларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модуль “Таълим менежерининг инновацион компетентлиги”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Таълим сифатини таъминлашда ҳалқаро тажрибалар” каби модуллар билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим сифтини ошириш, таълимни инновацион технологиялар асосида ташкил этиш ва бошқариш, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

МОДУЛ БҮЙИЧА СОАТЛАР ТАҚСИМОТИ

№	Модул мавзулари	Аудитория ўқув юкламаси			Мустакијл таълим	
		Жами	жумладан			
			Назарий	Амалий машгулот		
1.	Таълим сифати ва инновацион менежментнинг назарий асослари	2	2			
2.	Рақамли иқтисодиёт шароитида таълимда инновацион жараёнлар	2	2			
3.	Замонавий таълим сифатининг мезон ва кўрсаткичлари. Таълим сифатини таъминлашда инновацион фаолиятнинг асосий турлари	4	2	2		
4.	Таълим сифатини таъминлашда инновацион менежмент самарадорлиги. Инновацион маркетинг.	2		2		
5.	Таълим сифатини таъминлашда инновацион фаолиятнинг жаҳон тажрибаси. Ҳалқаро сифат стандартларида инновацион менежментнинг аҳамияти.	4		4		
6.	Олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлашда инновацион фаолиятни ташкил этиш. Инновацион лойиҳа.	2		2		
	Жами:	16	6	10		

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-МАВЗУ: ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА ИННОВАЦИОН МЕНЕЖМЕНТНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ (2-соат)

Режа:

1. Таълим сифати, инновация, инновацион фаолиятнинг моҳияти. Таълим сифатини таъминлашди инновацион менежментнинг методологик асослари.
2. Инновацион таълим. Таълим сифатини таъминлашда инновацион менежментнинг асосий омиллари.
3. Олий таълим муассасаларида инновацияларнинг таълим сифатига таъсир этувчи омиллари.
4. Инновациялар – иқтисодиётнинг глобаллашган шароитида рақобат курашининг ҳаракатлантирувчи омили.

Таянч сўзлар: таълим, сифат, таълим сифати, инновация, инновацион фаолият, инновацион муҳит, инновацион соҳа, инновацион инфратузилма, инновацион салоҳият, менежмент, таълим, таълимда инновацион менежмент.

Key words: innovation, innovation activity, innovation environment, innovation sphere, innovation infrastructure, innovation potential, management, education, innovation management in education.

Инновацион менежмент – Ўзбекистон иқтисодиёти учун нисбатан янги тушунча бўлиб, фан-техника тараққиётини бошқариш жараёнлари ва илмий-техник ютуқларни ишлаб чиқаришга жорий этишнинг асосий жиҳатларини қамраб олади.

Инновация – мавжуд тизимлар ривожланишини бошқариш жараёни бўлиб, унда инновацион маҳсулот амалий қўлланилиш босқичигача олиб келинади ва бозор муваффақиятини таъминлайди.

2-МАВЗУ: РАҚАМЛИ ИҚТІСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАР (2-соат)

Режа:

1. Рақамли иқтисодиёт асослари. Глобаллашув шароитида рақамли иқтисодиётни ривожланиш тенденциялари.
2. Рақамли иқтисодиёт шароитида таълимни ташкил этиш хусусиятлари. Масофавий таълимни ташкил этиш асослари. Масофавий таълимни ташкил этишда рақамли технологиялар.
3. Рақамли иқтисодиёт шароитида инновацион жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш.

Таянч сұзлар: *рақамли иқтисодиёт, янги технологиялар, платформалар, бизнес моделлар, дастурлар, ақылды технологиялар, инновация, инновацион фаолият, инновацион мұхит, инновацион соҳа, инновацион инфраструктура, инновацион салоҳият, менеджмент, таълим, таълимда инновацион менеджмент.*

Key words: *digital economy, new technologies, platforms, business models, programs, smart technologies, innovation, innovation activity, innovation environment, innovation sphere, innovation infrastructure, innovation potential, management, education, innovation management in education.*

Ўзбекистон ўз олдига кучли демократик, илғор ривожланган давлатлар сафидан мустахкам ўрин әгаллашни мақсад қилған. Дунёning ривожланган 50 мамлакати қаторига кириш — бош вазифа. Бу борадаги ислоҳотлар эса халқимизга муносиб шароит яратып бериш мақсадида амалга ошириляпти. Эътибор берәётган бўлсангиз, кейинги йилларда Ўзбекистоннинг шаҳдам одимлари халқаро ҳам жамият томонидан эътироф этилмоқда. Хусусан, нуфузли “The Economist” журнали дунёning икки юзга яқин давлатлари орасидан Ўзбекистонни “Йил мамлакати”, деб топгани фикримиз тасдигидир. Яъни ушбу нашр Ўзбекистонни 2019 йили дунёда энг кўп яхши тарафга ўзгарган мамлакат,

деб топди. Эътиборлиси, янгилик Ўзбекистонгача Марказий Осиёнинг бирор-бир давлати бундай эътирофга лойик кўрилмагани билан ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Вахоланки, республикамизга яқин-яқингача, аксарият таҳлилчилар томонидан жаҳоннинг “энг ёпиқ” давлатларидан бири сифатида қиёс бериб келинарди.

3-МАВЗУ: ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОН ВА КЎРСАТИКИЧЛАРИ. ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ (2-соат)

Режа:

1. Халқаро таълим сифати. Таълим сифатини таъминлашда инновацияларнинг қўллаш йўллари.
2. Илмий-техник маҳсулот ва инновациялар трансфери. Таълим сифатини таъминлашда инновация менежментининг механизми ва унинг асосий йўналишлари.
3. Таълим сифатини таъминлашда инновацион фаолиятнинг ташкилий шакллари.

Таянч сўзлар: инновацион таълим, янгиликлар классификацияси, таълим менежменти, тузилма, вазифалар, мезонлар, кўрсаткичлар, инновацион мойиллик, инновацион хусусиятлар.

Key words: *innovation education, classification of innovation, education management, structure, tasks, criteria, indicators, innovation propensity, innovation features.*

Таълимда инновацион фаолият мақсадга мувофиқ ташкил этилган ўқув жараёнлар технологияларининг мажмуи бўлиб, ўқув жараёнда инновацион фаолият доирасида ишлаб чиқариш, таълим олиш, билим кўникмаларига эга бўлиш, техник, тижорат, билим кўникмаларининг назарий ва мустақил жараёнини ташкил этувчи фаолиятга доир янгиликларни қўллаш асосида олиб бориладиган фаолиятдир. Олий таълим муассасаларида инновацион фаолият кенг маънода ўқитишнинг янги замонавий ва билим кўнималарини ўзлаштиришнинг янгича ёндашувларини ўз ичига олган фаолият бўлиб, у илмий, техник, технологик, ташкилий молиявий ва тижорат фаолиятларининг

мажмуи сифатида ривож топади.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-МАВЗУ: ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОН ВА КЎРСАТИКИЧЛАРИ. ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ (2-соат)

1. Халқаро таълим сифати. Таълим сифатини таъминлашда инновацияларнинг қўллаш йўллари.
2. Илмий-техник маҳсулот ва инновациялар трансфери. Таълим сифатини таъминлашда инновация менежментининг механизми ва унинг асосий йўналишлари.
3. Таълим сифатини таъминлашда инновацион фаолиятнинг ташкилий шакллари.

2-МАВЗУ: ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИННОВАЦИОН МЕНЕЖМЕНТ САМАРАДОРЛИГИ. ИННОВАЦИОН МАРКЕТИНГ (2 соат)

1. Таълим сифатини таъминлашда инновацион менежмент самарадорлиги. Олий таълим муассасаларида инновацион фаолиятни ижтимоий-иктисодий жихатлари.
2. Интеллектуал мулк, асосий тушунчалар, интеллектуал мулк объекtlарининг таснифи. Интеллектуал мулкни баҳолаш. Таълим сифатини оширишда интеллектуал мулк.
3. Таълимда инновацион маркетинг, моҳияти ва усуллари.
4. Таълим бизнес сифатида – маркетинг обьекти. Инновацион маркетингни стратегик ва операцион усуллари.

3-МАВЗУ: ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ ЖАХОН ТАЖРИБАСИ. ҲАЛҚАРО СИФАТ СТАНДАРТЛАРИДА ИННОВАЦИОН МЕНЕЖМЕНТНИНГ АҲАМИЯТИ (4-соат)

- 1.Халқаро сифат стандартлари замонавий бошқарув услубиётини қўллашда инновациялар.
- 2.Олий таълим муассасаларида инновацион менежментни қўллаш, ривожлантириш ва унинг самарадорлигини таъминлашнинг хориж

тажрибалари.

3.ОТМларда инновацион ташкилотларни ташкил этиш – таълим сифатини ошириш тажрибалари (технопарк, технополис, бизнес инкубатор, тажриба мета марказлари).. Венчур молиялаштириш. Олий таълим муассасаларида иноовацияон фаолиятни венчур молиялаштириш йўллари.

4.Таълимда инновацияларни қўллашнинг жахон тажрибаси. Халқаро сифат стандартларини замонавий инновацион менежментидаги услубиёти. Таълимда сифат менежменти тизими тамойиллари.

4-МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. ИННОВАЦИОН ЛОЙИХА (2-соат)

1. Олий таълим муассасаларида инновацион фаолиятни ташкил этишнинг замонавий шакллари. ОТМнинг инновацион салоҳияти. ОТМнинг инновацион стратегияси.

2. Инновацион лойиха, таснифи ва дастурлар. Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиши ва уни иқтисодий баҳолаш. Инновацион лойиҳаларни бошқариш. Инновацион лойиҳаларнинг самарадорлиги.

3. Инновациялар трансфери. Инновацияларни тижоратлаштириш.

4. Таълимда инновацияларни қўллашда инвестициялаш жараёни.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, мотивацияни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ривожлантириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантикий хуносалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар:

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.:Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ти ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ти 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ти ПФ-5544-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПФ-5729-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ти ПФ-5789-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача

ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августандаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2001 йил 16 августандаги “343-сонли қорорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида”ги 3-сонли қарори.

Ш. Махсус адабиётлар:

16.Махкамова Таълимда инновацион менежмент. Монография. - Тошкент, “Фан ва технология”, 2019 – 164 б.

17.Теория инновационного менеджмента. Монография. - Тошкент, “Фан ва технология”, 2019 – 178 б.

18.Махкамова М.А. Инновацион менежмент. Ўқув қўлланма. – Т: Фан ва технология, 2013.

19.Махкамова М.А. Инновацион технологиилар бошқаруви. Монография. – Т.: Алоқа, 2011.

20.Махкамова М.А. Организация и управление инновационной деятельностью. – Т.: Иқтисодиёт, 2007.

21. Перегудов Л.В., Сайдов М.Х. “Менеджмент и экономика высшего образования”. Учб.пос – Ташкент. 2008 г.

22 Инновационный менеджмент. Учебник. Под. Ред, проф. В.Я. Горфинкеля. – М.: “Вузовский учебник ”, 2009 г.

23. J. Tidd and J.Bessant. [Managing Innovation: Integrating Technological, Market and Organizational Change](#). Wohl Wiley and Son's Ltd, Fourth edition, 2012.

24. V. Govindarajan and C. Trimble. [The Other Side of Innovation: Solving the Execution Challenge](#). Harward Business School Publishing, 2010.

IV. Интернет сайtlар:

25. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

26. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси

27. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази.
28. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET.
29. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

П. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

«Блум кубиги» методи.

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун “Очиқ” саволлар тузиш ва уларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

1. Ушбу методни қўллаш учун, оддий куб керак бўлади. Кубнинг ҳар бир томонида кўйидаги сўзлар ёзилади:

- Санаб беринг, таъриф беринг (оддий савол)
- Нима учун (сабаб-оқибатни аниқлаштировчи савол)
- Тушинтириб беринг (муаммони ҳар томонлама қараш саволи)
- Таклиф беринг (амалиёт билан боғлиқ савол)
- Мисол келтиринг (ижодкорликни ривожлантировчи савол)
- Фикр беринг (таҳлил килиш ва баҳолаш саволи)

2. Ўқитувчи мавзуни белгилаб беради.

3. Ўқитувчи кубикни столга ташайди. Қайси сўз чиқса, унга тегишли саволни беради.

“KWHL” методи.

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун мавзу бўйича қўйидаги жадвалда берилган саволларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

Изоҳ. KWHL:

Know – нималарни биламан?

Want – нимани билишини хоҳлайман?

How - қандай билиб олсан бўлади?

Learn - нимани ўрганиб олдим?.

“KWHL” методи	
1. Нималарни биламан: -	2. Нималарни билишини хоҳлайман, нималарни билишим керак: -
3. Қандай қилиб билиб ва топиб оламан: -	4. Нималарни билиб олдим: -

“W1H” методи.

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни тизимлашириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун мавзу бўйича қўйидаги жадвалда берилган олтита саволларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

What?	Нима? (таърифи, мазмуни, нима учун ишлатилади)	
Where?	Қаерда? (жойлашган, қаердан олиш мумкин)	
What kind?	Қандай? (параметрлари, турлари мавжуд)	
When?	Қачон? (ишлатилади)	
Why?	Нима учун? (ишлатилади)	
How?	Қандай қилиб? (яратилади, сақланади, тўлдирилади, таҳрирлаш мумкин)	

“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.



“ВЕЕР” методи.

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Веер” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурухлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурӯҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурӯҳга умумий муаммони таҳлил килиниши зарур бўлган кисмлари



ҳар бир гурӯҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён килади:



навбатдаги босқичда барча гурӯҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзуу якунланади.

Муаммоли савол

1-усул

2-усул

3-усул

афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

Хулоса:

“Кейс-стади” методи.

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитиши амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин.

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблиқ иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

“Ассесмент” методи.

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникумаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникумалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўкув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Ҳар бир катақдаги тўгри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



Тест

Муаммоли вазият

**Тушунча таҳлили
(симптом)**

Амалий вазифа

“Инсерт” методи.

Методни амалга ошириш тартиби:


- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қўйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	Матн
“V” – таниш маълумот.	
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.	
“+” бу маълумот мен учун янгилик.	
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?	

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Нима учун?” технологияси.


Нима учун схемаси мавжуд муаммони келтириб чиқарган сабабларини аниқлашга ёрдам берувчи схемадир. Сабаб-оқибат қонунига асосан муаммони келтириб чиқарувчи сабабларни аниқламай туриб муаммони ҳал этиш қийин. Муаммони ечимини топиш учун уни келтириб чиқарган сабабларни аниқлаш ва йўқотиш талаб этилади. Тингловчиларда сабаб-оқибат қонунияти асосида фикр юритишни тарбиялаш муҳим. Ушбу схема тингловчиларда айнан ана шу хусусиятни ривожлантиради. Тингловчиларда тизимли, ижодий, таҳлилий муроҳада қилиш кўникмаларини ривожлантиради.



“Нима учун”? схемасига асосан тингловчилар фаолиятини ташкил этиш кетма-кетлиги


1-босқич

Тингловчиларни “Нима учун”? схемасини тузиш коидалари билан таништириш




2-босқич

Якка тартибда (жуфтликда) муаммо шакллантирилади. Нима учун? сўроғи билан стрелка чизилади ва саволга жавоб ёзилади. Қайта-қайта “нима учун” деган савол бериб борилади. Муаммони келтириб чиқарган илдиз яширинган сабаби топилгунча давом эттирилади.


**3-босқич**

Тингловчилар кичик гурӯҳларга бирлаштирилади, ўз схемаларини таққослашга ва қўшимча киритишга имкон яратилади. Умумий схема жампанали

**4-босқич**

Натижалар тақдимоти уюштирилади. Фаолият натижалари баҳоланади.

«Нима учун?» технологиясининг схемадаги кўриниши.



“Нима учун”? схемасини тузиш қоидалари.

1. Қандай пиктограммадан фойдаланишни ўзингиз ҳал этасиз.
2. Мулоҳазаларнинг схематик кўриниши қандай бўлишини ўзингиз ҳал этасиз.
3. Ҳар бир стрелка фикр йўналишини кўрсатиши лозим.

ФСМУ технологияси.

- (Ф) - фикрингизни баён этинг.
- (С) - сабабини кўрсатинг.
- (М) - мисол (далил) келтиринг.
- (Ү) - умумлаштиринг.

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс-мунозаралар ўтказишда ёки ўқув-семинар якунида (tinglovchilarning ўқув семинари ҳақидаги фикрларини билиш мақсадида) ёки ўқув режаси асосида бирон бўлим ўрганиб бўлингач қўлланилиши мумкин, чунки бу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан бир қаторда тингловчиларнинг, ўқув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишга, қай даражада эгалаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятини ўргатади.

Ушбу технологиянинг асосий мақсади тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ифода этиб, тасдиқловчи даллиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади:

1-босқич.

-ўқитувчи тингловчилар билан бирга баҳс мавзусини ёки муҳокама этилиши керак бўлган муаммони, ёки ўрганилган бўлимни белгилаб олади;

-ўқитувчи ўқув машғулотида аввал ҳар бир тингловчи якка тартибда ишлаши, кейин эса кичик гуруҳларда иш олиб борилиши ва ниҳоят дарс охирида жамоа бўлиб ишланиши ҳақида тингловчиларга маълумот беради:

-машғулот давомида ҳар бир талаба ўз фикрини эркин ҳолда тўлиқ баён этиши мумкин эканлиги эслатиб ўтилади.

2- босқич.

Ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг 4 босқичи ёзилган қоғозлар тарқатилади:

Ф- фикрингизни баён этинг.

С - фикрингизни баён этишга сабаб кўрсатинг.

М - кўрсатилган сабабингизни исботлаб мисол (далил) келтиринг.

Ү - фикрингизни умумлаштиринг.

Ҳар бир тингловчи якка тартибда тарқатилган қозоздаги ФСМУ нинг 4 босқичини ўз фикрларини ёзма баён этган ҳолда тўлатади.

3 - босқич.

-Ҳар бир тингловчи ўз қоғозларини тўлатиб бўлгач, Ўқитувчи уларни кичик гуруҳларга бўлинишларини илтимос қиласи ёки ўзи турли гуруҳларга бўлиш усулларидан фойдаланган ҳолда тингловчиларни кичик гуруҳларга

бўлиб юборади:

-ўқитувчи ҳар бир гурӯҳда ФСМУ технологиясининг 4 босқич ёзилган катта форматдаги қоғозларни тарқатади;

-ўқитувчи кичик гурӯҳларга ҳар бирлари ёзган қоғозлардан фикр ва даллилларни катта форматдаги умумлаштирган ҳолда 4 босқич бўйича ёзишларини таклиф этади.

4 - босқич.

-Кичик гурӯҳларда аввал ҳар бир тингловчи ўзи ёзган ҳар бир босқичдаги фикрлари билан гурӯҳ аъзоларини танишириб ўтади. Гурӯҳ аъзоларининг барча фикрлари ўрганилгач, кичик гурӯҳ аъзолари уларни умумлаштиришга киришади:

-гурӯҳ аъзолари ФСМУнинг 4 босқичини ҳар бири бўйича умумлаштириб, уни ҳимоя қилишга тайёргарлик кўрадилар:

-фикрларни умумлаштириш вақтида ҳар бир тингловчи ўз фикрларини ҳимоя этиши, исботлаши мумкин.

5- босқич.

-Кичик гурӯҳларда умумлаштирилган фикрларини ҳимоя қиласилар:

Гурӯҳ вакили ҳар бир босқични алоҳида ўқийди иложи борича изоҳ бермаган ҳолда. Баъзи бўлимларни исботлаш яъни гурӯҳнинг айнан нима учун шу фикрга келганини айтиб ўтиши мумкин.

6 - босқич.

-ўқитувчи машғулотга якун ясайди, билдирилган фикрларга ўз муносабатини билдиради;

-қўйидаги саволлар билан тингловчиларга мурожат қиласади:

-ушбу технологиядан нималарни билиб олдингиз ва нималарга ўргандингиз?

-ушбу технологияни ўқув жараёнида қўлланилиши қандай самара берди?

-ушбу технологияни қўлланилиши тингловчиларда қандай ҳислатларни тарбиялайди, нималарни шакллантиради, уларнинг қандай фазилатларини ривожлантиради?

-ушбу технологиянинг ўқув жараёнининг қайси босқичида қўлланилгани маъқул ва нима учун?

-ушбу технологияни дарс жараёнида қўлланилиши тингловчиларга нима беради ва нимага ўргатади?

-ушбу технологияни яна қандай тартибда ёки қандай шаклда ўтказиш мумкин?

-ушбу тренингда асосий вазифа нимадан иборат ва ҳоказолар.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-МАВЗУ: ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА ИННОВАЦИОН МЕНЕЖМЕНТНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ (2 соат)

Режа:

1. Таълим сифати, инновация, инновацион фаолиятнинг моҳияти. Таълим сифатини таъминлашди инновацион менежментнинг методологик асослари.
2. Инновацион таълим. Таълим сифатини таъминлашда инновацион менежментнинг асосий омиллари.
3. Олий таълим муассасаларида инновацияларнинг таълим сифатига таъсир этувчи омиллари.
4. Инновациялар – иқтисодиётнинг глобаллашган шароитида рақобат курашининг ҳаракатлантирувчи омили

Таянч сўзлар: таълим, сифат, таълим сифати, инновация, инновацион фаолият, инновацион муҳит, инновацион соҳа, инновацион инфратузилма, инновацион салоҳият, менежмент, таълим, таълимда инновацион менежмент.

Key words: innovation, innovation activity, innovation environment, innovation sphere, innovation infrastructure, innovation potential, management, education, innovation management in education.

Инновацион менежмент – Ўзбекистон иқтисодиёти учун нисбатан янги тушунча бўлиб, фан-техника тараққиётини бошқариш жараёнлари ва илмий-техник ютуқларни ишлаб чиқаришга жорий этишнинг асосий жиҳатларини қамраб олади.

Инновация – мавжуд тизимлар ривожланишини бошқариш жараёни бўлиб, унда инновацион маҳсулот амалий қўлланилиш босқичигача олиб келинади ва бозор муваффақиятини таъминлайди.

Мамлакатлар рақобатдошлигини баҳолашнинг кўрсатишича, корхоналар ривожланишининг асосий стратегияси бўлиб, қуйидаги тамойилларга асосланган бошқарув сиёsatини амалга ошириш хизмат қилади:

- табиий ва иқлим ресурслардан оқилона фойдаланиш;
- жамғарилган бойликлардан ўз ўрнида фойдаланиш;

- инвестицияларни фаол жалб қилиш;
- инновацияларни қўллаб-қувватлаш.

Шу муносабат билан, инновацион менежментнинг ташкилот самарали ривожланиши ва рақобат устунликларини шакллантириш омили сифатидаги роли янада ошади.

Инновацияларни бошқаришда инновацион менежментнинг энг муҳим амалий вазифаларидан бири - инновацион жараёнларни бошқаришнинг самарали тизимини шакллантиришdir ва у қўйидагиларни амалга оширишни назарда тутади:

- инновацион менежментнинг тегишли назарий базасини ишлаб чиқиш;
- инновацион менежмент соҳасида мавжуд муаммоларни ечиш услубларини асослаш;
- инновацион жараёнлар самарадорлигини баҳолаш услубиёти ва уларга таъсир кўрсатиш воситаларини ишлаб чиқиш.

Корхонада рўй берадиган инновацион жараёнларнинг самарадорлиги, инновацион стратегияни шакллантиришда қўлланиладиган усул ва услубларга, инновацион маҳсулот категориясига, ишлаб чиқилаётган инновациялар турларига, илмий-тадқиқот ишлари натижаларининг ишлаб чиқаришда қўлланилишига боғлиқ бўлади. Улар орасида энг муҳим элементлар бўлиб қўйидагилар саналади:

- инновацион характердаги ечимларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг самарали стратегиялари;
- муайян ташкилий тузилмада бундай стратегияни амалга ошириш жараёнини бошқарув механизми.

Тадбиркорлик, ишлаб чиқариш, илмий-техник ва маркетинг стратегиялари билан бир қаторда юқорида қайд этилган инновацион стратегия, ташкилот умумий иқтисодий стратегиясининг муҳим бўғини сифатида қаралади.

Бошқарувнинг инновацион назарияси ва инновацион стратегиясини услугбий жиҳатларини ўрганиш даври ўтган аср бошларига тўғри келди ва кўпгина йирик олимлар томонидан амалга оширилди.

Хозирги кунда илмий-техник тараққиёт ва бозор эҳтиёжлари, маҳсулот номенклатураси ва сифатига янги талабларни шакллантирган ҳолда, талаб ва таклиф конъюнктурасидаги ўзгаришларга олиб келмоқда. Ишлаб чиқарувчиларнинг бундай ўзгаришларга нисбатан лоқайдлиги, рақобатчиларнинг илгарилаб кетишидан далолат беради. Корхоналар ушбу ўзгаришларга кеч мослашувининг салбий иқтисодий оқибатлари, таназзул ҳолатга ва ҳаттоқи банкротликка олиб келиши мумкин. Ушбу муносабат билан, ишлаб чиқариш фаолиятининг деярли барча соҳаларида, инновацияларга, истиқболли ривожланиш воситаси сифатида, қизиқиш ошади. Корхоналарни бошқариш амалиётида бундай стратегиянинг шаклланиши, инновацион жараёнларни самарали бошқарув тизимларини яратиш заруриятини ифодалайди.

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитларида, инновация фаолиятининг устувор йўналишларида турли хил ресурсларни оптималлаштириш, инновацион жараёнларни мажмуувий бошқариш ва инновацион ривожланишнинг самарасиз вариантини танлаш таваккалчилигини пасайтириш учун харидорларнинг ўзгарувчан инновацион эҳтиёжларини ҳисобга олиш лозим бўлади. Бунда инновациялар ва уларни бошқариш корхона ривожланишининг асоси ва узоқ муддатли муваффақиятининг кафолати ҳисобланади.

Инновацион менежментнинг асосий қоида ва категорияларини ўрганиш учун «инновация» тушунчасининг иқтисодий мазмуни ва моҳиятини тўлиқ англаб етишимиз лозим. Иқтисодий адабиётларда инновация (ингл. *innovation*) – потенциал илмий-техник тараққиётни (ИТТ) янги маҳсулот ва технологиялар кўринишида реал тараққиётга айланиши, деб таърифланади.

Бозор иқтисодиётида инновацияларни тизимли тақдим этиш услубиёти халқаро стандартларга асосланган, ва уларга мувофиқ инновация деганда,

бозорга кириб келган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, амалиётда қўлланилаётган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён ёки ижтимоий хизматларга бўлган янгича ёндашув кўринишидаги инновация фаолияти натижаси тушунилади.

Бугунги кунда жамиятда ва иқтисодиётда инновацияни ривожлантириш иқтисодий ўсиш ҳамда аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади. XXI аср тарихга инновация асри бўлиб кирди. Инновация, фан ва техниканинг бугунги кундаги янги технология, маҳсулот, ахборот ва коммуникация восталарида, техник ва ташкилий бошқаришнинг янги усусларида, янги хизмат турларида гавдаланган ютуғидир.

Инновацион менежмент ҳаракатлар мажмuinи, самарали меҳнатни таъминлашга йўналтирилишини ифодалайди.

Мамлакатимизда иқтисодиётни инновация асосида ривожлантиришнинг иқтисодий сиёсатига устувор стратегик йўналиш сифатида қаралади.

Таълим муассасалари фаолиятининг асосий тури бўлиб **таълим хизматларини яратиш** саналади. Бу таълим хизматларини таърифлашнинг етарлича кенг доирадаги миқдорлари мавжуддир.

Биринчидан, **таълим хизмати** – бу ўқув-педагогик фаолиятдир.

Иккинчидан эса, **таълим хизмати** – бу таълим муассасаси томонидан истеъмолчининг ишчи кучи қийматини оширувчи ва унинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини яхшиловчи маълумотга эга бўлиш имкониятларини тақдим этишдир.

Учинчидан, **таълим хизмати** – бу шахс, жамият ва давлатнинг турли хилдаги таълимга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадларида фойдаланиладиган билимлар, ахборотлар, маҳорат ва кўнилмаларнинг тизимиdir.

Сифат – бозор иқтисодиёти шароитида фирмани, муассасани авторитети, фойдани ортиши, унинг рақобатбардошлигини гуллаб яшнашини таъминловчи асосий кўрсаткичdir. **Маҳсулот сифати** – корхона, ташкилот ва фирмаларнинг фаолиятини баҳоловчи асосий кўрсаткич.

Илмий адабиётларда маҳсулот **сифати** – маҳсулот ёки товарнинг шундай хусусиятлари йигиндисики, у маълум талабларни бажара оладиган, истеъмолчини талабларини қондиришга ярайдиган ва ундан самарали фойдаланиш учун ишлаб чиқилган (тайёрланган) хусусиятлар йигиндисидир.

Сифатнинг асосий кўрсаткичлари - тўғри ишлаши, белгиланган вазифаларни бажара олиши (показатель назначения), ишончлилик, сақланувчанлиги, узоқ муддат ишлай олиши (долговечность), сақланувчанлик (сохраняемость), Технологиклиги (технологичность), стандартларга ва бошқа талабларга жавоб бериши кабилардир.

Сифат - умумий тушунча сифатида инсонларнинг эҳтиёжлари ва талабларини қондириш билан асосланувчи маҳсулот, материал, иш тури, меҳнат, хизматлар ва шу кабиларнинг хусусиятлари ҳамда хусусий белгиларининг мажмуи бўлиб, уларни қўйилган талаблар ва ўз вазифаларига тўлиқ мос келиши билан баҳоланади. Бундай мослих асосан стандартлар, шартномалар, келишувлар, истеъмолчиларнинг талаблари билан аниқланади.

Сифатга эътибор ва унинг ривожланиш босқичларини мантиқан қуидаги даврларга бўлиш мумкин:

1.XX асрнинг 60-йиллари - бозор рақобатбардошлиги шароитида асосий омил - маҳсулот сифати.

2.XX асрнинг 70-йиллари – маҳсулот сифатидан шлаб чиқариш технологияси сифатига ўтиш босқичи.

3.XX асрнинг 80-йиллари- сифатни бошқариш тизими босқичига ўтиш даври.

4. XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб **таълим сифати**, интеллектуал ресурслар сифати, инсон ҳаёти сифати - асосий омил сифатида намоён бўла бошлади.

Таълим сифати – ижтимоий категория ҳисобланиб, жамиятда таълим жараёнининг ҳолати ва натижасини ҳамда шахснинг касбий, майший ва фуқаролик компетентлигини шаклланиши ва ривожланишини жамият талаби ва эҳтиёжига мос келишини аниқлайди. Таълим сифати таълим

муассасасининг ўқув-тарбиявий фаолиятини турли қирраларини тавсифловчи кўрсаткичлар мажмуи орқали баҳоланади.

Ушбу кўрсаткичларга таълим олувчилар компетентлигининг ривожланишини таъминловчи таълим мазмуни, ўқитиш шакли ва услублари, материал-техник база, ходимлар таркиби кабилар киради.

Таълим сифати -инсон ҳаёт-фаолияти сифатини ошириш ва аниқ мақсадга эришишда фойдаланиш учун зарур бўладиган, аниқ шароитларда талаб этилиб олинган билимлар мажмуидир.

Олий таълимда таълим сифати - таълим моделининг замонавий талабга, халқаро стандартларга, тайёрланган йўналиш ва мутахассисликлар бўйича назарий ва амалий билим кўникмаларини етарлича ўзлаштирилган, институционал мақсад ва вазифалари ҳамда таълим тизимининг аниқ стандартлари, таълим муассасалари, ўқув дастурлари ва фанлари билан боғлиқ бўлган кўп қиррали, кўп даражали динамик тушунчадир.

Билим сифати - ўқув жараёнини тугатгандан сўнг олинган билимларнинг фундаменталлиги, юқорилиги, иш жараёнида қанчалик кераклилиги ва иш берувчининг қўйган талабларига мос келиши билан белгиланади.

«**Таълим сифати**» атамаси қўйидаги омилларга боғлиқ ҳолда турлича аҳамият касб этади:

- * олий таълим иштироқчиларининг манфаатлари;
- * кириш маълумотлари, таълим-тарбия жараёнлари, чиқиш маълумотлари, мақсад ва вазифалар каби тушунчаларнинг ўзаро нисбати;
- * баҳоланадиган академик соҳанинг хусусиятлари ёки тавсифи;
- * олий таълимнинг тарихий ривожланиш даври.

Шунингдек, таълим сифати атамаси қўйидаги турли даражадаги аниқланишларга ҳам эга:

- * сифат - энг юқори кўрсаткич сифатида;
- * сифат - мақсадга тўлиқ эришилган фаолият шаклида;

* сифат-яхшиланган ва такомиллаштирилган фаолият шаклида. Юқорида келтирилган «таълим сифати» тўғрисидаги аниқланишлар

*таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг тарихий даврига боғлиқ ҳолда ўз афзалликлари ва камчиликларига эгадир.

Таълим сифати абсолют ва нисбий тушунча сифатида қаралиши ҳам мумкин.

* Таълим сифатининг абсолют тушунчасида таълим муассасасининг статуси, мавқеи ва устунлигини акс этиши назарда тутилади. Бундай идеал тушунча таълим муассасаси имиджининг ривожланиши ва мустаҳкамланишига шароит яратади ва таълим сифати кўрсаткичи бўйича энг юқори даражадаги таълим стандартига интилишини ифодалайди.

* Таълим сифати нисбий тушунча сифатида ҳам қаралиши мумкин. Бунда сифат таълим хизматнинг асосий атрибути (ажралмас қисми, асосий хусусияти) деб ҳисобланмайди ва таълим жараёнини давлат таълим стандартига мос келиши билан баҳоланади. Шу сабабли таълим

* сифати нисбий тушунча сифатида икки хил маънода белгиланиши мумкин:

*таълим стандартига мослиги;

*таълим хизмати истеъмолчиларининг расмий талабларига мос келиши.

Биринчи тушунча ишлаб чиқарувчи (таълим муассасаси) нуқтаи назаридан сифатни белгиласа, **иккинчиси эса истеъмолчи**, яъни ишлаб чиқариш корхоналари томонидан сифатни баҳолайди.

Таълим сифати биринчи навбатда билим соҳиблари, тарқатувчиларининг сифати, савияси ва малакаси билан белгиланади. **Билим соҳиблари деганда** муайян олий ўкув юртининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва уларнинг илмий салоҳияти тушунилади. Улар турли хил педагогик технологиялар ва услублар ёрдамида билим олувчиларга билим беришади. Шу сабабли билимни узатиш технологиясининг замонавийлиги, у ёрдамида таълим олувчиларни ўзлаштириш даражаси, олинган билимларни мустаҳкамлиги, асосланганлиги ҳам муҳим рол ўйнайди.

Таълим сифатини аниқлашда сифат қўрсаткичларини қўйидаги гурухларга ажратиш мумкин;

- * профессор-ўқитувчилар таркиби сифати;
- * ўқув юртининг материал-техник базаси;
- * ўқитувчилар таркибининг асосланганлиги;
- * ўқув дастурларининг сифати;
- * талабалар сифати;
- * инфратузилма сифати;
- * билим сифати;
- * раҳбариятнинг инновация фаоллиги;
- * инновацион жараёнларни тадбиқ этилиши;
- * битирувчиларга талаб;
- * битирувчиларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлиги;
- * битирувчиларнинг ютуқлари.

Хозирги замонда «инновация» тушунчаси бирон бир турдаги фаолиятни таркибий жихатдан янгиланишини, тубдан ўзгартирилишини ифода этади.

Инновация тушунчаси - кенг қамровли бўлиб, у ишлаб чиқариш жараёнига мукаммал, янги, илгари бўлмаган технологияларни жорий этишни назарда тутади.

Innovation¹ is: production or adoption, assimilation, and exploitation of a value-added novelty in economic and social spheres; renewal and enlargement of products, services, and markets; development of new methods of production; and establishment of new management systems. It is both a process and an outcome.

Инновацион мухит - инновацияларни яратилиши, амалга оширилиши ва илгари сурилишини ўраб турувчи ҳолат

Инновацион потенциал - деганда, ўзаро боғлиқликда бўлган турли хил ресурсларнинг умумий йиғиндиси тушунилади.

¹ This definition was given by Crossan and Apaydin and it builds on the Organisation for Economic Co-operation and Development (OECD) manual's definition.

Innovative potential - understood as the sum of the different types of resources in relation to the total.

Инновацион соҳа – инновацион маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларни, ўз ичига инновацияларни яратиш ва тарқатишни олувчи фаолият соҳасидир

«Инновацион фаолият» - деганда, иқтисодий фаолият соҳасидаги жараёнларни радикал тарзда ўзгартеришга ёрдам бериши мумкин бўлган бирон бир янгиликни яратиш.

Innovation activities² are all scientific, technological, organisational, financial and commercial steps which actually, or are intended to, lead to the implementation of innovations.

Инновацион лойиҳа – бу лойиҳа мақсадларини амалга ошириш учун зарур бўлган техник, ташкилий, режавий ва ҳисоблаш – молиявий хужжатларнинг йифиндисидир.

Инновацион менежмент – ташкилий бошқарувчиликнинг ўзига хос тури бўлиб, унда инновацион фаолият режаси ва дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни бошқариш амалга оширилади.

Қатор олимларнинг фикрича³, инновация, бу:

- инновация ғоясига эга бўлган муайян ахборот тўплами (инновация ахборотнинг бир кўриниши тарзида ва шу маънода фаразий янгилик);
- тегишли қарор қабул қилиниши жараёни орқали ўтган ва моддийлашган инновация ғояси (инновация уни ўзлаштириш, жорий этиш жараёни тарзида ёки амалга ошадиган, рўёбга чиқадиган янгилик);
- олинган натижа ёки жорий қилинган янгилик.

Инновацион фаолиятни юритиш жамиятда фан-техника тараққиётiga олиб келади. Инновацион фаолият, чунончи, қуйидаги йўналишлардаги

² OECD, 2005, “The Measurement of Scientific and Technological Activities: Guidelines for Collecting and Interpreting Innovation Data: Oslo Manual, Third Edition” prepared by the Working Party of National Experts on Scientific and Technology Indicators, OECD, Paris, para. 149.

³Ф.Эргашев, Д.Рахимова ва бошқалар. Инновацион менежмент. –Т.: Академия, 2005.

янгиликларни ихтиро қилиш ва жорий қилишни ўзида мужассамлаштиради:

янги маҳсулот; янги технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни ташкилий шакли; янги бошқарув жараёни ва ижтимоий-иктисодий масалаларнинг ҳал этилиши, уларга мос равишда, янги молиявий дастаклар ва ташкилий тузилмалар.

Шундай қилиб, инновацияларни жорий қилишнинг энг оптималь даражаларини эътиборга олган ҳолда инновацион фаолиятга қуидагича таъриф ва тавсифларни бериш мумкин бўлади .

Инновационный менеджмент⁴ - это итоговый результат создания и освоения (внедрения) принципиально нового или модифицированного средства (новшества), удовлетворяющий конкурентные общественные потребности и дающий ряд эффектов (экономический, научно-технический, социальный, технологический).

Innovation Management - the final result is the creation and development of (implementation) of a fundamentally new or modified products (innovation), satisfying the needs of a competitive society and giving a number of effects (economic, scientific, technical, social, technological)

Инновацион фаолият – бу ишлаб чиқаришни, унинг моддий-техника базасини янгилашга ва ривожлантиришга имкон берувчи янги ғоялар ва ишланмаларни яратиш, ўзлаштириш ва тадбиқ этишга қаратилган жараёнлар мажмууси.

Инновацион назарияни асосий ривожланиш босқичи В.Зомбарт, В.Митчерлих, Й.Шумпетер ишларига тўғри келган. Инновациялар назариясини шаклланиши ва ривожланишига австриялик олим Й.Шумпетер катта ҳисса қўшган. Й.Шумпетер конъюнктура силжишлари манбаларини

⁴Д.В. Соклов, А.Б. Титов, М.М. Шабанова. Предпосылки анализа и формирования инновационной политики. — 2015.

таҳлил қилиш натижасида, ишлаб чиқариш ва бозор ривожланишидаги ўзгаришларнинг янги омилларини ажратди⁵ ва уларга қуидагиларни киритди:

- янги хусусиятларга эга маҳсулотни ишлаб чиқариш;
- янги илмий кашфиёт ёки тижоратлаштириш усулига асосланган ишлаб чиқаришнинг янги услубини жорий этиш;
- саноатнинг мазкур тармоғи тақдим этилмаган, янги савдо бозорларини ўзлаштириш;
- хом-ашё янги манбасидан фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришни тегишли тарзда қайта ташкил этилишини амалга ошириш, масалан, монополликни таъминлаш.

Муайян янгилик даражасини баҳолаш ва конъюнктура силжишларининг амплитудаси ва давомийлигини аниқлаш учун Й.Шумпетер янгилик мезонини киритди, ва ушбу мезон мазкур туркумлаштириш асосини ташкил этди.

Кейинчалик, 1930-йилларда Й.Шумпетер томонидан *инновация* тушунчаси киритилди, ва у маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш, етказиш жараёнларида янги ёки такомиллаштирилган техник, технологик, ташкилий характердаги қарорларни қўллаш оқибатида мумкин бўлган ўзгаришларни билдирад эди. Инновациянинг ушбу таърифи ва Й.Шумпетернинг ишлаб чиқариш омилларининг янги комбинациялари тўғрисидаги концепцияси инновациялар назариясига бўлган иккита энг тарқалган ёндашувдан бирининг асосини ташкил этади. Биринчи ёндашув – янги омиллар тўғрисидаги тушунчага асосланган, иккинчиси – янги маҳсулот ва/ёки технологияга асосланган. Биринчи ёндашувнинг ривожланиши ўз аксини топган ишлар шархи 1-жадвалда келтирилган.

⁵ Шумпетер Й. Теория экономического развития, М.: Прогресс, 2002. – С.255.

1-жадвал.

**Янги омиллар тўғрисидаги тушунчага асосланган биринчи ёндашув
бўйича инновациялар таърифларининг шархи**

Муаллифлар	Инновация таърифи
Х.Барнет	Мавжуд шакллардан янги сифат жиҳати билан фарқ қилувчи ҳар қандай ғоя, фаолият ёки моддий натижа
П.Т. Ла Пеьерре	Бошлангич ҳолатдан янги ҳолатга ўтиш йўли билан хўжалик ички тузилмасида содир бўлган ҳар қандай ўзгариш
П.Витфилд	Ижодий ғояни ривожланиши ва уни тайёр маҳсулот, жараён ёки тизимга айланиши
Л.Водачек О.Водачкова	Корхонанинг тизим сифатида фаолият кўрсатишнинг мақсадли ўзгариши
П.Ф.Друкер	Тадбиркорларнинг шундай воситасики, унинг ёрдамида ҳар қандай ўзгариш янги бизнес тури ёки хизматни амалга ошириш имконияти сифатида қўлланилади
К.Найт	Ташкилот ёки унинг бевосита атроф-муҳитига нисбатан бирор янгиликни жорий этиш

«Инновация» тушунчасини тушунишга бўлган иккинчи ёндашув ишлаб чиқаришда муайян турдаги техника, технология ва бошқа янги маҳсулотлардан фойдаланишга асосланади. Ушбу ёндашувга содик айрим олимлар ишлаб чиқариш фаолиятининг инновацион ва илмий-техник жиҳатларини teng деб билади, аммо бу ҳар доим ҳам тўғри эмас.

Аммо, ушбу ёндашув етарлича кенг тарқалган, чунки унинг асосида ётган инновацияларни илмий-техник нуқтаи назардан ажратиш тамойили, инновацияларнинг жамият ривожланишидаги аҳамияти ва мақсадларини акс эттиради. Бунда «инновация» тушунчаси ҳам жараён, ҳам натижа сифатида тушунилади.

Ушбу ёндашув тушунчаларининг шархи 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

**Янги маҳсулот ва/ёки технологияга асосланган иккинчи ёндашув
бўйича инновациялар таърифларининг шархи**

Муаллифлар	Инновациялар таърифи
Жараёнли ёндашув	
A.Харман	Инновация деганда янги ёки анча такомиллаштирилган ишлаб чиқариш жараёнларини жорий этиш тушунилади
P.Джонсон	Айрим корхоналар хўжаликларида янги ёки такомиллаштирилган эски жараёнлар ва маҳсулотларнинг пайдо бўлиши
B.Санто	Фоя ва кашфиётларни амалий қўллаш орқали ўз хусусиятлари бўйича яхшироқ маҳсулот ва технология яратилишига олиб келадиган жамият – техник-иктисодий жараён
P.Лемерль	Харажатларни тежовчи ёки унга шароит яратувчи ҳар қандай янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, хизмат, технология ва х.к.
T.Брайтон	Кашфиёт ёки ғояга иктисодий мазмун берувчи жараён
F.Никсон	Бозорда янги ва яхшиланган саноат жараёнлари ва ускуналари пайдо бўлишига олиб келадиган техник, ишлаб чиқариш ва тижорат тадбирлари йиғиндиси
Натижавий ёндашув	
H.К.Моисеева, Ю.П.Анискин	Индивид томонидан янги сифатида қабул қилинадиган ғоя, амалиёт ёки маҳсулот
G.Я.Киперман	Жаҳон бозорида рақобатдош бўладиган маҳсулот, замонавий технологияларни ишлаб чиқиш, яратиш ва тарқатишига йўналтирилган ижодий фаолият натижаси
D.Соколов A.Титов M.Шабанова	Муайян жамият эҳтиёжларини қондирадиган ва бир қатор самара (иктисодий, илмий-техник, ижтимоий ва х.) берадиган, принципиал янги ёки такомиллаштирилган яратиш ва ўзлаштиришнинг якуний натижаси

Инновациялар иктисодий самарадорлигини таъминлаш заруриятини ҳисобга олган ҳолда, бир қатор МДҲ иктиносчилари (М.Ионов, А.Кулагин, В.Логинов), инновацияни «харажатлар тежалишини ёки бундай тежаш учун шароит яратилишини таъминловчи янги маҳсулот ёки хизмат, ишлаб чиқариш услуги, ташкилий, молиявий, илмий-тадқиқот ва бошқа соҳалардаги янгилик»⁶ сифатида кўришган.

⁶ Ионов М. Инновационная сфера: состояние и перспектива // Экономист. 1993. №10. -С.62-67.

А.Уткин эса бозор шароитида корхоналар муваффақиятли иқтисодий фаолияти учун инновациялар мұхимлигини таъкидлаган ҳолда, инновацияларни корхона иқтисодий үсишини таъминловчи асосий захиралардан бири сифатида тавсифлаган⁷.

Шундай қилиб, инновация ва янгиликтар инновация фаолияти натижасыда юзага келади, улар үзаро боғлиқ ва бириккінчесиз мүмкін емес. Уларнинг асосий фарқи шундаки биринчи ҳолатда – янги маҳсулот шаклланиши жараёни рўй берса, иккінчесида – уни тижоратлаштириш жараёни амалга оширилади.

Бугунги кунда олий таълим тизими жуда кўп инновациялар тадбик қилинадиган соҳага айланди.

Таълимдаги инновацияларни икки гурухга бўлиш мүмкін:

- 1.Бевосита таълим жараёни инновацияси;**
- 2.Олий таълим муассасалари ва бошқа муносабатлар инновацияси.**

In education innovation can be divided into two groups:

- 1. Directly innovation of educational process.**
- 2. High education organizations and innovation of other relations**

Бевосита таълим жараёни инновациясига дарс жараёнини интерфаол усуллар билан ўтказишида компьютер технологиялари, мултимедия, электрон дарслик, слайд тақдимотлар, талабалар билимини электрон тармоқ орқали назорат қилиш, электрон тест саволлари ўтказиш каби инновацион жараёнлар киради.

Бундай таълим жараёнида талабалар томонидан дарсни ўзлаштириш даражаси, дарсга қизиқиши, назарий билимларни амалиёт билан узвий боғлаш, амалий мисоллар асосида тақдимотлар тайёрлаш орқали уларда маълум кўнилмалар ҳосил қилинади. Маъruzachi монотон маъруза ўкиш субъектидан талабалар билан фаол ишлайдиган, уларни мантиқий фикрлаш қобилиятини

⁷ Уткин Э.А., Морозова Г.И., Морозова Н.И. Инновационный менеджмент. – М.: АКАЛИС, 1996. – С.192.

ривожлантирадиган, нутқ қобилиятини оширадиган дарс жараёнининг бошқарув субъектига айланади.

Олий таълим муассасалариаро муносабатлар интеграцияси бугунги кунда замонавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланилган ҳолда амалга оширилмоқда.

Таълим жараёнининг глобаллашуви, олий таълим муассасалари аро интеграциянинг нафақат мамлакат ичкарисида, балки хорижий мамлакатлар билан шаклланиши албатта энг тараққий этган инновацион усулларни тадбиқ этишни тақозо этади. Бундай интеграция асосида видео конференциялар, почтали конференциялар, масофавий таълим турларини амалгаошириш мумкин. Он-Лайн режимида ўтказиладиган бундай фаол мулоқот жараёнида икки томондаги олимлар ўртасида долзарб муаммолар буйича баҳс-мунозаралар, уларнинг ечимлари, маълум билим соҳалари буйича тажриба алмашиш каби вазифалар амалга оширилади. Видео конференцияларда икки томон визуал равишда актив мулоқот олиб бориши бу замонавий информацион ахборот тизимларининг ютуқларидир.

Таълимда инновацион менежмент – таълим муассасасини замонавий менежмент назариясига ахборот-коммуникация, педагогик ва бошқа инновацион технологиялари воситаларини кўллаган ҳолда ташкилий бошқарув тизимининг ўзига хос туридир. Унга кўра, бошқарув, иқтисодий, психологик ва илмий-техник фаолиятнинг алоҳида йўналишлари белгиланади.

Innovative management in education - is a special kind of administrative activity through the application of information and communication and educational and other innovative technologies in the modern theory of management of the educational institution.

Таълимда инновацион менежмент мазмуни:

- Таълим жараёнида инновацион фаолият режаси ва дастурларини

ишлаб чиқиши;

- Таълим технологияларининг тарақкий этган давлатлардаги усулларини қўллаш;
- Таълим жараёни самарадорлигини ошишига таъсир этадиган ахборот воситаларини қўллаш;
- Олий таълим тизимида умумий инновацион сиёsat юргизилишини таъминлаш;
- Бошқарув органлари ва бошқарув бўғинлари ўртасида масофавий муносабатларни электрон ахборот воситалари ўрнатиш;
- Инновацион жараёнларни молиявий ва моддий ресурслар билан таъминлаш;
- Инновацион жараёнларни амалга ошириш вазифаларини бажарадиган малакали кадрлар билан таъминлаш.
- Хорижий таълим тизимида инновацияларни бошқарув, таълим, билимларни назорат этиш, ўқув услубий кўрсатмалар яратиш, дарсликларнинг электрон мультимедияли авлодини яратишга тадбиқ этиш.

Илмий тадқиқот ишларида инновациялар устувор йўналишларга йўналтирилган бўлиш илозим. Бу соҳадаги инновациялар қуйидаги турларга бўлинади:

Радикаллиги (янгилилиги) даражаси бўйича турлари:

- **базавий (фундаментал) инновациялар** - йирик кашфиётларни амалга оширади ва техника ривожланишининг янги авлоди ва йўналишлари шаклланишининг асоси бўлади;
- **кучайтирилган (такомиллашган) инновациялар** - одатда кичик ва ўрта кашфиётларни амалга оширишда, илмий-техник циклни тарқатиш ва баркарор ривожланиш даврида устунлик қиласи;
- **псевдоинновациялар** - техника ва технологиянинг эскирган авлодини қисман кучайтиришга қаратилади.

Жаҳон иқтисодий адабиётида “инновация” тушунчаси илмий-техника салоҳиятини реал, янги маҳсулот ва технологияларни юзага чиқарадиган жараён сифатида талқин этилади⁸.

Инновациялар ёки «янги комбинацияларни амалга ошириш» тушунчасига Шумпетер ташкилот, маҳсулот ёки ишлаб чиқариш жараёнини доимий такомиллаштириш йўли билан олинувчи стратегик афзаллик ва ютуқларни киритган. У қўйидаги беш ҳолатни кўрсатиб ўтган:

- янги неъмат тайёрлаш;
- ишлаб чиқаришнинг янги усулини жорий қилиш;
- янги сотув бозорини ўзлаштириш;
- хомашё ёки ярим тайёр маҳсулотлар янги манбасига эга бўлиш;
- тегишлича қайта ташкил қилиш, масалан, монопол ҳолатни таъминлаш⁹.

Инновацияларни яратилиш омили (манбаси) бўйича қўйидаги турларга бўлинади:

- фан ва техника ривожланиши оқибатида яратилган (вужудга келган) инновациялар;
- ишлаб чиқариш оқибатида яратилган (вужудга келган) инновациялар;
- бозор талаби оқибатида яратилган (вужудга келган) инновациялар.

Бошқарув фаолиятининг моҳияти тўғрисида ғоялар, тушунчалар, мулоҳазалар, уни маданий тарзда амалга ошириш тамойиллари, шакллари ва усуллари ҳақида тизим мавжуддир. Инсоният томонидан фан-техника, иқтисодиёт ва ижтимоий Муваффақиятлар тобора оширилиб боришига кўра бошқарув фаолиятининг **илмга бўлган талаби** ҳам тўхтовсиз ўсиб боради. Бир томондан, фан бошқарув фаолиятини концептуал бойитишдан манфаатдор бўлса, иккинчи томондан амалиётчи бошқарувчилар ўз фаолиятини илмий идрок этиш, уни назарий асослашга интиладилар.

⁸Ковалёв Г.Д. Основы инновационного менеджмента. -М.: 1999. -С. 192.

⁹Шумпетер И. Теория экономического развития (исследование предпринимательской прибыли, капитала, процента и цикла конъюнктуры).-М.: Прогресс, 1982. - С. 159.

Management¹⁰ – the process of planning, organizing, leading, and controlling the work of organization members and using all available organizational resources to reach stated organizational goals

Бозор иктисодиёти шароитида таълим тизимининг самарадорлиги унинг ракобатбардош бўлиши жуда куп омилларга боғлик бўлиб улар ичида бошқарув функциялари алоҳида ахамият касб этади. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқкан холда таълим тизимида инновацион менежмент олдидаги вазифалар қўйидагилардан иборат;

- Таълим тизимдаги ислоҳатларни «таълим» тўғрисидаги ва кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тўғрисидаги қонунларда белгиланган вазифалар асосида бажариш учун малакали кадрларни тайёрлаш;
- Таълим тизимини инновацион бошқаришнинг назарий ва амалий асосларини ўрганиш ва амлиётга тадбиқ этиш;
- Таълим соҳаси бошқарув структурасини, бошқарув бўғинлари ва бошқарув звеноларини инновацион менежмент, ва улар функцияларини ўрганиш;
- Жаҳон олий таълими тажрибаларидан келиб чиқкан холда уларнинг илғор усулларини инновацион бошқарув тизимига жорий этиш ва таълим тизимини рақобат бардошлигини таъминлаш;
- Олий таълим тизими юқори ва ўрта бўғин кадрларини меҳнат бозорида рақобат бардошлигини таъминлаш ва талабга эга бўлишини мувофиқлаштириш;
- Таълим тизими сифатини ҳалқаро стандартлага мос келишини белгилайдиган меъзонларни таҳлил ва улар асосида Давлат таълим стандартларини замонавийлаштириш;

¹⁰ James A.F.Stoner, R.Edward Freeman. Management fifth edition.Prentice-Hall International limited.

- Таълим менежментини такомиллаштириш асосида кадрлар мобиллиги ва рақобат бардошлигини оширишга йўналтирилган инновацион вазифаларни изчил амалга ошириш.

Республикамизда олий таълим муассасаларида инновацион фаолият қуидаги механизм асосида амалга оширилади.

ОТМда ҳар қандай янгилик киритиш асосий мақсади таълим сифатини яхшилаш деб таъкидлаш лозим. Таълим сифати қоидаларига эмас мавзу сифатида баҳолаш хос усуллари бор тоифадир, техник янгиликлар қўлланилади. Замонавий таълим муҳити 2 турдаги педагогик жараёндан иборат - **анъанавий ва инновацион**.

Педагогик инновациялар – таълим хизматларида макро, микро ва мезодаражада қўлланиладиган назарий асосга эга, мақсадли, амалий асосланган янги таълим бериш усуллариdir.

Таълим хизматларида инновациялар 5 босқичда ривожланади:

Биринчи босқич – таълим хизматларини тақдим этишда маълум турдаги инновацияларни қўллаш таўаббуси ва ёки янгиликларни қўллаш зарурати юзага чиқади. Бунда ОТМ раҳбарияти, ёки жамият таълим хизматларини янги турларига эҳтиёж сезганда, ташкилотни истиқболли режалари тузилганда ёки модернизация қилиш дастури асосида 1-босқич юзага келади.

Иккинчи босқич – назарий бўлиб, у кўпинча педагогик-психологик тахлил асосида инновацияларни ўзлаштириш ёки асослаш асосида беради. Ушбу босқич энг қийин ва маъсулиятли бўлиб, айнан шу босқичда инновацияларни қўллаш ёки қўлламаслик масаласи ҳал бўлади. Шу билан бирга бу босқич қўллаш режалаштирилаётган инновацияларни ахборотий таъминотини таъминлаб беради. Айнан шу босқичдаги муҳим қарорлар педагогик фаолиятга инновацияларни қўллашнинг муваффақиятини таъминлаб беради.

Учинчи босқич - ташкилий-амалий босқич бўлиб, унда олий таълимда инновацияларни қўллаш учун керакли ташкилий ва амалий муҳитни шакллантириш ва янгиликни қўллаш имконини беради. Бунда ташкилий

ишилардан күпинча тажриба гурухлари, лаборатория ва экспериментал хоналар, керакли асбоб-ускуналар, ўкув жихозлари ва техника воситалари билан таъминланади.

Тўртинчи босқич – тахлилий босқич бўлиб – қўлланилаётган ёки тажриба қилинаётган инновацион лойиха ёки моделни тахлил қилади ва дастлабки натижаларни тахлилини қилади. Ушбу босқичда инновацион жараён қандай амалга ошаётгани, уни қайси даражада – бир фан даражасида, йўналиш ёки бутун бир ОТМ ўкув жараёнида қўллаш ишилари аниқланади.

Бешинчи босқич – татбиқ этиш босқичи бўлиб, бу балки тажрибавий бўлиши, сўнг дастлабки натижалардан сўнг тўлиқ амалга оширилиши мумкин.

Ушбу босқич *инновацияларни самарадорлигини* ва ютугини белгилаб беради ва у куйидаги *З омилларга боғлиқ бўлади*:

- инновацион технологиялар қўллаётган таълим муассасасининг моддий-техник базаси холатига боғлиқ бўлади;

- раҳбарлар ва педагогларнинг квалификацияси, уларнинг инновацион мойиллиги, янгиликларга бўлган муносабати ва ижодий фаоллигига боғлиқ бўлади;

- таълим муасассасини жамоасини маънавий ва ахлоқий муҳити билан боғлиқ бўлади.

Таълим тизими менежментининг функциялари. Бошқаришнинг ўзига хос аниқ функциялари деганда муайян бошқарув органига ва унинг бошқарувчисига конкрет бириттирилган. Бошқаришнинг асосий функциялари тушунилади.

- **Режалаштириш (planning):** асосий ва дастлабки функциясидир. Ҳар қандай бошқариш режа тузишдан бошланади.

Бу режада:

- бошқарув мақсадлари ва вазифалари, уларни реализация қилиш муддатлари белгиланади;
- вазифаларни амалга ошириш усуллари ишилаб чиқилади;
- халқ хўжалиги бўғинларининг ўзаро алоқалари ўрнатилади;

Режалаштиришнинг умумийлик хусусияти шундаки, бунда ҳар бир бошқарув ходими ўзининг шахсий ишини режалаштиради, ўз иш жойининг фаолияти кўрсаткичларини ишлаб чиқади, режаларни қандай бажараётганини назорат қилишни уюштиради.

Ташкил қилиш (to organize): Бу функция бошқарув обьекти доирасида барча бошқарилувчи ва бошқарувчи жараёнларнинг уюшқоқлигини таъминлайди. Шу нўқтаи назардан ташкил қилиш ички ва ташки шартшароитларнинг ўзгариб туришига қараб амалдаги тизим таркибини такомиллаштириш ёки янгисини тузиш демакдир. Бу функция жорий ва стратегик режаларнинг ижросини таъминлаш бўйича биринчи қадамдир.

Мувофиқлаштириш ва тартибга солиш (coordination and order): Режалаштириш бошқаришнинг стратегияси ҳисобланса, мувофиқлаштириш бошқаришнинг тактик масалаларини ҳал қилиб беради. Бу функцияning асосий вазифаси оқилона алоқалар ўрнатиш йўли билан бошқариладиган тизимнинг тури қисмлари ўртасида келишиб иш олиб боришни таъминлашдир.

Мувофиқлаштириш маблағларни тежаш мақсадида башқарувдаги паралелизм ва бир-бирини тақрорлашни бартараф қилиш имконини беради. Бундан ташқари, у турли тармоқлар ўртасида ресурсларни тақсимлаш йўли билан нисбат ва мутаносибликни, ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги муносабатни ўрнатади.

Назорат (control): Бу функцияning мақсади “тутиб олиш”, “айбини очиш”, “илинтириш” эмас, балки бошқарув обьектида содир бўлаётган жараёнларни ҳисобга олиш, текшириш, таҳлил қилиш ва маълум тартибда шу обьект фаолиятини ўз вақтида созлаб туришдир. Назорат ўрнатилган меъёрий ҳужжатлардан, режалардан оғишларни, уларнинг жойи, вақти, сабаби ва хусусиятларини аниқлаш имконини беради.

Таъсирчан назоратни ташкил қилиш ҳар бир раҳбарнинг функционал ишидир. Мунтазам назорат йўқ жойда юксак пировард натижаларга эришиб бўлмайди.

Бошқариш фаолиятининг турларига кўра, функциялар қўйидагича бўлади:

1.бошқаришининг иқтисодий функциялари; яъни:

- маблағларнинг доиравий оборотини амалга ошириш;
- маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш;
- маркетинг хизматини уюштириш;
- фойда олишни таъминлаш ва ҳ.к.

2.бошқаришининг ижтимоий функциялари, яъни:

- меҳнат шароитини яхшилаш,
- ходимларнинг уй-жойга эҳтиёжини, социал маданий-маънавий эҳтиёжларни қондириш;
- моддий рағбатлантиришни таъминлаш;
- ижтимоий ҳимояни таъминлаш ва ҳ.к.

3.бошқаришининг маънавий - маърифий функциялари, яъни:

- ходимларни инсонийлик, яхшилик, меҳр-шафқатли ва ўзаро муносабатларда сабр-тоқатли бўлиш руҳида тарбиялаш;
- ходимларни Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳалолликни, адолат туйғусини, билим ва маърифатга интилишни тарбиялашга хизмат қилиш ва ҳ.к.

4.бошқаришининг ташкилий функциялари, яъни:

- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш;
- ўзаро алоқаларни ўрнатиш ва мувофиқлаштириш;
- барча бўғин ва бўлимлар ўртасида вазифалар тақсимоти, ҳуқуқ бериш ва бошқариш аппарати ходимлари ўртасида масъулиятларни белгилаш;
- **бошқаришининг аниқ услубини танлаш ва қарор қабул қилишида** иш тартиби изчиллиги, ахборотлар оқимини ташкил қилиш ва ҳ.к.

Қайд қилинган функциялар бир-бири билан боғлиқ ва маълум даражада тартибга солинган кўп унсурлардан, компонентлардан иборат бўлиб, улар яхлитликка эга. Шунинг учун ҳам таълим тизимини ҳам бошқариш жараённида

уларнинг бирортаси ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим.

Инновация глобал рақобатнинг ҳаракатлантирувчи омили эканлиги М.Портер¹¹ томонидан кўриб чиқилган ва кейинчалик қуидаги асосий мулоҳазалар келтирилган.

Халқаро масштабда етакчиликка эга бўлган компаниялар бир-биридан хар жиҳатдан фарқ қиласиган стратегиядан фойдаланадилар. Ҳар бир муваффақиятли компания ўзининг стратегиясидан фойдаланса, уларнинг характеристи ва жамиятнинг чукур илдизи бир хил бўлиб қолаверади. Компания рақобат устунлигига инновация ёрдамида эришади. Улар рақобатдошликка эга бўлиши учун янги усулларни ўзлаштирадилар ёки самарали усуллардан фойдаланиш рақобат қурашининг яхши маҳсулоти дизайн, янги ишлаб чиқариш жараёни, маркетинг, янгича ёндашиш ёки ишчилар малакасини оширишнинг янги усулида намоён бўлади. Кўпинча инновация – йирик технологик сакрашлардан эмас, балки аҳамиятсиз бўлган янгиликлар йигиндисидан иборат бўлган оддий ва кичик кўринишда бўлади. Бу жараёнга кўпинча ғоялар жалб этилади, янгилик бўлмасада, бирор-бир мақсадга йўналтирилмайди. Бунда доимо ишчиларнинг малакаси ва билимларини жисмоний активларга ҳамда савдо марказининг обрўси оширишга сарфлаш юз беради.

Айрим инновациялар бозорларда янги имкониятлар яратиб, рақобатда устунлик ёки бошқа рақиблар эътибор бермаган бозор сегментларини тўлдиришга имконият яратади. Агар рақиблар унга эътиборларни секин қаратсалар, бундай инновациялар корхона учун рақобатда устунликка олиб келади. Масалан, Япония компаниялари автомобилсозлик ва майший электроника каби тармоқларда кичик ўлчамли, кам энергия сарф қиласиган компакт моделларга эътиборни қаратиш билан устунликка эга бўлдилар. Халқаро инновация бозорида рақобатда устунликка эга бўладиганлар ички ва ташки талабни аниқлай оладилар. Масалан, Швед компаниялари Volvo, Atlas Copro ва AC каби жаҳонда хавфсиз маҳсулотларга бўлган халқаро талабнинг ошишини англаган ҳолда, шу соҳада бозорда кулай шароит вужудга келишини олдиндан билиб, жаҳон бозорида

¹¹ Портер М.Е. Конкуренция. – СПб., М., Киев: Изд. дом«Williams», 2000.

муваффақиятга эрищдилар. Шу билан бирга ички бозорда инновация ўзига хос ҳисобланса ҳам, халқаро рақобатда муваффақиятга эришишга халақит бериши мумкин. Масалан, АҚШ қудратли ҳарбий бозорининг ўзига тортиши Америка компанияларининг жаҳон бозорига материаллар, асбоблар ва механизмларни ишлаб чиқаришга жалб қилувчи корхоналарини жаҳон савдо бозоридан эътиборини чалғитган.

Янгиликни жорий этиш жараёнида ва унга ўзгаришлар киритилганда ахборотга эга бўлиш мухим роль ўйнайди, рақобатчилар ахборотларга эга бўлиши қийин ёки уларда ахборотга эҳтиёж бўлмайди.

М.Портернинг фикрича¹², миллатнинг рақобатбардошлиги қуйидаги омилларга боғлиқ:

- миллат аниқ янгиликларни саноатга татбиқ этиш ва модернизациялаш қобилияти билан;
- рақобат курашининг асосининг билимларни яратиш ва ўзлаштириш томонига қўпроқ силжиганини англаш;
- компанияларнинг рақобат курашида инновация асосида афзалликка эришиш қобилияти;
- рақобат афзаллигига инновация ёрдамида эришиш;
- рақобат курашида эришилган афзалликни саклаш учун ягона имконият доимо янгиликларни такомиллаштириш кераклигини англаш;
- рақобатда афзалликка эга бўлишнинг тўртта Ромб қоидаси мавжудлиги;
- бошқа давлатларнинг “Ромб команда”сини ўзгартирган ҳолда, унинг афзалликлардан фойдаланишга тўғри ёндашиши;
- глобаллашувга бошқа миллатлар ромбини афзаллик манбалардан танлаб фойдаланиш орқали тўғри ёндашиш;
- нима учун чет эл компаниялари юқори малакали мутахассислардан ўзларининг фаолиятларини ўрганишда фойдаланадилар, деган саволларнинг афзал жавобларини излаш қобилиятига эга бўлиш;

¹² Портер М.Е. Конкуренция. – СПб., М., Киев: Изд. Дом «Williams», 2000.

– рақобатдаги 13 устунлик узок муддатли тақомиллаштиришнинг натижаси эканлигини англаш (сирларни ҳимоя қилиш яшириш билан эмас).

Шундай қилиб, М.Портер компаниянинг рақобатдаги устунлигини глобал рақобатнинг қалити инновацияни олиб бориш ва татбиқ этиш, яъни инновация биржасини ташкил этишда, деб ҳисоблайди¹³. У жаҳон бозорида етарли даражада таъсир ўтказа олган ўндан ортиқ давлат (Буюк Британия, Германия, Дания, Италия, Корея, Сингапур, АҚШ, Швейцария, Швеция ва Япония) ларнинг рақобатбардошлигини тадқиқ этди. Миллатнинг рақобатбардошлик қобилиятини сақлаб қолган шароитларни тушунтиришни шубҳа остига олди:

- мақроиқтисодий бюджет танқислиги ва банк кредити ставкасининг пастлиги (Жанубий Кореяда аксинча);
- экспорт қилувчи тармоқларда маҳаллий иш кучининг арzonлиги (Германия, Швейцария, Швецияда бундай эмас);
- табиий ресурсларнинг сероблиги (Жанубий Корея ва Японияда бундай эмас);
- давлатнинг иқтисодиётга аралашуви (Италия ва Тайванда аксинча).

Айрим миллатлар рақобатбардошлик қобилиятини оқилона тушунтириш ўзининг алоҳида имкониятларига эга бўлган фирмаларнинг мавжуд эканлигидир.

Бу афзалликлардан фойдаланишнинг энг истиқболли усули инновация фаолияти, айниқса, унинг стратегик қиррасидир. Давлатнинг роли даставвал куйидагилардан иборат бўлиши керак:

Аксарият ҳолларда инновациялар содда ва кичик ҳажмларда, ягона йирик технологик ўсишга нисбатан, бирор кичикроқ жараён қўрсаткичларини яхшилаш ва ривожлантириш тадқиқоти ёки бозорни ўрганиш маҳсулни бўлади. Кўпинча инновациялар мақсадли харакат, кашфиёт, тўғри қарорлар, изланишлар натижасидир. Шу сабабли янгиликларни (новаторлар) ишлаб чиқарувчилар саноатнинг маълум тармоғи ёки давлатдан ажралиб қоладилар. Янгилик янги компаниядан (у анъанавий равища иш юритмаган ёки машҳур бўлмаслиги мумкин) келиши мумкин. Ёки янги компанияга қўшилиши билан (шу соҳада иш

¹³ Портер М.Е. Конкуренция. – СПб., М., Киев: Изд. Дом «Williams», 2000.

бошлаган, янги имкониятларни сезаётган ва уни амалга оширишга ҳаракат қилаётган катта менежерлар орқали амалга ошириш мумкин) инновация, шунингдек, компания активлиги доирасининг кенгайиши, янги ресурсларни жалб этиш, янги тармоққа кўникмалар билан янги истиқбол ҳам вужудга келади. Улар шунингдек, бошқа миллат ва бошқа шароитлардан ёки рақобат курашининг бошқа усулларидан ўзлаштиришдан келиб чиқиши мумкин.

Камдан-кам истисноли ҳолларда инновация ноодатий ҳаракат натижаси бўлади. Компания ўз рақобат курашида ёки кучли воситаларининг муваффақиятли татбиқ этаётганида мақсадига иккиланмасдан интилади, жиддий тўсқинликлардан чекинмайди. Ҳақиқатда янгиликни жорий этиш, муваффақиятга эришиш учун босим зарурлигини англаш, ҳатто айрим агрессивлик, йўқотишдан кўркиш кўпинча муваффақият қозонишда умидга нисбатан етарли, қурдатли ҳаракатлантирувчи куч бўлиб қолади. Компаниялар янгиликлар асосида рақобатда устунликка эришгандан сўнг, уларни такомиллаштириш ёрдамида сақлаб қолиш мумкин. Амалда ҳар қандай мувафаққиятни тақрорлаш мумкин. Корея компаниялари рангли телевизор ва видеомагнитофонларни оммавий тарзда ишлаб чиқиш билан рақобатдошлари имкониятларига эришдилар. Бразилиялик компаниялар теридан пойафзалнинг алоҳида турларини ишлаб чиқадиган рақобатбардош италия фирмаларига teng келадиган даражада технологик жараёнларни шакллантиридилар ва дизайнини ишлаб чиқдилар.


Рақобатчилар инновацияни такомиллаштириш ва уни жорий этишни тўхтатган компанияларни дарҳол айланиб ўтадилар. Баъзан истеъмолчилар билан бўлган муносабатларида мавжуд технологиялари маҳсулотларни сотишни кафолатлаганда ҳаракатсиз компаниялар ҳам узоқ вақт рақобатбардошликга эга бўладилар.

Баъзи давлатлардаги етакчи компанияларнинг янгиликка эришиш ва унга эга бўлишга интилишининг сабаби нимадан иборат? Нима учун улар рақобат курашида устунликка эришишнинг мураккаб манбаларини қидиришдан тўхтамайдилар?

Бу саволларга давлатчиликнинг тўрт хусусиятидан келиб чиқиб жавоб бериш мумкин. Жавоблар биргаликда мамлакат рақобатбардошлиқда устун эканлигининг исботлайди. Ҳар бир давлат ўз хусусиятларини ўзи вужудга келтиради ва уни қўллаб-қувватлайди. Бу хусусиятлар қуидагилардан иборат:

- 1) омиллар учун шарт-шароитлар. Давлатнинг тармоқда рақобат курашини амалга оширишда, ишлаб чиқариш омилларининг қандай шаклидан фойдаланиши (малакали иш кучи инфратузилмасининг мавжудлиги);
- 2) талабнинг ҳолати. Ички бозордаги тармоқда маҳсулот ва хизмат кўрсатишига талаб;
- 3) ҳалқаро даражада рақобатбардош бўлган давлатларда, маҳсулот етказиб берувчи ҳамда унга ёрдам берадиган тармоқларнинг мавжудлиги ва мавжуд эмаслиги;
- 4) барқарор стратегияга, таркибга ва рақобатбардошлиқга эга бўлган компанияларининг яратиш ва уни бошқариш учун мамлакатдаги мавжуд шароит, шунингдек, ички рақобат тавсифи.

Бу омиллар компанияларнинг вужудга келиши ва рақобатни ўрганишда куляй миллий муҳит яратиш шарти бўлиб қолади (1-расм).



**1-расм. Мамлакатнинг рақобатда устунлиги омиллари
(Портер ромби)**

1-расмда кўрсатилган ҳар бир чўқки ва уларнинг барчаси биргаликда ҳалқаро миқёсдаги рақобатда муваффақиятга эришишнинг муҳим элементларини ташкиллаштиришни тасвирлайди. Тармоқда рақобат устунлигига эришиш учун

керак бўлган ахборотларнинг мавжудлиги; малакали ходимларни жалб этиш учун ресурсларни сарфлаш йўналишини бехато аниқлаш; мулк эгалари, менежер ва компания айрим ходимларининг компания фаолиятига янгиликларни киритишга бўлган интилишини англаган ҳолда унга маблағ сарфлаш.

Мамлакат ичидағи вазият, ихтисослаштирилган ҳолат активларини жуда тезлиқда тўплаш ва амалий ҳал қилиш ҳамда, қўллаш ҳолатида айрим ҳолларда катта ҳаракат ва мажбуриятлар сабабли компаниялар рақобат устунлигига эришадилар. Мамлакат ичидаги муҳим ахборотлар оқими билан яхши таъминланганлик, ишлаб чиқариш жараёнида маълум бир маҳсулотга бўлган эҳтиёжни тўғри тушуниш ҳам компанияни рақобатда устунликка эриштиради. Ва ниҳоят, мамлакатдаги вазият мунтазам равишда янгиликларни киритиш ва инвестицияларни сарфлашга мажбур этса, компания нафақат рақобат устунлигига эришади, балки кейинчалик ҳам мавжуд устунликни кучайтириб боради.

Умумий нуқтаи назардан қараганда, ички рақобат курашини ҳисобга олиш бутунлай ортиқчадек: у ҳаракатларни такрорлашга олиб келадиган компаниялар фаолиятини ҳалқаро миқёсда ўрганилганда унинг муваффақиятига халақит бергандек бўлиб кўринади, шу нуқтаи назардан қараганда ечим битта ёки иккита илғор компанияларнинг катта миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариши ва чет эл рақобатчиларига қарши туриш учун етарли кучга эга бўлганини танлаш ва уларни керакли бўлган ресурслар билан таъминлаш ва қўллаб-қувватлашдан иборат. Кўп ҳолда давлатнинг етакчи миллий компанияларни йирик иқтисодий омиллар ҳамда субсидиялар билан таъминлаши ҳам уларнинг рақобатбардошлигини таъминлай олмайди. Мамлакат етакчи тармоқларида: фақат биргина аэрокосмик агентлик ёки телекоммуника-циялар маркази бўлса, рақобат емирилади.

Статистик самарадорлик ички рақобатни паст даражада рафбатлантирадиган динамик такомиллаштиришга нисбатан камроқ аҳамиятга эга. Ички рақобат ҳар қандай рақобат каби компанияларга янгиликларни киритиш ва уни такомиллаштиришга мажбур этади. Маҳаллий рақобатчилар бир-бирларини баҳоларни туширишга, маҳсулот сифати ва хизматларни яхшилашга, шунингдек, янги маҳсулотлар ва жараёнларни яратишга мажбур қиласидилар. Чет эл

компаниялари билан бўладиган рақобат курашига қараганда, маҳаллий рақобат кўпгина соф-иктисодий мусобақа доирасидан чиқиб етарли даражада мустақил бўлиб қолади. Бир мамлакат доирасида рақобатчилар ўз фаолиятига мерос бўлиб қолган етарли фаол рақибларни жалб қиласидилар. Улар нафақат бозорни, балки кишиларни, техник ютуқларни бўлиб олиш учун курашадилар. Битта рақобатчи миллий компаниянинг муваффақияти бошқаларга шу соҳада ютуқка эришиши мумкинлигини исботлайди ва кўпгина янги ходимларни жалб этади. Компаниялар кўпинча чет эл компанияларининг ютуғини уларнинг ўзига хос бўлган айрим маҳсус афзалликларига боғлайдилар. Ички рақобатда ютқазган компанияларнинг айби йўқ. Компаниялар-нинг бундай жойлашувида уларнинг концентрацияси ҳам ички рақобатни қучайтиради. Ички рақобатдан келадиган яна бир ютуқ тазиикдан иборат бўлиб, мунтазам равишда устунликка эришиш манбани доимий такомилаштириш учун шароит яратади. Ички бозорда рақобатчиларнинг мавжудлиги барча устунлик турлари омиллар харажатининг миллий бозорга кириш имтиёzlари чет элликларнинг ҳаракатларига имтиёzlарни (импорт) бекор қиласиди. Компания юқорида айтиб ўтилган афзалликлардан воз кечишга мажбур бўлиб, натижада барқарор афзалликка эришади. Шу билан бирга ички рақобат компанияларни давлатнинг қўллаб-қувватлашига эришишга юқори масъулият билан қарашга мажбур қиласиди.

Компанияларнинг давлат шартномаси билан чегараланиб қолиши ёки тармоқда ёпиқ савдо сиёсати қўллаш эҳтимолидан ҳоли. Бунинг ўрнига ҳар бир тармоқ давлат қўллаб-қувватлашининг фойдали шаклларини яни ташқи бозорни ўзлаштиришда ёрдам, маълум билим олиш тизимига инвестицияларни сарфлаш ва бошқа маҳсус омилларни излайди. Айнан кучли ички рақобат компанияни ташқи бозорга чиқишида муваффақиятга эришишга сабаб бўлади. Кўпинча иқтисодиётнинг кенг қамровли тармоқларида маҳаллий рақобатчилар ташқи бозорга эътибор қаратишига мажбур бўладилар. Рентабелликни оширишда кучли рақобат курашида синалган компаниялар чет элларда ҳам муваффақиятга эришиш қобилиятига эга. Муваффақиятга эришишда ҳар тўртта компаниянинг бири ромбнинг рақобат курашида устунликка эга бўлиш нуқталарига мос келади. Бу –

бўғиннинг ҳолатига боғлиқ. Масалан, меҳнат ресурсларининг сифати компанияга харидорлар талабига мослашиш имкониятини бермаса,, харидорларнинг талаби маҳсулотларни ўз-ўзидан яратишга олиб келмайди. Рақобат етарли даражада кучли бўлмаса ва компания олдига қўйган мақсади керакли инвестиция билан таъминланмаса, ишлаб чиқариш омилларидағи аниқ камчиликлар янгиланиши рағбатлантирмайди. Умуман, бўғиндаги ҳар бир камчилик тармоқнинг ривожланиши ва янгиланиш имкониятларини чеклайди. Шу билан бирга Ромбдаги ҳолатлар бир-бирини кучайтириш хусусиятига эга, чунки улар яхлит тизимни ташкил этади. Ички рақобатда иккита элемент ҳудудий тўпланув ва ромбнинг ягона тизимга айланишида, айниқса, кучли ички рақобат барча тарафларнинг ҳолатларини такомиллаштириш калити ҳисобланади. Ҳудудий тўпланув тўрт алоҳида омилларнинг йиғиндисининг янада ривожланишини рағбатлантиради. Ички рақобат, шунингдек, маҳаллий ва бир-бирига ёрдам берадиган саноат тармоқларининг вужудга келишига имконият яратади. Масалан, жаҳон миқёсида яrim ўтказгичли технологиялар соҳасида илғор бўлган Япония, ушбу асбобларни ишлаб чиқариш билан шуғулланган ишлаб чиқарувчиларни турли йўллар билан рағбатлантирган ва натижада етакчи ўринни эгаллаган. Бу самара ҳамма йўналишларда ҳам ишлаши мумкин: айрим вақтларда трансмиллий даражадаги таъминотчилар, ўзлари таъминлайдиган тармоқнинг ҳамкорларига айланиб қоладилар ёки стратегик аҳамиятга эга эканлигига кўзлари етса, ўзлари мол етказиб берувчилар қаторига кирадилар. Ромбнинг тизимли тавсифга эгалигининг яна бир томони унда рақобатбардош тармоқларининг ҳар бири билан муносабатларни амалга ошириш муҳитининг вужудга келишини ифодалайди. Рақобат-бардош тармоқлар иқтисодиётда тартибсиз тарқоқ жойлашмаган, улар одатда бир-бири билан вертикал (харидор-сотувчи) ёки горизонтал (умумий истеъмолчилар, технологик каналлар воситалари) тарзда боғланганлар. Бу групкалар жисмоний жиҳатдан бўлинниб ташланмайди. Улар географик жиҳатдан бир-бирига интилади. Битта рақобатбардош компания ўзаро кучайиши натижасида иккинчисининг вужудга келишига ёрдам беради. Масалан, майший электроника ишлаб чиқарувчи Япония компаниялари ўзларининг яrim ўтказгичли

технология соҳасидаги ютуқларини хотира планти ва интеграл схемалар ишлаб чиқаришга кўчирдилар. Laptop компьютерларини ишлаб чиқарувчи Япония компаниялари нисбатан афзалликка эга бўлмасаларда, компакт ихчам буюмлар, калькулятор ва соатлар, суюқ кристалли дисплейлар ишлаб чиқаришда билим ва тажрибага эга бўлган компанияларга нисбатан кучли ишлаб чиқарувчилар ҳисобланадилар. Кластер вужудга келиши билан гуруҳдаги тармоқлар ўзаро бир-бирини қўллаб-кувватлашга ўтади. Устунлик олдинга, орқага ва горизонтал йўналишда тарқалади. Бир тармоқдаги кучли рақобат бошқа тармоқларга технологияларни узатиш, бозор позициясининг ривожланиши ва мавжуд компанияларнинг диверсификациялашуви орқали кластер чегарасида тарқалади. Кластер ичидаги бошқа тармоқларнинг бозорга кириши илмий тадқиқот йўналишларини рағбатлантириб, янги стратегия ҳамда кўникмаларни киритишига ёрдам беради ва модернизацияни жадаллаштиради. Истеъмолчилар ва таъминотчилар орасидаги канал орқали қўплаб рақобатчилар билан алоқада бўлган компаниялар ўртасида ахборот ва инновациялар эркин тарқалиши келиб чиқади. Гуруҳ атрофидаги ўзаро алоқалар, одатда, кутилмаган янги рақобат кураши ва янги имкониятлардан фойдаланиш қераклигини келтириб чиқаришни англатади. Кластер ҳар хилликни қўллаб-кувватлаш, қарашларни тор фикрлаш, сустлиги етарли даражада бўлмаган эгилувчанликни бартараф қилиш воситаси бўлиб қолади. Кластернинг янгиликларни киритиш ва унумдорликни оширишдаги афзаллиги бу ерда хавф-хатар юқори бўлса-да, алоҳида жойлашганларга нисбатан муҳимроқ бўлиши мумкин. Биргина устанинг унумдорликни оширадиган айрим фазилати янгиликни киритишида энг муҳим омил бўлади. Кўпинча кластерга кирган фирмалар харидорларнинг эҳтиёжларига тезликда эътибор беришга қодир. Кластер таркибидаги фирмалар харидор эҳтиёжларини, улар билан мустаҳкам алоқаларни ўрнатган фирмалар ҳакида маҳсус ахборотлар тўплаш структурасининг мажмуи ҳамда буюртмачилар-нинг талабини ўрганувчи компанияларнинг тўпланувидан наф кўрадилар. Кластерга кирган фирмалар қўпинча талаб тенденциясини улар билан рақобатда бўлган алоҳида фирмаларга нисбатан тезроқ аниқлашлари мумкин. Кластер янги

технология, усул ёки таъминотни амалга ошириш имкониятини беради. Кластерга кирган фирмалар технологиядаги тараққиётдан, янги компонентлар ва асбоболарни қўллаш мухимлигидан, хизмат кўрсатиш ва маркетинг ҳақидаги янги концепциядан тезда хабардор бўладилар ва уни мунтазам кузатадилар, чунки бу вазифалар кластерда бошқа аъзолар ва шахслар ўртасидаги ўзаро алоқаларда амалга ошади. Кластерга аъзолик бошқа фирмалар фаолиятини бевосита кузатишни енгиллаштиради. Бунга қарама-қарши ҳолда яккаланган фирманинг ахборотларга кириши қийин ва унга кўпроқ ҳақ тўлашга мажбур. Унинг учун ўз структураси доирасида янги билимларга эришиш учун қўшимча ресурсларни ажратиш зарурияти ошади. Кластернинг янги инновациялар учун имкониятлар яратиш кераклигини англашдаги салоҳияти юқори бўлиб, бу уларнинг мазкур эҳтиёжга тез эътиборни қаратишдаги эгилувчанлигига ифодаланади. Кўпинча кластер чегарасидаги фирмалар янги хизматлар, асбоб-ускуналар учун тезкорликда манбаларни топиши мумкин.

Инновациянинг элементларини амалга ошириш учун керак бўлган элементлар қандай бўлишидан қатъи назар, янги ишлаб чиқариш жараёни ёки таъминотнинг янги модели бўлиши мумкин. Маҳаллий таъминотчилар ва шериклар ҳақиқатан ҳам қобилиятли бўлиб, улар янгиланиш жараёнига жалб этиладилар ва бу билан фирмаларнинг эҳтиёжига мос келадиган маҳсулотлар билан таъминлайдилар. Янгича ёндашиш натижасида керакли бўлган ходимларни шу жойнинг ўзида танлаб олиш мумкин. Янгиликларни киритиш жараёнида бир-бирига ўзаро ёрдам берувчи иштирокчиларнинг бир-бирига яқин жойлашиши фойдали бўлади. Кластердаги фирмалар янги буюм, жараён ёки хизмат кўрсатишни кам харажатлар билан синовдан ўтказиб, ундан фойда олишга ишонч ҳосил қилмагунларича, ўзларига катта мажбурият олмайдилар. Бунга қарама-қарши фирмалар узоқ жойдаги ресурсларни ташиш тизимида юк ортишни таъминлаш, техникавий қўллай олиш ва сервис хизматини амалга ошириш, шунингдек, фаолият жараёнида кўп сонли бошқа тизимлар билан келишишга кўпроқ эътибор беришга мажбур бўладилар. Манбаларга кўра зарур инновация билан боғлиқ бўлган савдодаги қийинчиллик ички капитал қўйилмалар қадрини

туширади, бунда янгиликларни ривожлантириш даврида мавжуд бўлган маҳсулотларни ва жараёнларни қўллаш зарурияти вужудга келади. У ёки бу афзаликнинг инновация билан асосланиши географик жиҳатдан бирлашган кластерда, айниқса, рақобат мослаштиришга йўналтирилган ва мунтазам таққослаш олиб бориладиган босим остида янада қучаяди.

Мавжуд бўлган фирмаларнинг (кескин рақобатчилик шароитида) бир-бирига ўхшашлиги (масалан, иш кучи қиймати, ёрдамчи воситалар) уларнинг ўз фаолиятларига ижодий ёндашишни талаб этади. Кластердаги айрим фирмалар узоқ вақт давомида илғор бўлиб қолиши қийин, лекин кўпгина фирмалар бошқа худудларда жойлашган ўхшаш фирмаларга қараганда тезроқ ривожланади. Бозор рақобатбардошлиги унинг бугунги кундаги муҳим хислати бўлиши учун инновацияларнинг ролини янада ошириш керак. Ташқи муҳитдаги ҳолатнинг ўзгариши компания фаолиятида инновациянинг роли ва ўрнини қайтадан кўриб чиқиши талаб этади. Жаҳон бозорларининг XX асрдаги ривожланиш тенденцияларинг таҳлили унинг асосий хусусиятларини келтириб чиқарди. Бозор ривожланишининг тўхтовсиз ўзгариши номувофиқлик ва кутилмаган жойда вужудга келишида ифодаланади. XX асрнинг охирларида қуидаги тенденциялар кузатилди:

- бозорнинг байналмилаллашуви;
- компютер тармоқларининг ривожланиши, маркетинг ва савдонинг реал вақт мобайнида тулашиб кетиши;
- бизнеснинг стратегик тавсифга эга бўлиши (инновация бизнесининг глобаллашуви, сервис хизмати ва ахборотлар билан таъминланиши);
- компаниялар ўртасидаги рақобат янги даражага қўтарилади ва глобал тавсифга эга бўлади;
- ҳалқаро ҳамкорлик технологияларни натурал ҳолда алмаштириш ёки “нау-хау”дан иборат бўлиб қолади. Ҳозиги даврда жаҳон бозори ва минтақавий инсон фаолиятининг барча соҳаларида иқтисодиётда тизимли интеграция амалга ошмоқда, натижада жадаллашган иқтисодий ўсиш, замонавий технология ва

бошқаришнинг янги усулларини жорий этиш амалга ошмоқда. Ҳозирги даврда куйидагилар кузатилмоқда:

- давлатларнинг жаҳон иқтисодий тизимиға интеграцияси;
- коммуникация воситаларининг глобаллашуви;
- янги халқаро молиявий оқимнинг ўсиши ва молиявий бозорлар глобаллашуви;
- компаниялар фаолиятининг глобаллашуви ва ахборотлар бозори ҳамда, илғор технологияга асосланган ҳолда уларнинг трансмиллий коорпорацияларга айланиши;
- рақобатда устунлик эндиликда инсон капиталининг сифати, билим олиш ва ишлаб чиқаришда, фан ва техникани ишлаб чиқаришда қўллаш даражаси билан аниқланади.

Иш кучи ва хомашёнинг кўплиги рақобат устунлиги деб аталмайди. Жаҳон иқтисодий тизимининг энг муҳим хусусияти компанияларнинг жаҳон миқёсида тўплануви ва хўжалик фаолиятининг глобаллашуви бўлиб қолди. Трансмиллий капиталнинг концентрацияси ишлаб чиқариш ва янги сифат даражасига кўтарилиди. Дунё халқаро молияси янги тартибларини шаклланишида халқаро капитал, трансмиллий компаниялар ва халқаро ташкилотлар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ҳозирги давр иқтисодий ўсишида фан-техника тараққиёти ва ишлаб чиқариш асосий омилларининг ақлий салоҳиятидан фойдаланиш юқори аҳамиятга эгалиги билан тавсифланади. Ривожланган давлатларда ЯИМни яратишда, технология ускуналарида акс этган билимлар ва ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги билимлар улуши 80 – 95 фоизни ташкил этади. Бозор рақобатида муваффақиятга эришишда янги технологиялар асосий қалит бўлиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги, маҳсулот, товарлар ва хизмат кўрсатиш сифатини оширишда асосий восита бўлиб қолмоқда. Янгиликларни киритиш рақобат курашининг асосий шарти бўлиб, бунда илғор корхоналарга янги технология ва маҳсулотларни ўзлаштириш, юқори фойда олиш ҳисобига интеллектуал рентага монопол эгалик қилиш имконини беради. Ҳозирги даврда иқтисодий ўсишнинг муҳим хусусияти, узлуксиз инновацион жараёнларга ўтиш билан тавсифланади.

Бугун ИТТКнинг суръати кўп ҳолатларда иқтисодий ўсишни аниқлайди. Глобал иқтисодий рақобат курашида илмий тадқиқот ва илмий-техника тараққиётига давлатлар тамонидан қулай шароитлар яратилсагина жамиятда иқтисодий самара юзага келади. Шунинг учун корхонанинг глобал рақобат курашидаги муваффақияти, давлатнинг илмий-техникавий базани яратиш соҳасида олиб борадиган сиёсатига бевосита боғлиқ. XXI асрда глобал рақобат факат мамлакатлар ўртасидагина эмас, балки ҳар бир аҳоли тизими капиталининг жамғарилиши, ишлаб чиқариш тадбиркорлик структурасида билимларни кўллашни ташкил этиш асосида такрор ишлаб чиқаришни амалга оширадиган трансмиллий тизимлар ўртасида амалга ошади. Жаҳон глобал иқтисодий ривожланиш жараёнлари, унинг тўхтовсиз ҳаракатини амалга оширадиган қатор шундай тизимлардан ташкил топади. Компанияларнинг жаҳон иқтисодий тизимидағи фаолияти, уларнинг халқаро бозорларга чиқиши ёки жараёнга жалб этилиши уларнинг глобаллашувидан дарак беради. “Трансмиллий” деганда, фаолиятнинг кўп қисми мамлакатнинг ва миллий бозор манфаати чегарасининг ташқарисида амалга ошадиган компания тушунилади.

Бу компаниялар фаолиятининг кўлами жуда кенг ва улар хилма-хил: унинг таркибини турли тармоқларда турлича стратегия билан фаолият юритаётган ташкилотлар ташкил этади. Мазкур ташкилотлар ўзаро рақобат курашида мультилокал ёки глобал тармоқ йўлини танлайдилар. Улар бир-бирларидан иқтисодий имкониятлари ва ютуқларга эришиш йўллари билан фарқланадилар. Мультилокал тармоқлардаги компаниялар чет эл бозорларидағи мавжуд мустақил стратегияларни кузатадилар, рақобат муаммоларини аниқлашда бир бозорга нисбатан ҳал қилмайдилар. Чет элдаги ҳар бир филиал стратегик мустақил бўлим ҳисобланади. Унинг тезкор фаолияти ҳам моҳияти жихатидан автоном бўлади. Трансмиллий компанияларнинг қароргоҳи глобал кўламда бошқаришнинг молиявий таянчи ҳисобланади ва маркетинг сиёсатини мувофиқлаштиради, улар ИТТКИнинг ва компаниялар ишлаб чиқарининг бир қисмини марказлаштирадилар, лекин унинг ишлаб чиқариш стратегияси ва тезкор фаолияти тўлиқ марказлаштирилмаган бўлиб қолади. Ҳар бир филиал фойда олиш

маркази ҳисобланади, унинг компаниялар ривожига қўшадиган улуши аниқ бозор имкониятига мос келиши керак деб мўлжалланади. Компания маҳаллий менежерлари ИТТКИни ишлаб чиқаришда, маркетинг ва маҳсулотларни сотишда муваффақиятга эришишда барча зарур ишларни қилиш, охирги натижалар учун жавобгарликни оширишни афзал деб ҳисоблайдилар. Бошқача айтганда, компания бошқа трансмиллий компаниялар, маҳаллий рақобатчилар билан алоҳида бозорларда ҳам рақобат қиласди. Мультилокал компаниялардан фарқли равищда, глобал тармоқ бутун дунё ишлаб чиқариш ва бозор тизимини худди шу компания тизими билан рақобатда бўлишга мажбур қиласди. Бу ҳолда турли мамлакатлардаги шуъба корхоналари бир-бири билан тезкор фаолият юритиши стратегияси билан бир-бирига жуда боғлиқ бўлади. Шуъба корхона бир мамлакатда компания маҳсулоти ассортиментининг маълум қисмини ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиши мумкин, уни тизимнинг бошқа филиаллари маҳсулоти билан айирбошлиш мумкин. Ҳар бир давлатнинг фойда олиш йўллари жаҳон хўжалиги тизимида тутган ўрнига боғлиқ. Компаниялар ҳар бир давлатдаги маҳсулот баҳосини иккинчи давлатдан оладиган хоҳлаган самарага қараб белгилаши мумкин.

Глобал бизнес шароитида компания раҳбарлари жаҳон бозорида кам сонли бошқа трансмиллий компаниялар билан ҳар ерда рақобатда бўлади. Стратегия марказлашган ҳолда ишлаб чиқиласди, тезкор фаолият қирралари марказлашган марказлашмаган бўлиши мумкин. Бариси иқтисодиёт талаби ва самарадорлигига боғлиқ. Компания маҳаллий бозорнинг талабларига эътибор берган ҳолда, глобал тизимда умуман самарадорлик пасайиб кетмаслигига ҳаракат қиласди. Глобал компаниялар (миллатига боғлиқ бўлмаган ҳолда) ўзларининг хорижий рақобатчиларига таъсир этишининг асосий таянчларини – халқаро ишлаб чиқариш иқтисодиётидан пул оқимларигача назорат қилишга ҳаракат қиласди. Андозага тушмайдиган ҳаракатлар (масалан, муҳим бўлган маҳсулотлар баҳосини тушириб ёки бозордаги баҳоларни тушириш) билан компания ўзининг рақобатчилари жавоб реализациясини қийинлаштирадилар ва қимматлаштирадилар. Асосий мақсад ўзининг шахсий самарадорлигини ошириш ва рақобатчиларнинг

самарадорлигини пасайтириш бўлиб қолади. Лекин ҳар бир компанияда рақобат стратегиясини ишлаб чиқиши шарт эмас. Глобал рақобатдан олинадиган ютуқ катта бўлса-да, унинг хавфи ҳам шунга яраша катта бўлади. Глобал рақобат стратегия ва тезкор фаолиятга мураккаб жиддий ўзгаришлар киритишни талаб этади. Глобал рақобат трансмиллий компанияларнинг коорпорацияларни бошқаришда қатор ностандарт ёндашишлардан фойдаланишини талаб этади, масалан;

- инвестиция капиталидан ноль ёки манфий фойда оладиган инвестиция лойиҳалари;
- турли хорижий шуъба компанияларда молиявий фаолиятнинг турли туманлиги;
- маҳсулотлар ассортиментининг мустаҳкамлиги атайлаб ҳаддан ташқари мустаҳкамлик зонаси билан лойиҳаланади ёки айрим бозорларда паст баҳода сотилади;
- Ҳар бир давлатнинг халқаро бозор портфелидаги бир бирига боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган, даромадлигига кўра кўпайтириш ёки камайтириш мумкин бўлган мавқеи(ўрни) ҳақидаги тасаввурлар;
- Иш кучининг арzon ёки қимматлигига кўра мамлакатларда ишлаб чиқариш кувватларини яратиш.

Хозирги кунда глобал ҳисобланаётган тармоқларнинг деярли барчасида (масалан, автомобиль ва телевизорларни ишлаб чиқаришда) илгари бундай ҳолат бўлмаган. Ҳар бир компания ўзининг салоҳиятини англаган ва баҳолаган ҳолда мультилокал рақобатдан глобалига ўта олиши, унга бундай ўтиш самарали эканлигини тушуниши керак. Агар ҳеч қандай кафолат бўлмаса, бизнес глобал бўлиши учун глобал рақобат кураши билан боғлиқ бўлган катта миқдордаги капитал маблағларни хавф-хатар остида сарфлашга тайёр бўлиши керак.

Хекшер-Олиннинг халқаро савдо назарияси ташки савдонинг шаклланиши ва тараққиёти йўналишларни тушунтириб берди. Ресурслари кўп бўлган давлатлар ўз маҳсулотларини жаҳон бозорига нисбатан арzon баҳода сотиш имконига эга бўладилар. Лекин XX аср ўрталарида Хекшер Олин назариясини АҚШ иқтисодиётининг 1947 йилдаги маълумотлари асосида эмпирик текшириш

натижасида америкалик иқтисодчи В.Леонтьев қарама-қарши хulosага келади: Капитал ҳажми юқори бўлган АҚШ импортида, капитал сарфи юқори бўлган товарларнинг улуши катта бўлганлигини таъкидлайди ва маҳсулотларнинг яшаш даври назарияси асосида жаҳон савдосининг ривожланишини тушунтириб берди. Товарнинг яшаш даври арzon ишлаб чиқариш омилиниңг ривожланишига қараб, ишлаб чиқарган мамлакатларга кўчади. Бунда харажатлар қанчалик кам бўлиши рақобатда енгишнинг асосий шарти ҳисобланади. Халқаро савдонинг янги интеграцияси бозорларни шакллантиради ва шундай қилиб истеъмолчиларга кўплаб товарларни анча арzon баҳоларда таклиф қилиш имконини беради. Лекин кўлам самарасини амалга ошириш, такомиллашган рақобат курашининг емирилишига олиб келади, чунки кўлам самараси амалда корхоналарнинг йириклишуви ва концентрациялашуви билан боғлиқ. Бундай ҳолда савдо халқаро гигант корхоналар, трансмиллий корпорациялар қўлига тўпланади, натижада корхоналарнинг савдо ҳажми ошади. Бунинг сабаби нисбий афзаллик ёки ишлаб чиқариш омиллари билан таъминлашдаги фарқда эмас, балки корхонанинг стратегик мақсадида намоён бўлади.

1991 йилда М.Порттер инновация ва инновацион фаолиятнинг глобал рақобатдаги ролига янгича изоҳ берди¹⁴. Яққол кўзга ташланаётган ҳақиқат шуки, ҳозирги шароитда жаҳон товар оқимининг ҳаракати катта табиий устунлик эмас, балки рақобат кураши натижасида янгидан эгалланган устунлик билан боғлиқ. Натижада жаҳон бозорида рақобат кураши мамлакатлар ўртасида эмас, балки корхоналар ўртасида амалга ошмоқда. М.Порттернинг тарифи миллий даражадаги рақобатбардошликни тушунтиришда, меҳнат ёки капитал бирлигининг сарфланиши натижасида вужудга келган маҳсулот ҳажмининг ягона концентрациясини исботлайди. Унинг фикрича унумдорлик, аҳоли турмуши узоқ муддатли стандартининг детерминанти, аҳоли жон боши учун яратилаётган миллий даромаднинг асосий манбаидир. Аслида аҳоли ва давлатнинг ягона даромад манбаи, аҳоли турмуш даражаси ва мамлакат фаровонлигини оширувчи

¹⁴Порттер М.Е. Конкуренция. – СПб., М., Киев: Изд. Дом «Williams», 2000.


алоҳида компаниялар бўлиб, улар даромад генераторлари бўлиб хизмат қиласилар. Агар мазкур давлатда меҳнат унумдорлигини ошириш ва халқаро бозорда рақобатбардош бўлиш учун барча ички шарт-шароитлар яратилган бўлса, омиллар харажатининг кам эканлиги (масалан: меҳнат, хомашё, капитал ёки инфратузилма) ёки ҳажмининг аввалгидек мавжудлиги нисбатан устун бўлса-да, у энди кўпгина тармоқларда рақобат устунлигини ифода этмайди. Глобализация энди корхоналарга нисбий устунликка эришиш учун хомашё, капитал ва хатто камёб илмий билимларни хоҳлаган жойда, баъзи бир фаолият турларини ҳар хил давлатларга жойлаштириш билан арzon иш кучи ва капиталга эга бўлиш имкониятини беради. Географик жойлашганликда рақобат устунлигига эришиш, айнан ишлаб чиқариш омиллари миқдори арzon бўлганидан эмас, балки бу ресурслардан оқилона фойдаланиш оқибатида унумдорликнинг юқори даражасида юзага келади. Улар омиллардан фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажми ва эскича ишлаш билан мунтазам илғор бўлиб келаётган компаниялардан ўзиди кетадилар.

Бугунги кунда компаниянинг фақат инновация ёрдамида рақобат устунлигига эга бўлиши тан олган ҳақиқат бўлсада, мувафаққиятли компанияларнинг ўзига хос стратегияси, фаолиятининг индивидуал тамойиллари, тавсифи ва эволюцияси моҳиятан бир хил бўлиб қолаверади. Фаолиятини мунтазам янгилаш ва такомиллаштириш воситасида у юқори унумдорликка эришади ва вақт ўтиши билан самарага эришади. Инновациянинг манбаи компаниянинг ўз фаолияти давомида эришган билими ҳисобланади. Айнан ИТТКИ натижасида эга бўлинган билимлар инновация, янгиликлар ва янги патент кўринишига киради, патентлар, ихтиrolар ва муаллифлик гувоҳномалари кўринишида рўйхатга олинади. Билимларга эга бўлиш компаниялар учун инновацияларни амалга оширишни бошқариш нұктаси ҳисобланади. Умумий ҳолда билимларни бошқариш жараёни билимларни олиш, умумлаштириш, жамғариш, сақлаш, ҳимоя қилиш ва қўллашдан иборат. Билимларни бошқариш стратегияси, билимларга нисбатан уни ўзлаштиришга асосланган қобилият ва ресурслар баланси сифатида тушунилиши мумкин. Бу

компанияларнинг маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатишида рақобатчилардан ўзиб кетишини ифодалайди. Қандай билимларга асосланган ақлий ресурс ва қобилият аҳамиятли ҳисобланади? Бундай ресурслар ва қобилиятларнинг корхонани янги харидоргир маҳсулот билан таъминлаш имкониятлари қандай? Бу маҳсулотларнинг бозордаги ўрни қандай бўлади? Шу каби бир-бирига ўхшаш бўлган саволлар, билимлар менежменти стратегиясининг асосини ташкил этади. Билимларни бошқариш стратегиясининг шаклтанишида анъанавий SWOT схема таҳлилидан (Strengths-weaknesses- opportunities- threats) фойдаланиш мумкин.

SWOT: Strength-Weaknesses-Opportunities Threats (куч – заифлик, имконият, хатар)

Манфаатдор корхона SWOTни уёки бу билимларни ёки қобилиятни ўзининг рақобат устунлиги ва заиф тарафини яхшироқ тушуниш учун керак бўлган таҳлилни амалга ошириш харитасига айлантиришга ҳаракат қиласи. Корхона харитадан билимларни бошқариш, билим олиш жараёнида ўзининг устунлигини мустаҳкам-лаш, заиф томонларини билим воситасида ҳимоя қилиш ёки ундан кўлланма сифатида фойдаланиши мумкин. Билимлар динамик ҳолатда бўлса, стратегик билимлар харитаси корхонанинг бугунги ҳолатининг ифодасини, шунингдек, унинг тайёрлаш стратегиясини ва рақобатчилар истаган профилини кўрсатиш имкониятини беради. Компания ёки муассасалар лар ундан қўшимча равищда билимлар тарихини тиклаш ва келажакдаги траекториясини яратишида фойдаланишлари мумкин (2-расм).



2-расм. Муассаса стратегик билимлари харитаси.

Асосий фундаментал билимлар минимум бўлиб, тармоққа чиқиш учун маълум тўсикларни вужудга келтиради, уни эгаллашда ташкилотнинг иштирокини таъминлайди. Лекин бу корхонанинг узоқ муддатли рақобат қийматини таъминлай олмайди. Муваффақиятни таъминлайдиган билимлар корхонанинг рақобатбардошлиқ қувватини янада мустаҳкамлайди.

Компания рақиблари каби ўз даражасига, дунёқарашига, билим сифатига эга бўлиши мумкин, лекин маҳсус билимлари унга диверси-фикация стратегиясидан фойдаланишга ёрдам беради ва стратегик билимлар харитасидан фойдаланиб фаолиятини такомиллаштираётганида эга бўлаётганда ўз нуқсонларини аниқлашга ёрдам бериши мумкин. У билимлар асосида ресурс ва қобилияtlарининг такомиллашган стратегик эволюциясига эга бўлган ҳолда, қандай билимни ишлаб чиқиш ёки унга эга бўлиши кераклигини аниқлаши мумкин. Компания билимлар менежменти стратегияси қирраларини ҳисобга олиган ҳолда, билимларни бошқариш ёрдамида ўз стратегик нуқсон-ларини йўқотишга интилиши керак.

“Билим олиш – фойдаланиш” уйғунлиги ва билим олиш манбайнин аниқлаш корхонанинг билимларини бошқариш услубини ифодалайди.

Билим талаб қиласиган корхоналарда билимларни тарғиб қилувчилар жуда консерватив услуг қарашларга нисбатан рақиблардан ўзиб кетадилар. Агрессив стратегиядан компаниялар рақобат курашида орқада қолаётганда ҳам фойдаланади. Агрессив корхоналар янги билимларни эскиларининг бузилиши жараёни натижаси деб ҳисоблайдилар. Улар ўzlари эга бўлган билимлар рақобатчиларининг қийматини бузишини кутмайдилар.

Агрессив корхоналар билимларни алмашинуви ёки тарқалишига тўсик яратишига алоҳида эътибор берадилар. Улар билимларга эга бўлиш йўлидаги ўз интилишларини, илғор зиёлилар, касбий қўникма-лари ва маъсулият ҳисси юксак бўлган билимдон ва интизомли ишчиларни танлаш ва тарбиялаш, корхонанинг умумий илмий ва маданий салоҳиятини ошириш ёрдамида амалга оширадилар.

Эскича бошқариш усулидан фойдаланаган тармоқларда билимлар секин тарқалади, ўрганиш имконияти эса кўпинча чекланган.

Бу корхоналарнинг рақибларга нисбатан афзаллиги, ташқи билимларни тезлиқда ютиб юбориш қобилиятига эга эканлиги, бу билимларни мақсадларига қўшиб ва тезлиқда янгиликни амалга оширишда ифодаланади. Саноатни анъанавий тармоқлар ва секторларга бўлиш ва иқтисодиётни Кластер орқали кузатиш компанияларга инновация фаолиятини рағбатлантириш ва рақобатда ўз афзаллигининг устун тамонлари вужудга келишининг ташқи омилларини чукурроқ тушуниш имкониятини беради.

Корхона Кластерни ўз фаолиятида ўзаро алоқадор ва худудан бир жойда жойлашган корхона ва ташкилот-ларнинг тизими сифатида ифодалаши мумкин ва уларнинг биргаликдаги аҳамияти, унинг бўлаклари йиғиндисига нисбатан юқоридир. Кластернинг кўпгина иштирокчилари бир-бирлари билан бевосита рақобатлашмайдилар, улар тармоқнинг ҳар хил бўлаклари (сегментлари)га хизмат кўрсатадилар.


Кластер вужудга келиши билан гуруҳдаги барча тармоқлар бир-бирини кўллай бошлайди. Кўллаш горизонтал йўналишда билимлар ва ахборотларни эркин алмаштириш ҳисобига тарқалади. Тажовузкор рақобат бир тармоқдан иккинчи тармоққа Кластер чегарасида технологияларни узатиш, бозор ҳолатини ривожлантириш ва амалдаги корхоналар турини кўпайтириш билан тарқалади. Кластер ичидаги бошқа тармоқлардан бозорга кириш модернизацияни тезлаштириб, илмий ёндашишни рағбатлантиради, янги стратегия ва кўнилмаларни киритишга қўмаклашади. Таъминотчи ва истеъмолчилар канали орқали бир-бирлари билан муносабатда бўлган кўпгина рақобатчи компаниялар ўртасида ахборотлар ва инновациялар эркин тарқалади. Гуруҳ ичидаги ўзаро алоқалар кўпинча етарли кутилмаган рақобат курашининг янги турларини ва имкониятларини англашга сабаб бўлади.

Бундай Кластер топ фикрлашни бартараф этиб, фикрлар ранг-баранглиги, интеграция билимлари ва инновациянинг тарқалиши механизми етарли даражада эгилувчан бўлишига, инновация ҳаракати ва рақобатда устунликни вужудга

келтириш воситаси бўлиб ҳизмат қиласди. Инновация натижасида рақобат устунлиги шаклланишига фақат реализация ёрдамида эришиш мумкин. Бу янги товарлар ва технологияларни қўллашда акс этади. Шу билан бирга компания рақобатчиларга нисбатан янги технология даражасига эришади, нанотехнологияда устунлигини таъминлайди ва рақобатда устунликга эришади.

Глобал рақобат курашида муваффакиятга эришиш учун бу устунлик камлик қиласди. Бунда тўғри рақобат стратегиясини танлаш ва тўғри стратегияни шакллантириш муҳим. Бунда мазкур компания стратегияси ва стратегик бошқаруви занжирнинг оралиқ бўгини бўлиб қолади.

Билимлар, инновация, технология устунлиги, рақобатда устунлик, стратегия, компанияни стратегик бошқаришдаги кетма-кетлик, глобал рақобатда муваффакиятга эришишнинг босқичларини акс эттиради, рақобат курашида билимлар ва инновациянинг муҳимлигини асослайди, билимлар менежменти, инновацион технологик ва стратегик менежментларини узвий боғлайди. Бу – глобал компанияларни бошқаришда янги тушунчалар пайдо бўлишига, танланган ва амалга оширилаётган стратегияни юқори раҳбарлик томонидан рақобат курашидаги ютуқларини кўра олишига боғлиқ бўлади.



3-расм. Глобал рақобатда ютуқка эришиш босқичлари

3-расмда глобал рақобат курашида устунликка эришишнинг босқичлари келтирилган, бунда бошланғич босқич билимлардан иборат. Компания қандай билимларга эга эканлиги, унинг у ёки бу инновацияларга янгилик киритишида ёки яратадаётган янгиликларида акс этади ва ғояларини рақобатчилари бўлмаган

технологияларда амалга оширади. Бу технологиялар рақобатдаги устунликни шакллантиради ва унга мос бўлган стратегия асосида, рақобат курашида мувафақиятга эришишини таъминлайди. Ўз навбатида бундай стратегия ИТТКИ натижаларига мосланган технологияларни талаб этади. Технологиянинг илмий сифимини аниқлайди. Шундай қилиб, инновациянинг глобал рақобатдаги роли, компанияларнинг тўғри стратегияга асосланган ҳолда бозорда технологик устунликка эришишига имконият яратишидан иборат. Глобал рақобатда муваффақиятга эришиш, компания раҳбарларининг тўғри ишлаб чиқилган стратегияни изчил амалга оширишлари ва унинг устунлик омилларидан самарали фойдалана олишларига боғлиқ.

Назорат саволлари:

1. Сифат қандай қўрсаткич ва унинг хусусиятлари нималардан иборат?
2. Таълим сифати нима, қандай қўрсаткичлар асосида баҳоланади?
3. Таълим хизматларининг қандай таърифларини биласиз?
4. Сифатнинг ривожоаниш босқичлари қайсилар?
5. Таълим сифатини аниқлашда сифат қўрсаткичларини қандай гурухларга ажратилади?
6. Инновация, инновацион жараён, инновацион фаолият ибораларининг иқтисодий моҳияти нималардан иборат?
7. Инновацион менежментнинг бошқарув усулларидан асосий фарқи қилувчи хусусиятлари нималар?
8. Инновацион таълимнинг асосий хусусиятлари?
9. Олий таълим муассасасининг инновацион фаолияти нималардан иборат?
10. Таълим сифатини таъминлашда инновацион менежментнинг асосий омиллари нималар?
11. Инновацияларнинг рақобат курашидаги ўрни ва аҳамияти қандай?

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга

берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.

4.Мирзиёев Ш.М. Нияти улуг халқнинг иши ҳам улуг, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.

5.Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-хуқуқий хужжатлар:

6.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.:Ўзбекистон, 2018.

7.Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.

8.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.

9.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

10.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони.

11.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

12.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

13.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёвнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

14.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли Қарори.

15.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2001 йил 16 августдаги “343-сонли қорорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли қарори.

Ш. Махсус адабиётлар:

16.Махкамова Таълимда инновацион менежмент. Монография. - Тошкент, “Фан ва технология”, 2019 – 164 б.

17. Теория инновационного менеджмента. Монография. - Тошкент, “Фан ва технология”, 2019 – 178 б.
18. Махкамова М.А. Инновацион менежмент. Ўқув қўлланма. – Т: Фан ва технология, 2013.
19. Махкамова М.А. Инновацион технологиялар бошқаруви. Монография. – Т.: Алоқа, 2011.
20. Махкамова М.А. Организация и управление инновационной деятельностью. – Т.: Иқтисодиёт, 2007.
21. Перегудов Л.В., Сайдов М.Х. “Менеджмент и экономика высшего образования”. Учб.пос – Ташкент. 2008 г.
22. Инновационный менеджмент. Учебник. Под. Ред, проф. В.Я. Горфинкеля. – М.: “Вузовский учебник”, 2009 г.
23. J. Tidd and J.Bessant. Managing Innovation: Integrating Technological, Market and Organizational Change. Wohl Wiley and Son's Ltd, Fourth edition, 2012.
24. V. Govindarajan and C. Trimble. The Other Side of Innovation: Solving the Execution Challenge. Harward Business School Publishing, 2010.

IV. Интернет сайтлар:

25. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
26. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
27. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
28. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET
29. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.

2-МАВЗУ: РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАР (2-соат)

Режа:

1. Рақамли иқтисодиёт асослари. Глобаллашув шароитида рақамли иқтисодиётни ривожланиш тенденциялари.
2. Рақамли иқтисодиёт шароитида таълимни ташкил этиш хусусиятлари. Масофавий таълимни ташкил этиш асослари. Масофавий таълимни ташкил

этишда рақамли технологиялар.

3. Рақамли иқтисодиёт шароитида инновацион жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш.

Таянч сўзлар: *ракамли иқтисодиёт, янги технологиялар, платформалар, бизнес моделлар, дастурлар, ақлли технологиялар, инновация, инновацион фаолият, инновацион муҳит, инновацион соҳа, инновацион инфратузилма, инновацион салоҳият, менежмент, таълим, таълимда инновацион менежмент.*

Key words: *digital economy, new technologies, platforms, business models, programs, smart technologies, innovation, innovation activity, innovation environment, innovation sphere, innovation infrastructure, innovation potential, management, education, innovation management in education.*

Ўзбекистон ўз олдига кучли демократик, илғор ривожланган давлатлар сафидан мустахкам ўрин эгаллашни мақсад килган. Дунёнинг ривожланган 50 мамлакати қаторига кириш — бош вазифа. Бу борадаги ислоҳотлар эса халқимизга муносиб шароит яратиб бериш мақсадида амалга ошириляпти. Эътибор берадиган бўлсангиз, кейинги йилларда Ўзбекистоннинг шаҳдам одимлари халқаро ҳам жамият томонидан эътироф этилмоқда. Хусусан, нуфузли “The Economist” журнали дунёнинг икки юзга яқин давлатлари орасидан Ўзбекистонни “Йил мамлакати”, деб топгани фикримиз тасдигидир. Яъни ушбу нашр Ўзбекистонни 2019 йили дунёда энг қўй яхши тарафга ўзгарган мамлакат, деб топди. Эътиборлиси, янгилик Ўзбекистонгача Марказий Осиёнинг бирор-бир давлати бундай эътирофга лойик кўрилмагани билан ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Ваҳоланки, республикамизга яқин-яқингача, аксарият таҳлилчилар томонидан жаҳоннинг “энг ёпиқ” давлатларидан бири сифатида қиёс бериб келинарди.

Очигини айтганда, мамлакатимиз хақидаги бундай некбин мужда халқаро миқёсда катта акс садо берди. Бу, албатта, юртимизда қисқа вақт давомида оқилона йўлга қўйилган ички ва ташқи сиёсатнинг амалий ифодасидир, десак, айни хақиқат.

Долзаб мавзу. Минтақада энг кўп аҳолига эга мамлакат иқтисодиётини либераллаштириш, четдан кўпроқ сармоя жалб этиш саъй-ҳаракатлари узлуксиз олиб бориляпти. Бу каби ўзгариш ва янгиланишлар, асрларки, иқтисодиёти қишлоқ хўжалигига асосланган Ўзбекистонда камбағаллик ва ишсизликка қарши курашиб асносида рўй берадиган билан ҳам долзарбдир.

Ўн йиллар давомида тирикчилиги ташки меҳнат миграцияси орқасидан ўтаётган миллионлаб фуқароларини ишли қилиш — мамлакатнинг ўзида янги бандлик манбаларини яратишга коғозда эмас, амалда эътибор қаратилмоқда.

Давлат раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2020 йилнинг “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”, деб эълон қилиниши ҳамда шу бўйича “Йул харитаси” ишлаб чиқилгани ҳам юқоридаги устувор йўналишлар рўёбида салмоқли роль ўйнамоқда. Чунончи, келаси беш йил ичидаги рақамли иқтисодиётга ўтиш вазифаси катъий мақсад сифатида белгилаб қўйилгани нафақат халқаро эксперталар ҳамжамияти томонидан қизғин кутиб олинди, балки бугунги пандемия даврида ҳам ниҳоятда рационал қарор бўлганини кўрсатмоқда. Шундай экан, яқин йилларда бизнес юритиш муҳити бўйича дунёning энг олди эллик давлати сафига кирсак, ажабмас.

Камбағалликни камайтиришга қаратилган маҳсус дастур ишлаб чиқилиши, ҳали-ҳануз энг оғриқли нукталардан бири бўлган коррупцияга қарши курашувчи маҳсус идора ташкил этилиши ҳам бу борада алоҳида аҳамиятга эга. Чунки айнан коррупция Ўзбекистон иқтисодиётини тараққий топтириш, мамлакатга йирик миқдордаги чет эл сармояларини жалб қилиш ва уларни ҳаракатга солиш йўлидаги энг асосий тўсиқлардан бири сифатида кўрилади. У туфайли чорак асрдан ортиқроқ вақт давомида юртимиздаги бизнес юритиш муҳити издан чиқиб кетганди. Шу боис ўтган қисқа даврда мавжуд вазиятни ўзгартириш ҳаракатлари том маънода кучайтирилди.

Кўпчиликка яхши маълум, тилга олинаётган иллатларга қарши курашда, унга барҳам беришда рақамлаштириш зарурияти янада ошади. Бу, ўз навбатида, жуда кўп ресурсларни талаб қиласи. Шундай экан, ҳозирдан рақамли иқтисодиётга ўтиш муҳим вазифага айланди.

Рақамли иқтисодиётнинг ўзи нима?

Рақамли иқтисодиёт янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ҳамда уларни кундалик хаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчиришдир. Рақамли иқтисодиёт — иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш мумкин бўлган тизимдир. Дастреб бу иборани америкалик дастурчи Николас Негропонте 1995 йилда муомалага киритган бўлса-да, у бугунги кунда барча соҳада кенг қўлланилмоқда. Рақамли иқтисодиёт инсонларсиз бошқарув тизимини йўлга қўйиш орқали коррупцияни камайтиради, солик тушумларини “аклли” шартномалар тузиш орқали кўпайтиради, бюджет харажатларининг очиқлигини оширади, ягона электрон платформа орқали давлат хизматларини кўрсатиш имкониятини беради. Ҳозирги кунда бу истилоҳни бутун дунёдаги сиёсатчилар, иқтисодчилар, журналистлар, тадбиркорлар — деярли барча қўлламокда. 2016 йилда Жаҳон банки дунёдаги рақамли иқтисодиётнинг ахволи хақида илк марта “Рақамли дивидендлар” номли маъруза эълон қилди.

Рақамли иқтисодиётнинг янги концепцияси инсон фаолияти доирасидаги барча информацияни рақамлаштириш технологиялари-ни қўллаб саклаш, ишлов бериш ва узатишнинг ягона тизимиdir. Иқтисодиётни рақамлаштириш орқали ижодий ёндашиб янги иқтисодиётни барпо этиш имконияти туғилади. Иқтисодиётни рақамлаштириш келажақда реал рақобатбардошликни узок муддатга сақлаб қолиш имкониятидир. Айниқса, қуруқлик билан ўралган ва жаҳон портларига чиқиш йўли узоқ бўлган Ўзбекистондек давлат учун бу мухим масала.

Рақамли иқтисодиёт электорал маданиятнинг юксалиши ҳамdir. У тараққий этса, биз ана шу ақлий қолоқликдан қутуламиз. Ақлий қолоқликдан қутулиш орқали вақтдан, оғир ёки ортиқча меҳнатдан халос бўламиз, сифат кўрсаткичига эга чиқамиз, илгор давлатлар ва халқларга яқинлашамиз, жумладан, камбағаллик ҳам камаяди. Ақлни ўстиришнинг энг асосий йўли эса

таълим тизимини юксалтиришдир. Хуллас, бундай ислоҳотлар кимга ёкмайди, дейсиз?! Барчага манзур нарсага эга бўлиш учун ҳамма интилиши керак.

Шундай экан, давлат раҳбари томонидан жорий йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”, деб ном берилиши ҳам бежиз эмас. Рақамли иқтисодиётга ўтиш келгуси беш йилдаги энг устувор мақсадимиз бўлиши хақидаги таъкид эса бевосита илм-маърифатни ривожлантириш билан чамбарчас боғлик. Бинобарин, бугунги тезкор замонда жаҳон бўйлаб глобаллашув жараёнлари тобора чуқурлашиб бораётган шароитда рақамли иқтисодиёт илғор давлатлар иқтисодиётининг барча тармоғида кенг жорий этилмокда. Хаттоки, айрим мамлакатлар ушбу соҳанинг энг юқори чўққиси ҳисобланган сунъий интеллектдан фаол фойдаланишга ўтганига гувоҳ бўляпмиз.

Нуфузли халқаро ташкилотлар олиб борган тахлиллар натижаларига кўра, рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш, шунинг баробарида, хуфиёна иқтисоди-ётга барҳам бериш ҳамда коррупцияни кескин камайтириш имконини берар экан. Кўриниб турибдики, мазкур соҳа юртимизда барча соҳа ва тармоқнинг юқсак ривожига жиддий туртки бўлади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоиз, рақамли иқтисодиёт коррупция ва “яширин иқтисодиёт”нинг асосий кушандасидир. Чунки рақамлар ҳамма нарсани муҳрлайди, хотирада сақлайди, керак пайтда маълумотларни тез тақдим этади. Бундай шароитда бирон маълумотни яшириш, яширин битимлар тузиш, у ёки бу фаолият хақида тўлиқ ахборот бермасликнинг иложи йўқ, компьютер ҳаммасини намоён қилиб қўяди.

Маълумотлар кўплиги ва тизимлилиги ёлғон ҳамда қинғир ишларга йўл бермайди, чунки тизимни алдаш имконсиз. Натижада, иборали айтганда, пулларни “ювиш”, маблағларни ўғрилаш, самарасиз ва мақсадсиз сарфлаш, ошириб ё яшириб кўрсатиш имкони қолмайди. Бу эса иқтисодиётга легал маблағлар оқимини оширади, солиқлар ўз вақтида ҳамда тўғри тўланади, бюджет тақсимоти очик бўлади, ижтимоий соҳага йуналтирилган маблағлар

ўгриланмайди, мактаблар, шифохоналар, йўлларга ажратилган пуллар тўлиқ етиб боради ва ҳоказо.

Давлатнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлини танлаганлиги ахборот технологиялари соҳасида ва умуман, электрон хужжатлар айланмасида янги йўналишлар очиб беради.

Рақамли технологиялар томон бурилишга эса бутун жаҳон интернет тармоғи ҳамда сифатли алоқанинг ривожланиши сабабчи бўлгани айни хақиқат.

Соҳа қандай ривожланмоқда?

Бугунги кунда одамлар озиқ-овқат маҳсулотларига буюртма бериш учун ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар, айниқса, Телеграмм ботларидан фаол фойдаланмоқда. Шунингдек, турли интернет-дўконлар, электрон тўлов тизимлари ҳам фаол ривожланиб бормоқда. Демак, фуқароларимиз электрон битимларни амалга оширишга ишоняпти. Фақат ҳозирги кунда фойдаланувчилар катта ҳаражатлар талаб қилмайдиган кичик битимларни амалга ошираётгани, ўртacha ҳарид хажмини оширишга эса унчалик тайёр эмаслиги ҳам рост. Демак, эндиғи масала ўртacha ва йирик иқтисодий битимлар ҳамда молиявий операцияларни рақамли технологиялар орқали амалга оширишни ривожлантиришдан иборат. Шунингдек, рақамли иқтисодиётнинг ўз валютаси (криптовалюта, биткоин), пул саклайдиган кармони (блокчейн), хисоблаш усуслари (майнинг) каби атамалари мавжуд.

Шу ўринда рақамли иқтисодиётнинг оддий иқтисодиётдан фарқини кундалик, майший мисоллар билан тушунтириб ўтсак. Айтайлик, харидорга кийим ёки пойабзал керак. Уни бозорга тушиб ўзи бевосита танласа ва нақд пулга сотиб олса, бу анъанавий иқтисодиёт. Ижтимоий тармоқлардаги ёки Телеграммдаги бирон савдо боти орқали ўзига маъкул товарни танлаб, товар эгасига пулни электрон тўлов тизими орқали тўлаш ва товарни етказиб бериш хизмати орқали олиш — рақамли иқтисодиёт дейилади. Бу масала-нинг энг содда майший мисол орқали тушунтирилиши.

Аслида, ҳаммамиз, аллақачон рақамли иқтисодиёт ичидамиз, унинг қулайликларидан фойдаланамиз. Масалан, ойлигимиз пластик карталарга

тушади, электрон тўлов орқали коммунал хизматлар, телефон, интернет ва бошқа маҳсулот ҳамда хизматларга тўлов киламиз, электрон тарзда солиқ декларацияси топширамиз, картадан картага пул ўтказамиз ва ҳоказо.

Рақамли иқтисодиёт, бу, нолдан бошлаб яратилиши лозим бўлган қандайдир бошқача иқтисодиёт эмас. Бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари ишлаб чикиш ҳамда уларни қундалик хаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш деганидир. Яъни юкори даражада автоматлаштирилганлик; электрон хужжат алмашинуви; бухгалтерлик ва бошкарув тизимларининг электрон интеграцияла-шуви; маълумотлар электрон базалари; CRM (мижозлар билан ўзаро муносабат тизими) мавжудлиги; корпоратив тармоқлар.

Рақамли иқтисодиёт туфайли тўловлар учун ҳаражатлар камаяди (масалан, банкка бориш учун йўлкира ҳамда бошқа ресурслар тежалади), товарлар ва хизматлар хақида кўпроқ ҳамда тезроқ маълумот олинади, рақамли дунёдаги товар ва хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиши имкониятлари катта, фидбек (истеъмолчи фикри)ни тез олиш хисобига товар ҳамда хизматлар жадал такомиллаштирилади.

Халкаро амалиётга юзланадиган бўлсақ, ҳозирги кунда рақамли иқтисодиёт электрон тижорат ва хизматлар соҳаси билан чекланиб қолмай, балки хаётнинг хар бир жабҳасига, хусусан, соғликни сақлаш, фан-таълим, курилиш, энергетика, қишлоқ ҳамда сув хўжалиги, транспорт, геология, кадастстр, архив, интернет-банкинг ва бошқа соҳаларга жадал кириб бормоқда ҳамда уларнинг хар бирида ўзининг юқори самараларини бермоқда.

Фуқароларнинг давлат органлари билан алоқасини электрон платформа орқали алоқага ўтказиши, яъни давлат ўз фуқаролари учун электрон хизматлар кўрсатиши ва электрон маҳсулотларни таклиф этиши рақамли иқтисодиётнинг асосий қисми хисобланади. Мамлакатимизда ушбу соҳани кенг ривожлантириш, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биздаги энг асосий оғрикли муаммолардан бири — коррупция иллатига барҳам беради. Президент Шавкат Мирзиёев 2020 йил 5 февраль куни ташқи иқтисодий фаолият тизимини

ислоҳ қилиш бўйича устувор вазифаларга бағишлиланган йигилишда ташқи савдо билан боғлик назорат тизими ва инфратузилмани яхшилаш, жумладан, хорижий тажрибадан келиб чиқиб, божхона постларида назоратни амалга оширадиган божхона, санитария, карантин, ветеринария ҳамда бошқа идоралар фаолиятини ислоҳ қилиш лозимлигини таъкидлаган эди. Бу соҳада узоқ йиллардан буён самарали ишлар олиб борилмагани, коррупциянинг мавжудлиги ташқи савдо амалиётида муайян кийинчиликлар туғдирмокда. Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” рейтингида “Халқаро савдо” йуналиши бўйича мамлакатимиз 190 та давлат орасида 152-ўринда қайд этилгани ҳам шундан далолат беради.

Гап шундаки, кўплаб давлатларда юклар чегарага стиб келмасидан олдин улар хақида ахборот берилиб, юкнинг тез чиқиб кетиши таъминланади. Ўзбекистонда эса ўтган йили 416 мингта декларациядан 344 таси юк чегарага келгунча расмийлаштирилган. Юк тўғрисида олдиндан маълумот бериш автомобиль транспортида 98 фоизни ташкил этса, темир йўлда, умуман йўлга қўйилмаган. Шу боис назоратни чегарада эмас, балки юклар кириб келишидан олдин ёки мамлакат ичкарисида эркин муомалага чиқарилгандан кейин амалга ошириш тизимини йўлга қўйиш мухим. Бугунги кунда 1 минг 836 та турдаги товар бир вақтда учта идора томонидан текширилиши, оқибатда импорт-экспорт хужжатларини расмийлаштириш хафталаб чўзилаётгани ачинарлидир. Ваҳоланки, божхона, ветеринария, карантин, санитария, стандарт, экология идоралари иш услубини ўзгартириши, уларнинг асосий вазифаси маҳсулотлар экспортини қўллаб-қувватлашдан иборат бўлиши зарур эмасми?

Мана шундай тўсиқлар туфайли Президентимиз рақамли технологияларни жорий қилиб, инсон омилини максимал қисқартириш орқали коррупция ва ноқонуний товар айланмасига барҳам бериш зарурлигини таъкидламоқда.

Импорт маҳсулотларининг чегарадан то якуний истеъмолчигача бўлган ҳаракати божхона ҳамда солиқ идоралари томонидан ягона электрон тизим орқали назорат қилиниши керак.

Шундан келиб чиқиб, мутасаддиларга руҳсатнома ва лаборатория текширувлари хужжатларини тўлиқ рақамлаштириш, автоматлаштирилган

“риск-анализ” тизимини жорий этиш бўйича топшириклар берилди. Айтиш жоиз, рақамли иқтисодиётга тадбирлари доирасида 143 та давлат хизмати электрон шаклга ўтказилиб, 35 та идорада талаб қилинадиган ҳужжатлар сони ҳамда хизмат кўрсатиш вақти икки хисса қисқарди. Бюджет харажатлари, давлат харидлари, ер, бино ва иншоотлар олди-сотдиси жараёнларига ошкоралик ҳамда очиқлик тамойиллари жорий этилди. Айни пайтда қишлоқ хўжалиги, соғликни сақлаш, қурилиш, давлат хизматлари кўрсатиш, хуллас, ижтимоий хаётнинг барча соҳасида рақамли иқтисодиётга ўтиш сари салмоқли қадамлар ташланмоқда.

Дунёдаги аҳвол қандай?

Халкаро тажрибага назар ташласак, кўпгина давлатлар ҳозирги кунда рақамли иқтисодиёт соҳасига жиддий эътибор каратмоқда. Масалан, 2017 йилнинг 28 июлида Россия Федерацияси хукумати Рақамли иқтисодиёт дастурини қабул қилди. Эстония, Беларусь Республикаси ва Украина рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантирум олган. Ўз навбатида, айрим давлатларда айнан рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун зарурӣ инфратузилмани яратишга ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, Австралия хукумати фуқароларга юкори тезликдаги рақамли алоқани тақдим этиш чораларини кўрмоқда, яъни миллий кенг полосали тармоқ (National Broadband Network) ушбу мамлакат аҳолисининг 93 фоизини 1 Гбит/с тезликдаги интернет билан таъминлаш мажбуриятини олган.

Ҳозирги даврда биз технологиялар қандай қилиб оммавий хизмат кўрсатиш соҳасини тубдан ўзгартираётганини қўрятмиз. Воситачиларни олиб ташлайдиган, мижоз ва таъминотчи ўртасидаги алоқаларнинг тўғридан-тўғри амалга оширилишига олиб келадиган Убер каби янги бизнес-моделлар пайдо бўлмоқда. Аввалроқ худди шунга ўхшаш ўзгаришлар молия сектори ҳамда телекоммуникацияларда ҳам рўй берган эди. Саноатда ҳам бир қанча принципиал ўзгаришлар кузатилмоқда, чунки рақамли корхона ва инсоннинг рақамли қиёфадоши — роботлар пайдо бўлиши бутун инсоният функционал моделини жиддий равишда ўзгартириб юбориши мумкин. Бу эса шуни

кўрсатадики, ахборот технологиялари аста-секинлик билан одамларнинг ўрнини эгаллаб боради. Худди мана шу ҳолат рақамли иқтисодиёт хисобланади.

Рақамли платформаларнинг ривожланиш соҳасидаги ёркин мисоллардан бири сифатида “Алибаба” электрон савдо тизимига эга бўлган Хитой компаниясини келтириб ўтиш мумкин. Ундан фойдаланиш тажрибаси шуни кўрсатадики, маълумотлар тўплаш жараёнида иқтисодиётнинг турли секторларига экспансия учун ўта рақобатли устунликлар яратилади. “Алибаба” оддийгина рақамли платформа эмас, балки платформалар экотизимиdir. Тушунарлики, бундай экотизим қудрати алоҳида платформалар кучидан катта бўлади. АҚШ ҳозирги кунда бу пойгада ютқазмоқда, чунки у ерда турли платформаларни интеграция қилишга тўғри келади, Хитойда эса бу соҳада ривожланиш самарадорликни ошириш ҳисобига — бир платформадан бошқа платформага караб ўтиш аста-секинлик билан рўй берди.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш каби глобал ишда кўп нарса давлатнинг тутган позициясига ҳам боғлиқ, албатта. Барчаси ҳамма нарсани бирлаштирадиган ва “рақам”га ўтказадиган ягона давлат платформасига бориб тақалмаслиги муҳим, яъни давлатнинг вазифаси бизнеснинг ўрнига бирон-бир нарса қилиш эмас, балки бизнесга халал бермаслиkdir. Хитойда ҳам “Алибаба” тизими давлат унинг учун қандайдир платформа яратгани туфайли пайдо бўлмаган. У бундай платформа пайдо бўлиши учун шароит яратди, холос. Гарчи давлат “Алибаба”га ёрдам берган бўлса-да, буни давлат корпорацияси сифатида эмас, балки тижорат корхонаси сифатида ёрдам берди ва унинг хизматларидан у рақобатбардош эканлиги учунгина фойдаланилади. Давлатнинг вазифаси — умумий қоидалар яратиш, бизнес эса шу умумий қоидалар асосида ўзгариб, ривожланиб боради, чунки қонунлар таъсирида ишбилармонлик мухити ва рақобат ўсади.

Кўплаб ривожланган мамлакатлар рўй бериши лозим бўлган ўзгаришлар муқаррарлигини тушуниб, иқтисодиётни рақамлаш-тириш томон ҳаракатни онгли равишда бошлади. Бу йуналишни биринчилардан бўлиб маълум қилган АҚШ, Япония, Жанубий Корея ҳамда Хитой бугунги кунда рақамли пойгада

норасмий етакчилар саналади. Улардан кейинги ўринларда Буюк Британия, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Австралия, Беларусь ва бошқалар туради. Рақамлаштириш жараёнининг баъзи етакчи мамлакатлари эса қарама-қарши ёндашувларни, хусусан, АҚШ бозор йуналишини, Хитой эса режали иқтисодиётни танлаб олган. Қолган мамлакатлар маълум бир оралиқ варианларга риоя килади.

Рақамли иқтисодиёт платформалари тузишда ривожланган давлатлар транспорт, телекоммуникация, энергетика, маълумотларни қайта ишлаш, соғлиқни сақлаш, дори-дармонлар логистикаси, туризм, ташқи иқтисодий фаолият, кўчмас мулк ва ишлаб чиқариш йўналишларига эътибор қаратмокда. Айнан шу соҳаларнинг ривожланиши инфратузилма ҳамда технологик базис яратишига имкон беради, уларни бошқа соҳаларга кўчирган холда Ўзбекистон етук рақамли иқтисодиётни максимал даражада тез ривожлантириши мумкин. Илгор мамлакатлар рақамли иқтисодиёти кўплаб дастурлари (АҚШ, Австрия, Австралия, Буюк Британия, Жанубий Корея ва бошқалар) асосий эътиборни “рақамли тиббиёт” ҳамда “ақлли шахар” ижтимоий йўналишларига қаратмокда. “Рақамли тиббиёт” ва “ақлли шахар” ижтимоий лойиҳаларини амалга ошириш кўпроқ мураккаблик ҳамда хилма хилликни талаб қиласи ва бундай лойиҳалар кенг халқ оммаси томонидан эътироф этилади.

Ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг интернетга ҳамда у билан боғлиқ АҚТга уланиш имкониятларини кенгайтириш учун шароитлар яратиш, жумладан, булатли технологияларни ривожлантириш ИХТТ томонидан 2016 йил бу ташкилотга аъзо бўлган 32 мамлакат ва яна 6 та ҳамкор мамлакатда ўтказилган сўров маълумотларига кўра, уларда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш стратегияси, режаси ёки дастури мавжуд. 2017 йилнинг сентябрь ойида Австралия хукумати рақамли иқтисодиёт стратегиясини ишлаб чиқиши бошлангани хақида эълон қилди. АҚШда 2015 йили рақамли иқтисодиёт режасини шакллантириш хақида маълум қилинди, 2016 йилда хусусий бизнес томонидан амалга ошириладиган интернетни ривожлантириш, ахборот хавфсизлиги, инновацияларни илгари суриш ва бошка функцияларни

бажарадиган Савдо вазирлиги кошида рақамли иқтисодиёт бўйича маслахатчилар кенгаши ташкил этилди.

Жаҳон банкининг “Рақамли дивидентлар” номли тадқиқоти натижалари мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда рақамли иқтисодиётнинг нақадар долзарб ва муҳимлигини қўрсатди. Хусусан, интернет тезлигининг 10 фоизга ўсиши, мамлакат ЯИМнинг ўсишига олиб келади. Ривожланган давлатларда бу қўрсаткич 1,21 фоизни, ривожланаётган давлатларда 1,38 фоизни ташкил этаётир. Демак, интернет тезлиги икки баробарга ошадиган бўлса, ЯИМ хажмининг кариб 15 фоизга ошишига эришиш мумкин. Жаҳонда амалга оширилаётган глобаллашув шароитида ташқи миграция, халқаро савдо ва капиталлар ҳаракати, туризм, хорижий инвестициялар, АҚТ ривожланиши мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш суръатларига таъсир этади.

Демак, биз ҳам асосий эътиборни фақат маҳсулотлар экспортига қаратмасдан, балки “ноу-хау”, блокчейн технологиялар фаолиятини замонга ҳамоҳанг ўрганиб, шулар қаторида, рақамли иқтисодиётдан фойдаланишини янги босқичга олиб чиқишимиз мақсадга мувофиқ. Юртимизда рақамли иқтисодиётни ривожланти-ришнинг устувор вазифаси – Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори суръатларда ўсишини таъминлаш билан биргаликда, аҳоли онги, илми ва қарашларини замон билан уйғунлаштиради, мамлакатимизнинг халқаро майдонда интеграциясини тезлаштиришади. Ва, пировардида, Ўзбекистоннинг хуқуқий-демократик, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторидан жой олиш муддати жадал қисқаради.

Хорижий тажрибанинг кўрсатишича, миллий фан-таълим мажмуаларининг институционал тузилиши қўп жиҳатдан давлат тузумининг хусусиятларига боғлиқдир. Масалан, АҚШда фан-таълим мажмуасининг ривожланиши учун федерал ҳукумат масъул бўлиб, бу ҳукумат мазкур соҳада ягона миллий сиёsatни амалга оширади, унга салмоқли бюджет маблағларини йўналтиради ва уларнинг тақсимотини назорат остига олади. Германияда бу жараён ерлар (худудлар, вилоятлар) миқёсида амалга оширилади. Ҳар бир маъмурӣ бўлинма ўз сиёsatини, шу жумладан, фан-таълим тузилмаларини

молиявий ва бошқа йўналишда қўллаб-қувватлаш бўйича муайян чоратадбирлар мажмуасини амалга оширади.

Мазкур мажмуанинг самарадорлигини ва уни бошқарув амалиётини ошириш билан боғлиқ умуммиллий вазифаларни ҳал қилиш учун унинг тараққиёти ҳақида, шу жумладан, фан ва таълим соҳаларининг интеграция жараёнлари ҳақида яхлит тасавурга эга бўлиш лозим. Интеграциянинг хорижий мамлакатларда қабул қилинган замонавий шакл ва механизмларини татбиқ қилиш имкониятлари кўп жиҳатдан ижтимоий-иктисодий, институционал, маъмурий ва бошқа соҳалардаги ўзгаришларнинг умумий йўналиши билан белгиланади. Таъкидлаб ўтиш жоизки, замонавий интеграцион жараёнининг айрим элементлари амалдаги хуқуқий майдонда ҳам ривожланиши мумкин.

Бунда энг муҳим устувор жиҳат – давлат илмий ташкилотлари ва олий таълим муассасаларини улар асосида илмий билимларни ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқариш ва уларни хўжалик айланмасига жалб қилиш жараёнининг самарадорлигини таъминлай олувчи корпоратив-интеграцияланган тузилмалар ташкил қилиш йўли билан реструктуризациялаш заруратидир. Бу масалани етакчи таълим ва фан бўлинмалари асосида гуманитар, табиий ва техник соҳалардаги фан-таълим инновацион мажмуаларини ташкил қилиш йўли билан амалга оширилиши мумкин бўлиб, бундай мажмуалар ўзида фан ва таълим жараёнини ривожлантириш ва билимларни улардан бизнес ва ишлаб чиқариш соҳасида фойдаланиш учун узатиш вазифаларини мужассам этган бўлиши лозим.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, инновацион фаолиятни ривожлантиришда тармоқланган инновацион инфратузилманинг ташкил этилиши ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Ўз иштирокида ташкил қилинадиган қўшма тадқиқот лабораторияларини, кичик консалтинг ва стартап корхоналарини интеграциялай олувчи ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштира олувчи ривожланган инфратузилмага эга бўлган фан-таълим инновацион

мажмуаларининг ташкил этилиши миллий инновацион тизимнинг керакли асосий элементларини таъминлаш, инновация соҳасига сармоялар оқимиининг кириб келишини рағбатлантириш, мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнини ишлаб чиқариш корхоналарининг эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда йўналтириш имконини беради.

Бундай мажмуалар илмий фаолият, таълим ва инновация жараёнини таъминлашдан ташқари:

технологиялар трансфери маркази;

давлат бюджети ҳисобига амалга оширилган ва харид қилинган илмий-техник фаолият натижаларининг депозитарийси;

ўз тасарруфига ўтказилган давлат мол-мулкига, шу жумладан давлат бюджети ҳисобига амалга оширилган илмий-техник фаолият натижаларига нисбатан мулкдорлик ваколатларини амалга ошириш; интеллектуал мулкни саноатда ўзлаштиришдан олинган қайтим маблағларни вужудга келтирувчи;

инновацион лойиҳалар ҳамда инновацион фаолият соҳасига ихтисослашган тадбиркорларни бошқариш учун кадрлар тайёрлаш ва менежерлар малакасини ошириш функцияларини ҳам бажара олиши лозим.

Илмий ишланмаларни татбиқ қилишнинг энг самарали йўли қисқа муддатда, минимал сарф-харажатлар билан рақобатбардош илмий маҳсулотни ишлаб чиқара оловчи кичик инновацион фирмалар тармоғини барпо этишdir. Бу жиҳатдан, Ўзбекистонда инновацион тадбиркорликни кенг ривожлантириш бозор ўзгаришлари ва мамлакат иқтисодиётини жонлантириш жараёнига улкан илмий-техник салоҳиятни жалб қилиш имконини беради.

Интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш ва ҳимоялашнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини доимий такомиллаштириб бормай туриб, уни хўжалик айланмасига киритмай туриб, маҳсулотларни сертификатлаш меъёрлари, стандартлари ва тизимларини бу соҳадаги жаҳон андозаларига мувофиқлаштиrmай туриб инновацион фаолиятни ривожлантириб бўлмайди. Бу масалаларнинг катта қисми илмий-техник соҳада инновацион фаолиятни

жонлантиришнинг идоралараро ва тармоқлараро дастурлари доирасида ҳал қилинади.


Бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатлар тажрибасидан олиниши керак бўлган энг муҳим жиҳат шуки, иқтисодиётнинг юқори инновацион фаоллиги давлатнинг илмий-техник бозордаги етакчи роли билан, миллий устувор йўналишларнинг белгиланиши билан, давлатнинг инновацион тараққиёт жараёнига иқтисодий рағбатлантирувчи тизим орқали фаол таъсир кўрсатиши билан таъминланади.

Инновацион жараённи рағбатлантиришнинг комплекс механизмини барпо этиш, жумладан, илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланувчиларга тегишли имтиёзлар белгилаш лозим. Давлат ресурсларнинг чекланганлигини ва устувор йўналишларни ҳисобга олган ҳолда илмий-техник тараққиётнинг фундаментал тадқиқотлардан бошлаб ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этишгача бўлган бутун занжирини рағбатлантириши лозим.

Миллий иқтисодиётда бозор ислоҳотларини амалга ошириш шароитларида инновацион қўрсаткичлар энг муҳим рақобатли устунлик сифатига эга бўлади, таркибий нисбатларни инновацион йўналишда такомиллаштириш эса давлат ижтимоий-иктисодий сиёсатининг мақсадли йўналишларидан бирига айланади. Буларнинг барчаси инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва уни ривожлантириш учун керакли шарт-шароитларни яратиш, мақсадга йўналтирилган ва мувозанатлашган инновация сиёсатини ишлаб чиқиш заруратини белгилаб беради. Бундай инновацион сиёсатни амалга ошириш имконияти аввало мамлакатда юзага келган шарт-шароитлар ва омилларга мувофиқ иқтисодий стратегияни ва унинг инновацион таркибий қисмини ишлаб чиқишни қўзда тутади.

Илмий-техник соҳа билан илмий маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ишлаб чиқиш ва тайёрлаш ва уни бозорга олиб кириш ўртасидаги боғловчи бўғин инновацион инфратузилмадир. Инновацион инфратузилма деганда инновацион фаолиятга моддий-техник, молиявий, ташкилий-методик,

ахборот, маслаҳат ва бошқа турдаги хизмат кўрсатишни таъминловчи субъектлар, ресурслар ва воситалар мажмуасини тушуниш лозим (4-расм).



4-расм. Инновация фаолияти инфратузилмаси субъектлари.

Бизнинг фикримизча, **инновация фаолияти инфратузилмаси** бу – инновация фаолияти субъектларига хизмат кўрсатувчи ёки уларнинг ишини таъминловчи, шу жумладан инновация фаолияти субъектларига бошқарув, моддий-техник, молиявий, маркетинг, ахборот, маслаҳат, ташкилий, кадрларга оид ва бошқа хизматларни кўрсатувчи ёрдамчи ташкилотлар йиғиндисидир.

Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожлантиришнинг устувор стратегик йўналиши миллий инновацион механизмни барпо этишдан иборат

бўлиб, мазкур механизм ташкилий-иктисодий ва хуқуқий чора-тадбирлар ва муайян инновацион лойиҳаларни амалга ошириш тизимиdir. У янги билимларни ишлаб чиқариш, тадқиқотлар натижаларини иктисодиётни реал секторига тезкор татбиқ этиш ва янги маҳсулотларни истеъмолчиларга сотиш жараёнини таъминлаши лозим.

Инвестицион стратегиямизнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда илғор технология билан жиҳозланган ва хом ашё ресурсларимизни чуқур қайта ишлаш имконини берадиган янги юксак технологияли ишлаб чиқаришларни яратишга, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш ва янги иш жойларини барпо этишга қаратилган инвестиция лойиҳалари афзал кўрилади.

Шу муносабат билан инновация фаолияти инфратузилмасини шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади, чунки мамлакатдаги корхоналарнинг ҳам ички, ҳам ташқи бозорлардаги рақобатбардошлиги унинг фаолият самарадорлигига боғлиқдир.

Мамлакат иктисолиётининг барқарор инновацион тараққиётини таъминлаш нафақат тегишли микдордаги тадқиқот ва ишланмаларнинг мавжуд бўлишини, балки уларнинг амалда қўлланилишини ҳам тақозо этади. Иктисолиётнинг саноат ва илмий секторлари ўртасида алоқанинг сустлиги, саноат корхоналарининг фундаментал ва амалий фан натижаларини ўзлаштириш даражасининг пастлиги, фан ютуқларидан фойдаланишда рағбатлантириш ва имкониятларнинг етишмаслиги, инновацион ғояларнинг бозор эҳтиёжларига мувофиқ эмаслиги иктисолиётдаги инновацион жараёнларнинг ривожланиш самарадорлигининг пастлигига сабаб бўлмоқда.

Хўжалик юритиш субъектларининг инновацион фаоллигини ошириш учун инновацион циклнинг барча таркибий қисмлари ва бўғинларини шакллантириш зарур. Бунинг йўналишларидан бири инновация жараёнида бевосита иштирок этувчи субъектларнинг ўзаро ҳамкорлик механизmlарини яратишдир. Шу муносабат билан инновация фаолияти инфратузилмасини шакллантириш ва унинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш зарурати

вужудга келади. Инновацион инфратузилмани шакллантиришнинг хориж тажрибасини тизимлаштириш унинг айрим элементларини яратишнинг базавий моделларини белгилаб олиш ва улардан миллий иқтисодиётда фойдаланиш имкониятларини аниқлашга имкон беради.

Уларнинг умумий хусусияти – хусусий сектор менежерларини жалб қилиш ҳисобига бюрократик босимни камайтирга интилиш, молиялаштириш ва бошқарувнинг бозор воситаларидан фойдаланишdir. Инфратузилмани ривожлантириш нуқтаи назаридан энг истиқболли йўналишлардан бири хусусий сектор ва илмий-тадқиқот ташкилотлари жалб қилинадиган моделлардан фойдаланишdir. Ушбу моделлар инвестиция рискларининг тақсимланиши (ажратилиши) ва давлат маблағларининг тежалишини таъминлайди.

Инновация фаолияти инфратузилмасини шакллантириш жараёнининг амалга оширилишини икки асосий жиҳат белгилайди. Жумладан, инвестициялар фақат қўйидаги шартлар мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширилади: манфаат (фойда); қулай шарт-шароитлар.

Инновация фаолияти инфратузилмасига (ИФИ) йўналтириладиган инвестицияларни шакллантириш механизмлари соҳасидаги халқаро тажрибанинг таҳлили қўйидаги базавий моделларни ажратиб олишга имкон беради:

- давлат ИФИ объектининг моддий-техник базасини барпо этишни тўғридан-тўғри молиялаштиради ва унинг фаолияти билан боғлиқ барча жорий амалиёт харажатларини истеъмолчиларнинг тўловлари амалий харажатларни қоплагунга қадар қоплайди;
- давлат ижтимоий-иқтисодий самарани таъминлаш мақсадида ИФИ объектининг яратилиши ва фаолиятини тўғридан-тўғри молиялаштиради;
- давлат иштирокчи фирмалар томонидан тўланадиган ижара тўловларини олиш учун ИФИ объектини барпо этишда инвестор сифатида иштирок этади;

– давлат ИФИ обьектини кейинчалик хусусий инвесторларга ўтказиб юборишни кўзда тутган ҳолда капитал ва дастлабки харажатларни қоплади (3-5 йил давомида).

Санаб ўтилган сўнги модель АҚШга хос бўлиб, унда инновация фаолиятининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ҳам миллий, ҳам минтақавий миқёсда амалга оширилади.


Шундай қилиб, кўриниб турибдики, ташқи механизм инновация фаолияти инфратузилмасини шакллантиришга инвестициялар ажратиладиган иқтисодий ва ташкилий чегаралар белгилашдан иборат бўлиши лозим. Бу ҳолатнинг моҳиятига қараладиган бўлса, инновация фаолияти инфратузилмасини шакллантиришнинг ушбу механизмини ташкилий-иктисодий механизм деб аташга асос бўла олади. Уни аввалдан белгиланган йўналишдаги ҳаракатни таъминловчи бўғинлар тизими деб тасаввур қилсак, бундай бўғинлар вазифасини инновацион фаолият тартибини белгиловчи меъёрий хужжатлар ўтайди. Конуний-меъёрий хужжатлар, стандартлар, методикалар, низомлар, алгоритмлар ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Бугунги кунда илм-фан соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштириш муаммоси энг долзарб масалалардан бири бўлиб, унинг ҳал қилиниши илм-фан соҳасини бевосита ишлаб чиқариш қучига айланишини, илмий тадқиқотлар натижаларини ишлаб чиқаришга амалий татбиқ қилишни кўзда тутади.

Республика инновация тизимидағи динамик жараёнлар устида олиб борилган таҳлиллар унинг айрим секторларидағи узилишларни аниқлашга ва инфратузилма обьектларини шакллантиришга дифференциялашган ёндашув зарурлигини исботлашга имкон берди. Уларнинг фаолиятида аниқланган ўзига хос хусусиятлар уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмидан фойдаланиш кераклигинидан далолат бермоқда.

Бизнинг фикримизча, инновация фаолияти инфратузилмасини шакллантириш механизми қўйидаги тамойилларга асосланган бўлиши лозим:

- асосий эътиборни мавжуд илмий-тадқиқот муассасалари, саноат корхоналари ва кредит-молия ташкилотларига қаратиш;
- инновацион лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳатти-харакатларни мувофиқлаштиришни ва барқарор ўзаро алоқаларни таъминловчи инфратузилма обьектларининг яхлит мажмуасини барпо этиш;
- инфратузилма обьектлари тараққиётининг узоқ муддатли истиқболини кўра олиш зарурати;
- жараённи бошқариш тизимини ташқи ва ички муҳитнинг ўзгарувчан шароитларига мослашуви;
- иқтисодий ва ижтимоий самара шаклидаги пировард натижага йўналтирилганлик.



5-расм. Инновация фаолиятни ривожлантириш муаммолари ва уларни бартараф этиш ўртасидаги ўзаро алоқадорлик.

Мавжуд инновация фаолияти инфратузилмасини амал қилиши муаммолари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, амалдги холат бугунги кундаги инновацион корхоналар эҳтиёжларига тўлиқ жавоб бермайди. Бу эса инновация фаолиятини амалга оширишга қулай шарт-шароитлар яратиб

беришни таъминловчи инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришни талаб этмоқда (5-расм).

Миллий иқтисодиётнинг инновацион секторини барқарор ривожлантириш учун инфратузилма элементларини барпо этиш бўйича мавжуд ташаббуслар ва уларни молиялаштиришнинг мавжуд қўлами етарли эмас. Самарали инновация фаолияти инфратузилмасини шакллантириш унинг элементлари ўртасидаги тизим ҳосил қилувчи алоқаларни жонлантириш зарурати билан белгиланадиган турли ташкилий ва иқтисодий омилларга боғлиқдир.

Инфратузилмани шакллантириш механизмини қуидаги кетма-кет босқичлардан келиб чиқсан ҳолда амалга ошириш мумкин: шарт-шароитларни яратиш – инвестицион таъминотни ташкил қилиш – экспертиза – инфратузилма обьектларини барпо этиш. Босқичларнинг ҳар бири уларнинг амалга оширилишини таъминлашга қаратилган турли хил регламентларни тақозо этади.

ИМ (инновацион мажмуя) – таълим-фан-ишлаб чиқариш жараёнларини ягона бир тизимга бирлаштирадиган кичик илмий-техник тадбиркорлик ва инновация соҳасида йирик инновацион-технологик ва илмий-ишлаб чиқариш мажмуасидир.

Хозирги жамиятнинг ривожланиши босқичида олий таълим муассасаларининг инновацион соҳа негизини мустаҳкамлашдаги роли кўп маротаба ошади. Инновацион фаолиятнинг юқори даражада ривожланган шароитларда ҳам маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига, ҳам республика бюджети маблағлари ҳисобига, аммо кўпинча олий таълим муассаси олиб бораётган инновацион фаолият ҳисобига етакчи олий ўқув юртини кейинчалик молиявий қўллаб-қувватлаш учун имкониятлар пайдо бўлади.

Шундай қилиб, олий таълим муассасаси ўз атрофида фундаментал илмий тадқиқотларни ривожлантирган ҳолда содир бўлаётган тезкор технологик жараёнларга мос бўлган ўқув жараёнларини шакллантираётган сифат жиҳатдан янада юқори даражадаги муҳитни яратиши мумкин.

Инновацион фаолиятнинг шаклланиши инновацион жараёнларнинг асосий ривожланиш йўналишларини ишлаб чиқиш, олий мактаблар билан бевосита ўзаро боғлиқликда инновацион жараёнларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш тизими (бошқарув орган) ни яратишни талаб этади.

Республикада содир этилаётган инновацион интеграцион жараёнларга хос бўлган ўзига хос хусусиятларни таҳлил қилиш пайтида қўйидаги муаммолар аниқланган:

1. Интеграцион жараёнларнинг ҳуқуқий-меъёрий базасини такомиллаштириш. Биринчи даражали вазифалар сифатида давлат мақомига эга Фанлар академияси хузуридаги илмий муассасаларга давлат олий ўкув юртларининг таъсисчилари ёки бирга таъсис этувчи сифатида иштирок этиши ҳамда бошқа қўшма интеграллашган тузилмаларнинг фаолиятини самарадорлигини ошишишга кўмаклашадиган ташкилий-ҳуқуқий шакллари тўғрисидаги масалаларни ечиш ҳуқуқини беришни белгилаш мумкин.

Қўшма интеграл тузилмаларнинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиши масалаларида кўплаб камчиликлар мавжуд. Бу, авваломбор, айни дамда Фуқаролик кодексида назарда тутилган ташкилий-ҳуқуқий шакллардан биронтаси таълим соҳасининг фаолият кўрсатиш хусусиятларини ҳисобга олмайди.

Бунда интеграциялашган тузилмаларга юридик шахс мақомини бериш ҳолларида интеграциялашган тузилмаларнинг фаолиятини кўп каналлар бўйича молиялаштириш имконияти, шу жумладан хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари иштирок этиши имкониятлари тўғрисидаги масала нихоят муҳим аҳамият касб этади.

Хозирги кунда илмий ва таълим муассасаларининг ўзида қўшма интеграциялашган тузилмаларига юридик шахс мақомини бериш мақсадга мувофиқ. Мазкур тузилмалар қандай устунликларга эга бўлади ва таълим хизматлари бозорида қайси ҳолатни эгаллай олиши масаласини кўриб чиқиш лозим.

3. Интеграциянинг ташкилий-иктисодий механизмларини шакллантириш. Илмий-техник соҳасидаги давлат мулкини бошқариш ва ижтимоий-таълим тажрибаларини олиб бориш энг муҳим масалалар сифатида кўрсатилган, унинг асосида турли хил усул ва шакллардан фойдаланган ҳолда интеграция ётади.


Давлат илмий марказларининг фаолиятини янада такомиллашгани, уларни давлат корпоратив бирлашмалар таркибига киритилгани (ишлаб чиқариш билан интеграциялашгани) сайин илмий-техник мажмуаларнинг янги турини яратишга эътибор тобора ошиб бораверади.

Шуни таъкидлаш лозимки, вазирлик ва идораларнинг “фан-таълим” чизиги, фақат билвосита “фан-ишлаб чиқариш” ва “таълим-ишлаб чиқариш” каби чизиқлар бўйича интеграция масаласини ечишга қаратилган.

Бунда биринчи ўринга иккита асосий вазифалар қўйилади: юқори малакавий касбий-мобиљ ишчиларни тайёрлаш ва кадрларни касбий-малакавий тайёрлаш таркибини иқтисодиётнинг жорий ва истиқболли эҳтиёжларига мувофиқлаштириш. Бунда асосий эътибор нафақат муҳандис-техник, балки ишчи мутахассисларга, улар бўйича бошланғич ва ўрта касбий тайёргарлигига эътибор қаратилиши мумкин.

“Фан-ишлаб чиқариш” чизиги бўйича интеграцияга келадиган бўлсак, асосий кучларни иқтисодиётнинг корпоратив секторига, ҳуқуқий-меъёрий базалари ва умумий иқтисодий шароитларига мос келадиган йирик интеграциялашган тузилмаларни ташкил этиш жараёнларига қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

6-расмда инновацион кластерни шакллантиришнинг “таълим-фан-ишлаб чиқариш” интеграцион алоқаси чизмаси келтирилган.



6-расм. “Таълим-фан-ишлаб чиқариш” интеграцион алоқасини шакллантириш схемаси.

Назорат саволлари:

1. Рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши ва унинг асослари нималардан иборат?
2. Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш зарурати ва долзарблиги?
3. Глобаллашув шароитида рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш тенденциялари нималардан иборат?
4. Рақамли иқтисодиёт шароитида таълимни ташкил этиш хусусиятлари нималар?
5. Таълимда рақамли технологиялар
6. Масофавий таълимни ташкил этишда рақамли технологиялар нималар?
7. Рақамли иқтисодиёт шароитида инновацион жараёнларни амалга ошириш хусусиятлари?

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимини қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-хуқуқий хужжатлар:

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.:Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ти ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ти 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ти ПФ-5544-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПФ-5729-сон Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ти ПФ-5789-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ти ПФ-5847-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли Қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2001 йил 16 августдаги “343-сонли қорорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли қарори.

Ш. Махсус адабиётлар:

16. Махкамова М.А.Рақамлаштириш нафақат одамлар турмуш тарзи, балки тафаккурини ҳам ўзгартиради. Ҳалқ сўзи, 4 ноябрь, 2020 йил, № 232 (7734).
17. Махкамова М.А.Система глобальных изменений. Народное слово, 13 ноябрь, 2020 год. № 239 (7710).
18. Махкамова Таълимда инновацион менежмент. Монография. - Тошкент, “Фан ва технология”, 2019 – 164 б.
19. Теория инновационного менеджмента. Монография. - Тошкент, “Фан ва технология”, 2019 – 178 б.
20. Махкамова М.А. Инновацион менежмент. Ўқув қўлланма. – Т: Фан ва технология, 2013.
21. Перегудов Л.В., Сайдов М.Х. “Менеджмент и экономика высшего образования”. Учб.пос – Ташкент. 2008 г.
22. Инновационный менеджмент. Учебник. Под. Ред, проф. В.Я. Горфинкеля. – М.: “Вузовский учебник ”, 2009 г.
23. J. Tidd and J.Bessant. Managing Innovation: Integrating Technological, Market and Organizational Change. Wohl Wiley and Son's Ltd, Fourth edition, 2012.
24. V. Govindarajan and C. Trimble. The Other Side of Innovation: Solving the Execution Challenge. Harward Business School Publishing, 2010.

IV. Интернет сайтлар:

30. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
31. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси
32. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
33. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET
34. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.

З-МАВЗУ: ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОН ВА КЎРСАТИКИЧЛАРИ. ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ (2 соат)

Режа:

1. Халқаро таълим сифати. Таълим сифатини таъминлашда инновацияларнинг қўллаш йўллари.
2. Илмий-техник маҳсулот ва инновациялар трансфери. Таълим сифатини таъминлашда инновация менежментининг механизми ва унинг асосий йўналишлари.
3. Таълим сифатини таъминлашда инновацион фаолиятнинг ташкилий шакллари.

Таянч сўзлар: инновацион таълим, янгиликлар классификацияси, таълим менежменти, тузилма, вазифалар, мезонлар, кўрсаткичлар, инновацион мойиллик, инновацион хусусиятлар.

Key words: innovation education, classification of innovation, education management, structure, tasks, criteria, indicators, innovation propensity, innovation features.

Таълимда инновацион фаолият мақсадга мувофиқ ташкил этилган ўқув жараёнлар технологияларининг мажмуи бўлиб, ўқув жараёнда инновацион фаолият доирасида ишлаб чиқариш, таълим олиш, билим кўнималарига эга бўлиш, техник, тижорат, билим кўнималарининг назарий ва мустақил жараёнини ташкил этувчи фаолиятга доир янгиликларни қўллаш асосида олиб бориладиган фаолиятдир. Олий таълим муассасаларида инновацион фаолият кенг маънода ўқитишининг янги замонавий ва билим кўнималарини ўзлаштиришнинг янгича ёндашувларини ўз ичига олган фаолият бўлиб, у илмий, техник, технологик, ташкилий молиявий ва тижорат фаолиятларининг мажмуи сифатида ривож топади.

Ана шу асосдан келиб чиқсан ҳолда биз таълимдаги инновацияларнинг икки хил хусусияти (ташки ва дидактик) га кўра таснифлашни лозим деб топдик (7-расм).

Таълим жараёнини ташкил этиш.



7-расм. Педагогик инновацияларнинг таснифий параметрлари

Педагогик инновацияларнинг жадаллик билан амалиётга кириб бориши натижасида замонавий таълимнинг инновацион йўналганлиги анънавийликдан фарқли равишда қўйидаги муҳим аҳамиятга эга жиҳатларда ўз аксини топиб бормоқда (8-расм).

Таълимнинг анъанавий йўналганлиги	Таълимнинг инновацион йўналганлиги
<ul style="list-style-type: none"> ➤ Техноген цивилизация ➤ Таълим олувчи – объект ➤ “Билимли инсон” ➤ Педагогик идрок этиш ➤ Педагогик чора-тадбирлар ➤ Педагог-васиийлик ➤ Биргаликдаги фаолиятнинг авторитар услуги ➤ Фаолиятли ёндашувга асосланганлик 	<ul style="list-style-type: none"> ❖ Антропоген цивилизация ❖ Таълим олувчи – субъект ❖ “Харакатланувчи инсон” ❖ Педагогик ижодкорлик ❖ Педагогик муносабатлар ❖ Педагог-менежер ❖ Биргаликдаги фаолиятнинг демократик услуги ❖ Фаолият, мулоқот ва шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш орқали ижтимоийлашуви

8-расм. Анъанавий ва инновацион таълимнинг қиёсий таҳлили

Инновацион жараённинг дастлабки (бирламчи) умумлаштирилган формуласи - қуидаги кўринишга эга:

ФТ—АТ—ИЧ—Л—Қ—Ў—СИЧ—М—С.

ФТ— фундаментал тадқиқотлар ;

АТ— амалий тадқиқотлар (кашфиётлардан амалда фойдаланиш);

ИЧ — ишлаб чиқиш;

Л— лойиҳалаш;

Қ— қурилиш;

Ў— ўзлаштириш;

СИЧ — саноатда ишлаб чиқариш;

М— маркетинг;

С— сотув.

Инновация - бу инновацион жараён борадиган ташкилотлар, улардаги инновацион фаолият ва бу фаолият билан банд бўлган ташкилий ишлаб чиқариш структураси уни бошқариш тамойиллари, услублари, олинадиган иқтисодий самарадорликни белгилайдиган ва шу жараёнга боғлиқ формалар тўпламидир.

Innovation set of forms of the process of innovative process leading organizations, focused on innovation and the organizational structure of production management principles, methods, and determine the economic efficiency.

Унинг учун қуидагилар тааллуқли:

- маълум мақсадни қўйиш ва бажариш мумкин бўлган стратегияни танлаш;
- цикл босқичлари;
- олиб бориладиган ишларни режалаштириш;
- янгиликни амалга ошириш учун шароитларни аниқлаш ва ташкил қилиш;
- ижро этиш, модернизацияни амалга ошириш;
- инновация ишларига раҳбарлик қилиш.

Инновациялар туркумлари.

Инновацион бозор учун янгилиги бўйича инновациялар қуидагиларга бўлинади:

- а) янгилиги туфайли жахон миқёсида яратиладиган тармоқ учун;
- б) мамлакат миқёсида яратидиган тармоқ учун янгиликлар ишлаб чиқиш;
- д) алоҳида корхона учун янги хисобланган ишларни амалга ошириш.

Хар қандай олий таълим ёки илмий ташкилотнинг илмий-инновацион асоси бўлиб унинг илмий-техник салоҳияти хизмат қиласи. Илмий адабиётларда илмий-техник салоҳиятни ёритиш учун алоҳида ташкил қилувчилар (кадрлар, моддий техник ташкил қилувчилар) тавсифи ва

молиялаштириш кўрсаткичлари (жами жорий ҳаражатлар ва капитал қўйилмалар) ишлатилади. Миқдорий кўрсаткичлар қуидагиларни қамраб олади:

- илм-фан секторлари ва тармоқлари ҳамда миллий иқтисодиёт тармоқлари бўйича ИТТКИга сарфланган ҳаражатлар ҳажми;
- илм-фан секторлари бўйича (фундаментал, амалий ОЎЮ, акционерлик жамияти), илм-фан тармоқлари ва фан мутахассисликлари, шунингдек, миллий иқтисодиёт тармоқлари бўйича ИТТКИ соҳасида бандлар сони.

Кадрлар қуидаги кўрсаткичлар бўйича амалга оширилади:

- ИТТКИ билан боғлиқ шахсларнинг умумий сони;
- Фаолият турлари (фундаментал ва амалий тадқиқотлар, ишланмалар бўйича персонал сони; малакавий гурухлар (юқори малакали илмий ходимлар – фан докторлари ва номзодлари, илмий даражаси бўлмаган илмий ходимлар, олий ва ўрта маҳсус маълумотли илмий-техник персонал, ёрдамчи персонал, ишчи кадрлар) бўйича шахслар сони;

Кадрларнинг лавозимлар бўйича миқдорий тақсимоти.

Инновацион инфратузилма тушунчасининг ташкил қилувчилари орасидаги технологияларни ва янгиликларни узатишга худди ўша маркетинг бўлинмалари, патент-лицензия бўлинмалари оммавийлаштириш, реклама ва кўргазма қилиш фаолиятларини амалга оширувчи бўлинмаларни киритиш мумкин.

Олий ўкув юртлари амалга оширилаётган инновацион фаолият

Фундаментал тадқиқот	Тажриба ишлари	Маркетинг изланишлари
Ишлаб чиқариш тажрибаси	Илмий тадқиқот ишлари	Серияли ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш

Бугун таълим тизимидағи инновацияларни қуидагича таснифлаш маъқулланмоқда:

- Фаолият йуналишига караб (педагогик жараёндаги, бошқарувдаги).
- Киритилган узгаришларнинг тавсифига кура (радикал, модификацияланган, комбинациялаиган).
- Ўзгаришлар куламига кура (локал, модули, тизимли).
- Келиб чикиш манбаига кура (шу жамоа учун ички ёки ташкаридан олинган).

Таълим самарадорлиги баҳолаш кўрсаткичлари қўйидагилар таалуқли:

- таълим жараёни сифати;
 - таълим сифати ва таълим олаётганларнинг баҳоланиши.
 - ўқиётганлар эҳтиёжини қондирилганлиги;
 - билимни таълим жараёнининг бир қисми сифатида баҳолаш.
 - ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш;
 - ота-оналар билан доимий узвий боғликлилиги.

Хозирги кунда фан-технологиялар ва инновация фаолиятини ривожланишининг асосий индикаторлари ва тенденцияларини таҳлил қилиш бўйича ягона методология мавжуд эмас. Амалдаги усуллар мавжуд статистик ва иқтисодий таҳлил услабиятига асосланади.

Республика миқёсида бугунги кунда сотилган маҳсулотлар умумий ҳажмида инновацион товар, иш ва хизматлар улуши 2012 йилда 2,9 %, 2013 йилда 3,9%, 2017 йилда 5,8 % ни ташкил этган. 2019 йилда сотилган инновацион маҳсулотлар улуши 6,5% ни ташкил этган, бу 2017 йилдагига қараганда тахминан 0,7 фоизга ошган (3-жадвал).

3-жадвал.

**Ўзбекистон Республикасида 2013-2019 йилларда инновация фаолияти
ривожланишининг муҳим кўрсаткичлари динамикаси**

№	Кўрсаткичлар	2013 й.		2015 й.		2017 й.		2019 й.	
		жами	саноат	жами	саноат	жами	саноат	жами	саноат
1.	Сотилган маҳсулотлар умумий ҳажмида инновацион маҳсулотлар улуши, %	2,9	4,5	3,2	3,9	5,8	8,4	6,5	8,4
2.	Сотилган инновацион товар, иш ва хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати, %	100	100	62,3	54,6	126,4	130,7	116,4	125,4
3.	Инновациялар учун сарфланган умумий харажатларда ташкилотларнинг ўз маблағлари улуши, %	60,5	74,9	70,6	75,2	68,4	54,0	36,8	31,0
4.	Инновациялар учун харажатлар коэффициенти	0,014	0,012	0,005	0,004	0,003	0,005	0,026	0,043
5.	Инновациялар учун харажатлар ҳажмининг ўсиш суръати, %	100	100	121,4	63,8	73,0	122,4	72,0	91,1
6.	Инновацион фаол корхоналар улуши	0,13	0,37	0,07	0,25	0,07	0,23	0,35	1,29
7.	Ҳар бир инновацион фаол корхона ҳиссасига тўғри келувчи жорий этилган технологик инновациялар сони	2,2	3,5	4,4	3,5	3,8	3,9	1,7	1,6
8.	Илмий-тадқиқот ишлари бўйича ҳамкорлик даражаси	25,5	15,5	15,8	19,3	8,8	16,3	9,2	4,5

2019 йилда республикамизда 2171 та корхона томонидан 18543,3 млрд сўмлик инновацион маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқарилган. Ушбу даврда улар томонидан 1946 та технологик инновациялар жорий этилган. Бирок, инновацион фаол корхоналар улуши 0,34 фоизни, инновацияларни тегишли тармоқ ёки соҳаларга жорий этиш коэффициенти эса атига 1,2 ни ташкил этмоқда, холос.

Умумий экспорт ҳажмида инновацион маҳсулотлар экспортининг улуши 1,46 фоиздан иборат, холос.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, илгор ривожланган ҳорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 70-90 фоизи инновация фаолиятини ривожлантириш ҳисобига олинади.

Юқори технологияли тармоқлар инновацион маҳсулотлари улуши 2017 йилда саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган юқори технологияли маҳсулотлар умумий ҳажмининг 11,1 % ни ташкил этган. Шу билан бирга, ўртacha юқори технологияли маҳсулотлар умумий ҳажмида инновацион маҳсулотлар улуши 15,3 % ни ташкил этган.

Инновацион маҳсулотларни энг кўп микдорда экспортга чиқарган корхоналар - бу ўртacha юқори технологиялар сектори корхоналари бўлган. 2017 йилда инновацион саноат маҳсулотлари экспорт ҳажмида ўртacha юқори технологияли маҳсулотлар улуши 51,1 % ни, юқори технологияли маҳсулотлар улуши эса 6,9 % ни ташкил этган.

Сўнги йилларда металлургия, кимё ва нефть-кимё саноати, енгил ва озиқовқат саноати корхоналарининг инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми анча ошди. Инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш умумий ҳажмида ёқилғи саноатининг улуши камайган. Янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни тармоқлар бўйича дифференциялаш тенденцияси кузатилди. Инновацион маҳсулотларнинг катта қисмини (80,0%) охирги 2 йилда ўзлаштирилган товар, иш ва хизматлар ташкил этади. Илк бор ўзлаштирилган инновацион маҳсулотлар 2018 йилда 18,5% ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2019 йилга келиб 15,1 фоизни ташкил этган. Шунинг ярми хорижий мамлакатларга сотилган.

Хозирги кунда таркибида илмий-тадқиқот муассасаси мавжуд бўлган вазирлик ва идораларда 7599 нафар юқори малакали илмий ходимлар илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланмоқда, шундан 1070 нафарга яқини инженер-техник ходимлардир (4-жадвал).

4-жадвал

Таркибида илмий-тадқиқот муассасаси мавжуд бўлган вазирлик ва идораларнинг юқори малакали илмий, инженер-техник ходимлар билан таъминланганлиги тўғрисида маълумот (2019 йил 1 январь ҳолатига)

№	Таркибида илмий-тадқиқот муассасаси мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар	Илмий-тадқиқот фаолият и билан бандлар сони	Шу жумладан				Академиклар	Фан докторлари	Фан номзодлари
			Илмий ходим-лар	Бошқарув ходим-лари	Инженер -техник ходимла р	Бошқа-лар			
1.	Фанлар академияси	3301	1586	50	578	876	26	260	595
2.	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги	153	90	19	38	6	2	18	19
3.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	1790	684	59,5	274	2146	4	163	336
4.	Халқ таълими вазирлиги	34	46	10	-	12	-	8	21
5.	Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги	2321	870	209	179	1046	8	97	260
	Жами	7599	3230	337,5	1069	4074	40	546	1231

I-IX Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркаларида 4200 дан зиёд инновацион ғоя ва ишланмалар, технологиялар намойиш этилиб, умумий қиймати 144,1 млрд. сўмдан зиёд бўлган 4000 дан ортиқ шартномалар имзоланди.

Шартномаларнинг амалга оширилиши самарасида умумий қиймати 2,2 триллион сўмлик 62 турдаги янги маҳсулотлар сериялаб ишлаб чиқарилмоқда. 59 та шартнома доирасида маҳсулотларнинг тажриба-синов ва саноат намуналари тайёрланди.

Бундан ташқари, республиканинг нуфузли илмий ташкилоти ҳисобланган Фанлар академияси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилди.

Хозирги кунда Фанлар академияси тизимида 31 та илмий-тадқиқот муассасаси ва 3 та минтақавий бўлим фаолият кўрсатмоқда. Фанлар академияси тизимида жами 4387 нафар ходим, шу жумладан 1901 нафар илмий ходим, 300 нафардан ортиқ фан доктори, 681 нафар фан номзоди

тадқиқот олиб бормоқда. Академиклар 63 кишидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири тегишли корхона ва ташкилотларга биритирилди.

Давлат илмий-техника дастурлари доирасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг натижаларини халқаро илмий таҳлилий маълумотлар базаларига киритилган нуфузли илмий журналларда чоп этиш даражаси анча паст.

Мисол учун, 2015-2017 йилларда хорижий нашрларда жами 8388 та мақола чоп этилган бўлса (2007-2016 йилларда - 17 667 та), уларнинг 475 таси Web of Science, 326 таси Scopus ва 1543 таси бошқа (асосан РИНЦ) маълумотлар базаларига киритилган журналларда чоп этилган. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Web of Science тизимиға киритилган журналларда чоп этилган мақолалар сони бўйича тузилган рейтингда 91-ўринни эгалламоқда (5-жадвал).

5-жадвал.

2007-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузли илмий журналларда мақолалар чоп этиш даражаси бўйича фаоллиги кўрсаткичлари¹⁵

№	Вазирлик ва идоралар номи	Халқаро нуфузли илмий журналларда чоп этилган мақолалар сони	Халқаро Web of Science тизимиға киритилган журналларда чоп этилган мақолалар	
			Сони	фоизда
1.	Фанлар академияси	7443	171	2,29
2.	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	3915	69	1,76
3.	Халқ таълими вазирлиги	438	6	1,37
4.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	828	44	5,31
5.	Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги	2601	48	1,84
6.	Бошқа вазирлик ва идоралар таркибидағи илмий-тадқиқот муассасалари	2442	38	1,56
Жами		17 667	376	2,35

¹⁵Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Илмий ҳажмдор маҳсулотлар экспорти билан саноқли илмий-тадқиқот муассасалари шуғулланмоқда (3-4 та). Йиллик экспорт ҳажми ўртача 5-6 млн. АҚШ долларидан иборат.

Бу эса ўз навбатида мавжуд илмий-технологик салохиятдан самарали фойдаланган холда илмий ҳажмдор маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг истеъмолчилари ўртасидаги юқори инновацион фаолликни таъминлайдиган аниқ механизмларни янада такомиллаштиришни ҳамда уларни мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар суръатларига тўлиқ мослаштиришни талаб этмоқда.

Назорат саволлари:

1. Замонавий таълим сифатининг асосий қўрсаткичлари нималар?
2. Халқаро таълим сифати ва унга қўйилган талаблар?
3. Таълим сифатини таъминлашда инновацияларнинг роли ва қўллаш йўллари?
4. Таълимда илмий-техник маҳсулотлар ва уларнинг турлари?
5. Инновацияларни тиҷоратлаштириш ва уларнинг трансфери нималардан иборат?
6. Таълим сифатини таъминлашда инновацион менежментнинг механизми ва унинг йўналишлари қандай?
7. Таълим сифатини таъминлашда инновацион фаолиятнинг ташкилий шакллари қайсилар?
8. Венчур молиялаштириш нима ва у қандай амалга ошади?
9. Билимларни тиҷоратлаштиришни тушунтириб беринг.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-хуқуқий хужжатлар:

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.:Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ти ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ти 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ти ПФ-5544-сонли Фармони.
- 10.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПФ-5729-сон Фармони.
- 11.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ти ПФ-5789-сонли Фармони.
- 12.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ти ПФ-5847-сонли Фармони.
- 13.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
- 14.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли Қарори.
- 15.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2001 йил 16 августдаги “343-сонли қорорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли қарори.

Ш. Махсус адабиётлар:

16. Махкамова Таълимда инновацион менежмент. Монография. - Тошкент, “Фан ва технология”, 2019 – 164 б.
17. Теория инновационного менеджмента. Монография. - Тошкент, “Фан ва технология”, 2019 – 178 б.
18. Махкамова М.А. Инновацион менежмент. Ўқув қўлланма. – Т: Фан ва технология, 2013.
19. Махкамова М.А. Инновацион технологиилар бошқаруви. Монография. – Т.: Алоқа, 2011.
20. Махкамова М.А. Организация и управление инновационной деятельностью. – Т.: Иқтисодиёт, 2007.
21. Перегудов Л.В., Сайдов М.Х. “Менеджмент и экономика высшего образования”. Учб.пос – Ташкент. 2008 г.
22. Инновационный менеджмент. Учебник. Под. Ред, проф. В.Я. Горфинкеля. – М.: “Вузовский учебник”, 2009 г.
23. J. Tidd and J.Bessant. Managing Innovation: Integrating Technological, Market and Organizational Change. Wohl Wiley and Son's Ltd, Fourth edition, 2012.
24. V. Govindarajan and C. Trimble. The Other Side of Innovation: Solving the Execution Challenge. Harward Business School Publishing, 2010.

IV. Интернет сайтлар:

35. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
36. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси
37. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
38. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-МАВЗУ: ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИНГ МЕЗОН ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ. ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ (2-соат)

Амалий машғулот мақсади:

Тингловчиларда олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишда қўлланиладиган мезон ва кўрсаткичлар бўйича, жумладан миқдорий ва сифат кўрсаткичларини баҳолай олиш, инновацион фаолиятни ташкил этишда асосий хусусиятларини ҳисобга олиш бўйича малака ва кўникмаларини шакллантириш.

Амалий машғулотни ўтказиш тартиби:

Машғулот режаси бўйича назарий материаллар таҳлил қилиниб, кичик групкалар ёки жуфтликларда таълим сифатини таъминлаш, уни ошириш бўйича, таълимнинг замонавий хусусиятларидан келиб чиқиб, янги педагогик технологиялар ёки интерактив усуллардан фойдаланган ҳолда берилган топшириқлар бажарилади.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР УЧУН МАТЕРИАЛЛАР:

Олий таълим муассасаларида инновацияларнинг илм-фан самараадорлигига таъсир этувчи омиллар:

- илмий салоҳият таркиби, жумладан истеъоддли олимлар, ўқитувчилар, илмий ходимлар, юқори малакали инженер-техник ходимлар мавжудлиги;
- илмий тадқиқот ишлари мавзусининг долзарблиги ва амалий аҳамияти;
- илмий тадқиқот ишларини олиб бориш учун илмий адабиётлар ва бошқа ахборот ресурслари билан таъминланганлиги;
- ўтказиладиган тадқиқотлар ва тадқиқотчиларни моддий рағбатлантириш учун молиялаштириш манбалари;
- илмий тадқиқотларни ташкил этиш, шунингдек қабул қилинган режа ва чора-тадбирлар бошқаруви ва назоратини амалга ошириш;
- илмий тадқиқотлар ўтказишни таъминловчи илмий-техник ва ёрдамчи

хизмат мавжудлиги.

Инновацион менежмент механизми қўйидагилардан иборат:

1. Муассасада инновацияни башорат қилиш (прогнозлаш). Техникани келажакда ривожлантиришнинг эҳтимоли бўлган, келажаги бор бўлган йўлини топиш.

Инновацияни башорат қилиш келажакда техника ва технологияни кўллашда, маҳсулотларни ишлаб чиқаришда қандай ўзгаришлар бўлиш эҳтимолини ва рақобатга қандай таъсир ўтказишини билиш зарур.

Инновацияни башорат қилиш уч босқичда амалга оширишни ифодалайди:

- 1) башорат обьектини аниқлаш;
- 2) башорат қилиш усулларини танлаш (масалан: экстраполяция усули, эксперт баҳолаш усули, моделлаштириш методлари ва бошқалар)¹⁶.
- 3) башоратни ёки истиқболни ишлаб чиқиш ва уни тахминий баҳолаш.

2. Ҳолатни таҳлил этиш. Ташкилот фаолиятига бевосита ва билвосита ташқи муҳит омиллари таъсири ва ташкилот ичидаги ишлар ҳақидаги маълумотларни тўплаш. Сўнгра ҳар хил даражадаги менежерлар тўпланган ахборотларни турларга ажратадилар ва таҳлил қиласилар. Инновация кўрсатгичларини назорат қилишнинг амалдаги мавжуд режага (прогноз асосидаги) солиштирилади, натижада тезда ҳал қилиниши керак бўлган муаммоларни аниқлаш имконияти вужудга келади.

3. Инновацияга бўлган эҳтиёжларни аниқлаш ва тўғри ифодалаш чоратадбирлари мажмуини ишлаб чиқиш, инновацияга бўлган эҳтиёжларни қондириш ташкилотнинг самарали амал қилиш имкониятини беради.

4. Инновация муқобилини танлаш мезонини аниқлаш. Ҳар хил инновацияларни солиштириш билан уларнинг энг яхши муқобили танлаб олинади (масалан, инновация харажатлари, инновациянинг ҳаёт даври, ундан олинадиган

¹⁶ Экстраполяция усули фан ва техникада башоратдан аввалги даврда вужудга келган қонуниятларни келажакда тарқатишни ифодалайди.² Эксперт баҳолаш усули келажакда шу соҳада ишлайдиган юқори малакали мутахассислардан олинган сўровнома асосидаги статистика маълумотларини саралашни ифодалайди.³ Моделлаштириш усули мантикий, ахборот математика–статистика моделларини ўз ичига олади.

самара).

5. Инновация муқобилини ишлаб чиқиш – бу инновациянинг ҳар хил варианtlари ва модификацияларини ишлаб чиқиш ҳамда татбиқ этишнинг йўллари бўлиб, улар ичидан ташкилот хусусиятини ҳисобга олган ҳолда (мақсади ва ташқи муҳитга нисбатан ҳолати) мақсадга мувофиқ бўлгани – менежер танлаб олиш мумкинлигини ифодалайди

6. Инновация муқобилларининг афзалиги ва камчиликларини таққослаш асосида таҳлил ўтказиши. Таққослаш учун стандартлар тўплами ва баҳолаш мезони бўлиши керак. Кўп ҳолларда танлаш келишилган вариант натижаси бўлиб, бир нечта сифатли муқобиллар йиғиндисидан иборат бўлади. Ҳозирги тезкор муҳитда фаолият юритаётган ташкилотнинг хавф даражасини ҳисобга олиш керак. Масалан, энг қулай вариант эмас, балки инновациянинг юқори муваффақият билан фаолият юритиши мумкинлиги ҳисобга олиниб муқобили танланади.

7. Бошқариш қарорларини ишлаб чиқиш ва келишиш. Инновация билан боғлиқ бўлган бошқариш қарорларини ишлаб чиқиш инновация бўлинмаларининг ташкилотнинг бошқа бўлимлари ва бошқарувчи ходимлар билан ҳамкорлигига қаратилади. Инновацияни бошқариш хусусияти – унинг малакали кадрлар ёрдамида ишлаб чиқилиши, қарорларни қабул қилиш ва режани татбиқ этишни тасдиқлаш эса менежерлар томонидан амалга оширилишидир. Шу муносабат билан инновацияни амалга оширишни мақсад қилиб қўйган ташкилотларда бошқариш қарорлари қабул қиласидаган гурухлар тузилади. У жамоада бошқариш турли бўғинлари номувофиқлигини аниқлаш ва уларни тез ва сифатли бартараф этиш имконини беради.

8. Бошқариш инновация қарорларини тадбиқ этишни бошқариш ва ресурслар мажмуалари, ижрочилар ва иш муддатини аниқлашдан бошланади. Сўнгра бошқариш инновация қарорини тадбиқ этиш дастури ишлаб чиқилиб, уни бўлинмалар “мақсадлар дарахти”га мувофиқ бажаришлари зарур бўлади.

9. Натижаларни назорат қилиш ва баҳолаш. Инновация дастурини амалга ошириш жараёнида бошқарувнинг барча босқичларидағи менежерлар

қарорларнинг бажарилишини назорат қиладилар. Зарур бўлганда бошқарувчилар ёки малакали кадрлар ёрдамга келадилар, хато топилганда ўзгартиришлар киритилади. Шундай қилиб, инновацияни бошқариш механизми элементларининг охиридан бошигача тескари боғлиқлик вужудга келади.

Инновация – бошқаришнинг маҳсус обьекти бўлиб, салмоқли инвестиция, малакали илмий–техник ходимлар ва кенг қўламдаги маркетинг тадбирларини амалга оширишни талаб этади. Шундай қилиб, инновацион менежмент механизмини бошқариш учун бўлимлар ўртасида бошқариш таркибида тўғри ва аксинча ўзаро боғлиқликни ифодалайдиган тизимли ёндашув керак бўлади.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР:

1. Ўзингиз фаолият юритаётган ОТМда амалга оширилаётган инновацион фаолият турларини аниқланг.
2. ОТМда олиб борилаётган инновацион фаолият турлари бўйича таълим сифатини аниқлаш мезонлари асосида баҳоланг.
3. ОТМда таълим сифатини оширишга халақит беряётган асосий омилларни аниқланг ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқинг.
4. ОТМда таълим сифатини аниқлашда қандай қўрсаткичларни қўллаш имкониятингиз борлигини аниқланг.
5. ОТМ бўйича таълим сифатини ошириш бўйича режа шаклтиринг.

2-МАВЗУ: ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИННОВАЦИОН МЕНЕЖМЕНТ САМАРАДОРЛИГИ. ИННОВАЦИОН МАРКЕТИНГ

(2 соат)

Амалий машғулот мақсади:

Тингловчиларда олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлашда самарали бошқарув йўлларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича режалар ишлаб чиқиши, Таълимда инновацион менежмент усулларини қўллай олиш ва инновацион маркетинг асосида ОТМ имиджини ошириш, таълим хизматлари бозоридаги рақобатбардошликтини ошириш мақсадида маркетинг воситаларини қўллай олиш ва сифатни таъминлаш мақсадида чора

тадбирлар ишлаб чиқиши бўйича малака ва кўникмаларини шакллантириш.

Амалий машғулотни ўтказиш тартиби:

Машғулот режаси бўйича назарий материаллар таҳлил қилиниб, кичик гурухлар ёки жуфтликларда таълим сифатини таъминлаш, уни ошириш бўйича, таълимнинг замонавий хусусиятларидан келиб чиқиб, янги педагогик технологиялар ёки интерактив усуллардан фойдаланган ҳолда берилган топшириқлар бажарилади.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР УЧУН МАТЕРИАЛЛАР:

ОТМда инновацион сиёsat уч йўналиш бўйича ўтказилиши мумкин:

1. Мазмунини янгилаш, яъни бу ерда компетенцияни ривожланиши назарда тутилган. Бу мазмун яхши тизимлаштирилган ва мультимедия ўкув кўлланмалар шаклида кўрсатилган бўлиши лозим.

2. Замонавий ўкув усулларини тадбиқ этиш – ўзаро ўргатувчи ва ўкув жараёнига тадбиқ этувчи компетенцияни шаклланишининг фаол усулларини кўллаш.

3. Информацион, технологик, ташкилий ва коммуникацион жиҳатларни ўз ичига сиғдирган ўқитишининг замонавий инфратузилмасини тузиш.

Таълим тизимида инновацион йўналишилар ва уларга мос келадиган технологиялар замонавий долзарб масалаларга таъсири:

- ✓ Амалий тадқиқотларнинг шаклланиш кўникмалари, профессионал очимларни қабул қилишга ёрдам беради;
- ✓ Билимларни самарали ўзлаштириш имконини яратади ;
- ✓ Билимларни тўплашдан мустақил таълим олиш механизмларини яратиш ва тадқиқот фаолияти кўникмаларига ўтиш жараёни ривожлантириш имконини яратади;
- ✓ Талабаларнинг қобилиятларини шакллантириш ва уларда билим кўникмаларини мустаҳкамлайди;
- ✓ Ижодий ва касбий билим қобилиягини ривожлантиради;
- ✓ Талабаларнинг социал мослашуви учун психологик шарт шароитлар

яратади.

Инновацион менежмент фаолиятни тартибга солиш учун тузилган ташкилий тузилма илмий-инновацион фаолиятни концентрациялаштириши ва мувофиқлаштириши лозим бўлади. Ўз навбатида, мазкур таш-килий тузилма муайян талабларга жавоб бериши ҳамда алоҳида вазифаларни бажариши зарур.


Сўнгги йилларда таълим тизимишинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қилинган ишлар ҳажми ўсиб бормоқда, бу эса олий мактаб ишида муҳим ижобий омил ҳисобланади. Истиқболда ҳам олий мактабни бюджет томонидан молиялаштириш ҳолатида сезиларли ўзгаришлар бўлмаслигини тушунган ҳолда, Ўзбекистон ОЎЮлари тармоқли вазирликларнинг бевосита кўмагида ўзларининг моддий базаларини мустаҳкамлаш бўйича фаол иш олиб бормоқдалар. Масалан, турли молиялаштириш манбаларидан, ички ва ташқи резервлардан фойдаланиш, маблағларни оқилона ишлатиш ва ноанъанавий бошқарув қарорларини қабул қилиш эвазига охирги йилларда ўқув, илмий-ишлаб чиқариш майдонларини анча кенгайтириш, ўқув ва илмий бўлинмаларни замонавий асбоб-ускуналар ва компьютер техникаси билан таъминлашга эришилди.

Сўнгги йилларда молиялаштиришнинг турли шакллари бўйича ассигнацияларни тақсимлашда аста-секин янада такомиллашган шаклларга – илмий-техник дастур ва грантларни молиялаштиришга ўтиш тенденцияси кузатилмоқда.

Дастур - ресурслари, ижрочилари ва амалга ошириш муддатлари бўйича илмий-тадқиқот, ишлаб чиқариш, ижтимоий-иктисодий, ташкилий-хўжалик ҳамда бошқа мақсадли вазифаларни самарали ҳал этишни таъминловчи чора-тадбирлар мажмуаси тушунилади.

Program – understood as effective solution complex which provides resources, in terms of the implementation of the performers and the scientific research, production, socio-economic, organizational and economic objectives, and other measures.

ХХ асрнинг охирларига келиб технология ва бозорни ўзида мужассамлаштирган янги инновация жараёнининг чизиқсиз модели пайдо бўлди. Ушбу модел орқали инновация жараёнининг изчиллиги, характеристи, унинг тескари алоқаси ўз ифодасини топади (9-расм).



9-расм. ОТМда инновация жараёнларини амалга ошириш модели

Инновацион фаолият обьекти интеллектуал мулк, янги материаллар ва таркибий қисмлар, янги маҳсулотлар, янги жараёнлар, янги бозорлар, товар ва хизматларни силжитиши янги усуллари, бошқарувнинг янгича ташкилий шакллари ҳисобланади.

Инновациялар яратиш мамлакатимизда доимо муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган. Инновацияларни тижоратлаштириш эса ёки мукаммаллашмаган, ёки умуман бўлмаган. Бироқ бугунги кунга келиб, рақобат курашида инновациялар ишлаб чиқариши эмас, уларни амалий қўллашни ташкиллаштира оладиганлар ғолиб келмоқда.

Республика даражасида дастурни ишлаб чиқиш ва бажариш учун муаммоларни танлаш қуйидаги асосий шартларга риоя этган ҳолда амалга оширилиши лозим:

- йирик таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва тармоқ иқтисодиёти, алоҳида минтақалар иқтисодиёти, таълим тизими ва ижтимоий соҳани ривожлантириш самарадорлигини ошириш
- юқори илмий-техник ютуқларни кенг миқёсда ёйиш ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш
- илмий-техник дастурлар ва лойиҳаларни молиялаштириш
- умумий ва алоҳида дастурлар доирасидаги молиялаштириш ҳажмларини тасдиқлаш

Илмий-техник дастур ва лойиҳаларни молиялаштиришга ассигнацияларни режалаштириш «эришилган даражага мувофиқ» усулида амалга оширилади. Лойиҳаларни молиялаштириш бош ташкилотлар ёки дастурлар дирекциялари орқали, ёки бўлмаса, дастурда бевосита иштирок этаётган аниқ ижрочиларнинг ҳисоб рақамларига маблағ ўтказиш йўли билан бажарилади.

Илмий-техник маҳсулотга бўлган тўлов қобилиятига мувофиқ талабнинг давлат томонидан каби иқтисодиётнинг нодавлат сектори томонидан ҳам пасайиши таъсирида инновацион фаоллик ҳам тушиб боряпти. Ташкилотлар тайёрланаётган маҳсулотга талабнинг пасайиши шароитларида, биринчи навбатда, илмталаб маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмларини қисқартиради, кўп ҳолларда эса, уни техник жихатдан янада соддароқ ва камҳаражатлироқ қилиб алмаштиради. Қоидага кўра, бундай маҳсулот маҳаллий бозордан ташқарига чиқа олмайди.

Инновацион таълимнинг ривожланиши принциплари:

- Таълим ва амалиётнинг ўзаро узвий боғлиқлигини таъминлаш, кадрларни амалиётда ишлашга тайёрлаш;
- Илм-фан ютуқларини таълимга кенг жорий қилиб бориш;
- Таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш, ҳаёт мобайнида

узлуксиз таълим;

- Битирувчиларнинг корпоратив ҳамкорлигини таъминлаш, таълим муассасалари анъаналарини шакллантириш ва ривожлантириб бориш;
- Таълим ва тарбияни қўшиб олиб бориш, юксак аҳлоқий фазилатларни тарбиялаш;
- Юксак маънавий фазилатларга эга бўлган интеллигенцияни тарбиялаш, жамиятда олий маълумотли мутахассисларнинг юқори нуфузини таъминлаш.

Инновацион тенденциялар:

- Университетларда бошқарув тизимининг ривожланиб бориши, корпоратив бошқарув методларидан кенг фойдаланиш;
- Таълим муассасалари моддий-техника базасини модернизация қилиш, ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан таълим жараёнида самарали фойдаланиш, масофавий таълимни жорий этиш.
- Таълим муассасаларининг минтақавий ва халқаро миқёсда интеграциялашуви, таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг ривожланиб бориши;
- Таълим муассасаларини молиялаштириш манбаларининг кўпайиб бориши, бюджетдан ташқари молиялаштириш;
- Таълим сифатини бошқаришга халқаро стандартлар талабларини жорий этиш.

Тизим сифатида инновация ташкилотининг тадрижий ривожланиши унинг диверсификациялашув қобилиятига боғлиқ. Айнан диверсификация корхона ичида ва улар ўртасидаги камчиликларни камайтиради. Ҳар хил индивидуал бозор талабларига бўлган сезувчанликнинг вужудга келиши сифатида диверсификация, дастлаб, товар турлари ҳар хил маҳсулотларнинг самараси асосида ривожланган. Инновация ташкилотларида диверсификациялашув қобилияти, биринчи навбатда, ташкилот ичида ўзгаришларга (ишлаб чиқариш кувватларидан ҳар хил мақсадларда фойдаланиш, ахборотларни корхона ичida узатиш, билимлар, бир ишлаб чиқаришдан иккинчи ишлаб чиқаришга ўтишда ноу-хаудан фойдаланиш ва ҳоказоларга) боғлиқ.

Корхонанинг турли-туман диверсификациялаш шаклларига ўтиш қобилияти асосий тармоқлар, технология ва маҳсулот турларига қараб амалга ошади. Инновация ташкилотларида диверсификациялашувнинг асосий хусусияти инновацион ривожланишининг лидери бўлган янги технология ва юқори технологик ишлаб чиқаришнинг ҳар хил тармоқларида таянишда ифодаланади. Бундай ёндашув маҳсулотнинг рақобатбардошлигини қўллаб-қувватлаш ва янги рақобатда устунликларга эга бўлишнинг зарур шарти ҳисобланади.

Корхонанинг имкониятидан фойдаланиб етарли даражада даромадга эга бўлган корхона, одатда, диверсификацияни амалга оширмайди. Бунда корхонанинг ўсиш салоҳияти пасаяди. Лекин бозорнинг тўйиниши, ишлаб чиқаришнинг келажакда қисқариб бориши билан ва янги технологияларнинг вужудга келиши билан йирик корхоналар тармоқ доирасидан чиқиб кетадилар ва инновация асосида табақалашган (хилма-хил) маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таклиф этадилар. Шундай қилиб, корпорациянинг ўзи бозорларни, фан сигими юқори бўлган ишлаб чиқаришни, инвестиция оқимини боғлайдиган марказ бўлиб қолади.

Янги ишлаб чиқариш ва тармоқларнинг “ўзаги” рақобат структураларини яратади, илмий тадқиқот ишланмаларига йирик инвестицияларни сарфлайди, натижада сотиш миқдори ошиб боради. Диверсификация жараёни корхона “ичида” (японча йўл) бошланиши мумкин ёки ташқарида бир-бирига қўшилиши, бир-бирини ютиб юбориш ёки сотиб олиш билан (америкача йўл) вужудга келиши мумкин.

Инновацион фаоллик ва иқтисодиётнинг глобал миқёсда ахборотлар билан таъминланиши, компания ва корпорацияларни ташкил этиш XX аср давомида шаклланган тамойилларни тубдан ўзгартириб юборди. 1990 йилларда иқтисодиётда марказий органлар ваколатларининг қисқариб бориши (децентрализация) тенденцияси дастлаб кичик бўлинмаларда, меҳнат жамоалари ва ижтимоий ташкилотларда кенг тарқалди. Бу вақтда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларида ишчилар фаолиятини мувофиқлаштиришга ҳаракат катта аҳамиятга эга бўлди ва энг муҳим вазифа иқтисодий жараёнларни

такомиллаштириш – илмий изланишлар билан банд бўлган ходимни ижод қилишга ўргатишдан тортиб то юқори технология асосидаги ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва виртуал компанияларни яратишдан иборатдир. Биринчи марта инновация фаолиятининг ташкилий шакллари ўз-ўзини бошқарадиган ишлаб чиқариш ассоциациялари доирасида вужудга келди. Айнан, шу ерда юқори даражада ижодий (креатив) салоҳиятдан фойдаланиш имконияти пайдо бўлди ва технологик ва социал тараққиётни жадаллаштириш мумкин бўлди

Интеллектуал капитал мулк обьекти сифатида ишлаб чиқариш воситаларидан ўзининг хусусиятларига қараб фарқланади: у жисмоний жиҳатдан холи бўлиб, бошқа кишиларга ёки ташкилотларга сотилганда ёки ахборот сифатида берилганда бевосита билимлар мулк эгасида қолади. Интеллектуал капиталнинг бундай хусусияти ёлланган ақлий меҳнат иш кучларини ўқитиши, билим бериш ва салоҳиятини ошириш учун катта миқдорда инвестиция оқими жалб этилишини талаб этади. Шунинг учун бугунги кунда интеллектуал меҳнатнинг муҳим хусусияти – унга бир киши ёки биргаликда эгалик қилиш ҳисобланади.

Интеллектуал меҳнатга давлат ва муниципиал ташкилотлар, хусусий фирма ва ижтимоий фонdlар ўз маблағларини сарфлайдилар. Мавжуд қонунлар уларга тўғри ва эгри солиқар, фоизлар кўринишида фойда олишни кафолатлайди. Интеллектуал капитал унинг эгаларига даромад келтиради. Мулк эгаси ва ундан фойдаланувчи, асосий қисми номоддий бўлган воситаларга эгалик қиласидан бозор қонуни асосида ўзига хос бўлган товар маҳсулотнинг эгаси сифатида намоён бўлади ва маҳсулотга бўлган талабнинг юқори бўлишидан манфаатдор бўлади. Давлат тасаруффида бўлган ҳолат оддий такрор ишлаб чиқариш жараёнига тўсиқ бўлади. Айниқса, бундай ҳолат бозор иқтисодиёти суст ривожланган давлатларга хос.

Ривожланган давлатларда интеллектуал капитални яратилиш технологияси, унинг жамғарилиши ҳамда ишлаб чиқариш воситаларининг жисмоний ва маънавий эскиришининг обьектив қонуниятлари ушбу капиталга катта миқдорда инвестицияларни талаб этади. Бу ҳолда инвестициялар самарадорлигини асосий

мезони фойдаланилаётган капиталдан олинадиган юқори фойда нормаси хисобланади. Замонавий иқтисодиёт интеллектуал мулкнинг маълум объектидан фойдаланадиган юқори технологияга асосланади. Шунинг учун интеллектуал бозор қайта тикланувчи интеллектуал ресурсларни қўллайдиган иқтисодиётнинг юқори дарамодли соҳалари учун шароитлар яратиш имконини беради.

Интеллектуал мулк – қилинган ихтирони буюм сифатида намоён қилиш ёки бадиий асар нусхаси сифатида исталган шаклда тақдим қилинган ҳамда бу асарларни оқибатда қайта тиклаш имконини берувчи интеллектуал ижодий фаолият натижасини қўллашнинг ягона хукуқидир.

Интеллектуал мулк объектидан фойдаланиш хукуқи, авваламбор ундан нусха қўчириш (такрорлаш, такрор ишлаб чиқариш) натижасида реал ёки патент даромадни олишни ифодалайди. Техник ёки бадиий ечимни қайта ишлаб чиқариш натижасида даромад манбаи шаклланади ва улар монополия кўринишига эга бўлади. Интеллектуал мулк мулк эгасининг монопол хукуқини ифодалайди. Интеллектуал мулкка эгалик қилиш хукуки монопол фойдага эгалик қилиш деган маънони англатади. Интеллектуал мулк тушунчasi, 1967 йилда Стокгольм конвенцияси қарори асосида қабул қилинган. Айнан, шу вақтда Халқаро интеллектуал мулк ташкилоти (ХИМТ) ташкил этилди. ХИМТни ташкил этишдан мақсад интеллектуал мулкка мintaқавий, миллий тус бериш ва миллий қонунларни келишган ҳолда бир хил нормага келтириш эди (6-жадвал).

Муаллифлик хукуқи объектлари	Саноат мулки объекти	Илмий кашфиётлар	Ўзига хос объект
Илм-фан натижалари, компьютер дастурлари, маълумотлар базаси, тўплам ва бошқалар	Ихтиrolар, саноат намуналари, фойдали моделлар, “ноу-хау.”	Конунлар	Тармоқлар индистриализацияси
Адабий асарлар: адабиёт асарлари, ўқув қўлланмалар, сценарий ва бошқалар.	Товар ва хизмат кўрсатиш белгилари, товар ишланган жой номи	Конуниятлар	Селекция ютуқлари
Санъат асарлари: мусиқали, кино, видео, тасвирий санъат асарлари ва ҳ.к.	Фирма номлари, фирмом рақобатни йўқотиш	Самаралар	Маънавият

6-жадвал. Интеллектуал мулк ва унинг турлари.

Интеллектуал мулк таркиби бу ташкилот конвенциясида аниқлаб берилган. Конвенциянинг 2-бандига биноан интеллектуал мулк ҳуқуқига қуидагилар эга бўладилар:

- адабий, бадиий, илмий асарлар;
- артистлар ижро фаолияти;
- радио ва телекўрсатувлар, овоз ёзиш;
- инсон фаолиятининг барча соҳаларига тегишли бўлган ихтиrolар;
- илмий кашфиётлар;
- саноат намуналари;
- товар, хизмат кўрсатишнинг белгилари, фирма номлари ва тижорат белгилари;
- фирмом рақобатдан ҳимоя қилиш.

Халқаро ҳуқуққа биноан интеллектуал мулк икки қисмдан ташкил топади:

- a) саноат мулки ҳуқуки;
- б) адабий ижод асарларига бўлган ҳукук.

Саноат мулкининг объектлари:

- 1) ихтирога бериладиган патентлар;
- 2) фойдали модель гувоҳномалари;
- 3) саноат намуналари патентлари;
- 4) товар, хизмат кўрсатиш белгилари гувоҳномалари;
- 5) фирма номлари (юридик шахснинг расмийлаштирилиши ҳақидаги гувоҳнома);
- 6) товар ишлаб чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуки ҳақидаги гувоҳнома;
- 7) “ноу-xay”.

Авторлик ҳуқуки объектлари:

1. Илмий мақолалар, шу жумладан, диссертация, монография, мақолалар, илмий - тадқиқот, конструкторлик, технологик лойиҳа ишлари, ҳисоботлари.
2. Адабий, драматик, мусиқий-драматик, сценарий асарлари;
3. Хореографик асарлар ва пантомималар;

4. Матн ва матнсиз мусиқали асарлар.
5. Аудиовизуал асарлар, рассомлик асарлари, ҳайкалтарошлиқ, графика, дизайн ва тасвирий санъатнинг бошқа асарлари.
6. Тасвирий-амалий санъат асарлари
7. Архитектура, шаҳарсозлик, боф ва парклар яратиш санъати.
8. Фотография санъати ва шунга ўхшаш усуллар билан бажарилган асарлар.
9. Географик, геологик ва бошқа хариталар, география ва типографияга тааллукли планлар, эскизлар ва пластик асарлар.
10. Компьютер дастурлари.
11. Интеграл микросхема топологияси.

Саноат мулки обьекти. Ўзбекистонда саноат мулки, обьект турлари ва уларни хуқуқий ҳимоялаш йўллари белгиланган:

1. Ихтиrolар – қурилмалар, моддалар буюмлар, микроорганизмлар штамплари, ўсимликлар ва жониворлар хужайралари; кўrsatилган обьектларни янги мақсадда қўллаш.

Ихтиrolар илмий гоялар янги техник қарорларда гавдалантирилган ҳолда юқори техника даражаси ва маҳсулот сифатини оширишга йўналтирилади.

2. Фойдали модель мавжуд қонун асосида ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол воситаларини, уларни ташкил этувчи қисмлардан амалий ҳолда фойдаланишни ифодалайди.

3. Саноат намунаси товарнинг ташки кўринишини ифодалайдиган бадиий конструкторлик қарори, техник даражаси билан биргалиқда товарнинг ташки кўриниши маҳсулотнинг рақобатбардошлигини белгилайди.

4. Товар белгиси. Товар белгилари, хизмат белгилари, товарлар ишлаб чиқилган жой номлари, қонунига биноан товар белгиси “хизмат кўrsatish белгилари” битта юридик (ёки жисмоний) шахснинг товар ва хизматлари бошқа юридик (ёки жисмоний) шахс маҳсулотидан фарқлаш белгилари деб кўrsatилган.

Товар белгиси маҳсулотнинг унга тегишли кафолати ва аъло даражадаги реклами. Бундай белгига эга бўлиш рақобат курашида устунлика эга бўлиш,

маҳсулотни бозорда сотишни кўпайтириш имкониятини беради. Товар белгисига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва ноқонуний фойдаланишни тақиқлаш мумкин.

5. Товар ишлаб чиқарилган жой номи товарни ишлаб чиқарилганини ифодалайдиган географик жойлар номидир (мамлакат, аҳоли пункти, жой). Бунга нафақат янги жой номлари, балки тарихий номлар ҳам киради.

Товар белгиси ва товар ишлаб чиқарилган жой номи интеллектуал мулк обьектлари бўлиб, ўзининг вазифаларига қараб маҳсулотни маркаларга ажратишга мос келади ва истеъмолчига маҳсулотни кайси худуд ва қаерда ишлаб чиқарилганлиги ҳақида маълумот беради. Шунга қарамасдан:

- товар белгиси унинг эгасига тегишли бўлиб, айнан шундай товарни ўзга ишлаб чиқарувчилар бу белгилардан фойдалана олмайдилар;
- товар ишлаб чиқарилган жой белгиси шу ерда жойлашган ва шу ер учун маҳсус бўлган товарлар ишлаб чиқарилаётган, уни тайёрлаш учун шу ердан, табиий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланилган ишлаб чиқаришнинг барчасига тегишли.

6. “Ноу-хай”нинг ҳозирги кунда техник, тижорий, бошқарув, молиявий ва бошқа кўринишлари бўлиб, улар ишлаб чиқариш амалиётида қўлланилади ва тижорий аҳамиятга эга. “Ноу-хай” саноат мулки обьекти сифатида чегара билмайди ва давлат томонидан рўйхатдан ўтказилмайди. Техник ва технологик характердаги “ноу-хай” патентланган ихтиро, товар белгиси ёки саноат на-мunasигa кириши мумкин. Бу ҳолда патент ҳуқуқи таркибига “ноу-хай” га эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам киради. Бунда “ноу-хай” га эгалик қилиш ҳуқуқи алоҳида битим асосида амалга оширилади. “Ноу-хай” моддий ва номоддий ҳолатда қандай мавжуд бўлади? Биринчи ҳолатда “ноу-хай” чизмалар, ҳужжатлар, фотоловҳалар, компьютер дастурлари ва ҳоказолар, кўринишида бўлади. “Ноу-хай”нинг бундай кўринишлари техник ахборотлар ёки техник ҳужжатлар дейилади.”Ноу-хай”нинг номоддий шаклига ходимларни ўқитишга сарфланадиган билимлар, мутахассисларга бериладиган маслаҳатлар, ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарни кузатиш ва созлашда ёрдам бериш ва ҳоказолар киради. “Ноу-хай”нинг бундай

шакли техник ёрдам, техник ва бошқарув хизматлари деб аталади.

Интеллектуал мулк обьектини ҳуқуқий ҳимоя қилишни тартибга солиш инновация жараёнларини самарали бошқаришни англатади. Патент ва муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш қонунининг механизми инновация корхоналарига рақобатда устунликни таминлаш, инновация натижаларидан фойдаланиш учун шароит яратиш, инновация маҳсулотларини сотиш натижасида шунга мувоғик равишида фойда олишни билдиради.

Мулкни ҳуқуқий тартибга солиш интеллектуал мулк обьектидан фойдаланиш муҳофазасини ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлайди. Ўзбекистонда корхоналар интеллектуал мулки обьектларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга соладиган асосий норматив ҳужжатларига:

«Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар ишланган жой номи ҳақида», “Муаллифлик ҳуқуқи ва шунга ўхшаш ҳуқуқлар ҳақида”, “Компьютер дастурлари ва маълумотлар базасини ҳимоя қилиш ҳақида”ги Қонун ва қарорлар киради. Бундан ташқари, интеллектуал мулк муносабатларини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш юзасидан тузилган халқаро битимлар тартибга солади.

Демак, қуйидаги хуносалар:

1. Интеллектуал мулк – интеллектуал мулк натижаларига жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг эгалик қилиши.
2. Интеллектуал мулк обьектидан фойдаланиш корхона ва ташкилотларга юқори истеъмол қилиш хусусиятларига эга бўлган товарларни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ва шу асосда юқори рақобатдошликка эришиш имкониятини беради.
3. Интеллектуал мулк икки қисмдан иборат: саноат мулки ва бадий ижод асарига ҳуқуқий эгалик қилиши.
4. Интеллектуал мулкнинг ҳар бир қисмини ўзининг қонунлари ҳимоя қиласи ва тартибга солади: саноат мулкини патент қонуни ҳимоя қилса, бадий мулк муаллифлик ҳуқуқи ёрдамида ҳимоя килинади .
5. Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш корхоналарга инновация

товарларини самарали сотиш имконини беради.

6. Интеллектуал мулк обьекти янгиликлар бозорига тижорат ва нотижорат кўринишида берилади. Тижорат кўринишида берилган обьект лицензия битими асосида амалга ошади.

7. Лицензия битимлари технологияни бозорга олиб чиқишининг асосий шакли бўлиб, фан ва техника соҳасининг интеллектуал фаолиятидан келиб чиқиб, улар маълум муддатга берилади.

8. Интеллектуал мулк обьектини баҳолаш, ҳисобга олиш амортизация микдорини белгилаш, бухгалтерик ҳисботи, Ўзбекистон Республикаси корхоналарининг номоддий активлари таркибига киради ва “номоддий активларни ҳисобга олиш” хақидаги бухгалтерлик ҳисоби асосида амалга оширилади.

Муносабатлар маркетинги моделини “коммуникация - фойдалилик - индивидуаллаштириш – битирувчи” кетма-кетлигига тасвирлаш мумкин.

Биринчи босқич- коммуникация, авваламбор кабул комиссияси томонидан маълумотлар йигиш бўйича катта миёсдаги ташкилий ишларни бажаришни назарда тутади. Шунингдек, бу таълим олиш жараёнида талабалар талабарининг ўзгариши таҳлили ҳамда битирувчилар тўғрисида маълумотлар йиғишни ҳам қамраб олади ва бу иш узлуксиз давом этади.


Иккинчи босқич - фойдалилик. Таъкидлаш жоиз, талаба таълим масканига фақат таҳсил олиш учун келмайди. Кўпгина таълим муассасалари буни яхши тушунади. Шунинг учун ҳам рекламаларда спорт тўгараклари, бой маданий ҳаёт ва бошқалар тўғрисида маълумотлар кўплаб берилади.

Учинчи босқич талаба ҳаётини индивидуаллаштиришни (ҳам ўқиш, ҳам яшаш маъносида) назарда тутади.

Тўртинчи босқич олдинги босқичларда амалга оширилган ҳаракатларнинг натижаси ва битирувчининг талабаликдан кейинги ҳаётига қаратилади.

Ўзаро алоқалар маркетинги концепцияси таълим соҳасининг барча иштирокчиларининг манфаатларини бир-бирига бөглайди. Натижада таълим хизматининг сифати ва олий ўқув юртлари (ОЎЮ)нинг рақобатбардошлиги ортади.

Ўзаро алоқалар маркетинги концепцияси ўз таркибига бир-бири билан ўзаро алоқадор учта категория: ОЎЮ, профессор-ўқитувчилар жамоаси ва истеъмолчини қамраб олган. Маълумки, давлат, корхоналар ва талаба асосий истеъмолчи сифатида қаралади.



9-расм. Таълим хизматлари маркетинги модели¹⁷.

Ф.Котлер ва К.Ф.А.Фокс берган таърифга кўра, таълим хизматлари маркетинги дейилганда “олий ўқув юртлари (ОЎЮ)нинг интилишларини рўёбга чиқариш мақсадида мақсадли бозорларда қадриятларни ихтиёрий равишда айирбошлишни юзага чиқариши пухта ўйлаб ишлаб чиқилган дастурларни ўрганиш, режалаштириш, амалга ошириш ва назорат қилиш” тушунилади. ОЎЮ учун бу - ўзаро манфаатли алоқаларни ўйғунлаштириш мақсадида таълим муассасалари билан истеъмолчилар ўртасида айирбошлиш муносабатларини ўрнатиш йўли билан таълим дастурларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва баҳолашдир.

Шундай қилиб, маркетинг концепцияси икки хил бозор: меҳнат бозори ва таълим хизматлари бозорига нисбатан қўлланилади. Айнан шу йўсинда иш юритиш таълимни модернизация қилишнинг уч асосий тамойили: таълимнинг ҳаммабоплиги, таълим хизматларининг сифати ва олий таълим муассасаси фаолиятининг самарадорлигини ва рақобатбардошлигини оширишнинг амалий ижросини таъминлашга хизмат қиласди.

¹⁷ А.А. Носова, Т.Е. Яцевич, “Маркетинг как инструмент обеспечения качества образовательных услуг ВУЗа” -// Устойчивое развитие экономики: состояние, проблемы, перспективы: сборник трудов VIII международной научно-практической конференции, УО “Полесский государственный университет”, г. Пинск, 17 октября 2014 г. / Министерство образования Республики Беларусь [и др.]; редкол.: К.К. Шебеко [и др.]. – Пинск : ПолесГУ, 2014. – С. 160-162.

Таълим маркетингининг иқтисодиётдаги аҳамияти бениҳоя каттадир, у қуидаги уч жиҳати билан ажралиб туради:

1) *иқтисодий ривожланишида таълимнинг асосий аҳамияти.* Замонавий технологиялар жамиятнинг иқтисодий ривожланишига юқори талаблар қўяди. Шундай экан уларнинг тарқалиши тизим ва аҳолининг билимлилик даражасига боғлиқ бўлади. Шунга мос равища, маркетинг таълимда илғор ғояларни тарқатиш билан боғлиқ.

2) *таълимнинг бутун иқтисодиёт тармоғи ва ҳар бир алоҳида таълим муассасаси сифатида ривожланиши.* Таълим хизматлари ва маҳсулотлари ассортименти қанчалик кенг бўлса, уларнинг сифати ва уларга эришиш имконияти, жамият ҳаёти даражаси шунчалик юқори бўлади. Шунга мос равища таълим тизими ривожланиши бевосита маркетинг дастакларини қўллашга боғлиқ бўлади.

3) таълим муассасалари одатга кўра, бюджет маблағлари ва таълим хизматларини кўрсатганлик учун олинадиган тўловлар ҳисобига фаолият юритади. Ўтиш иқтисодиётида бюджет маблағларининг чекланганлиги тўлов таълим хизматлари маркетингини ривожлантиришни талаб қиласди.

Таълимда маркетинг элементларидан фойдаланишининг зарурлигини тушуниш, аввало раҳбар ва мутахассислар орасида, яъни “маркетинг – бу замонавий бозор муносабатлари қатнашчилари тафаккурида уларнинг яшаш услуги билан бирга кечадиган муҳим элемент” эканлигини тушуниш зарур.

Таълим хизматлари ва маҳсулотлари истеъмолчилари эҳтиёжларига кўра қайта мўлжал олиш – бу аксарият таълим муассасаларида амалга ошириладиган таркибий ва технологик ўзгаршлардир. Бу таълим муассаси ходимлари фаолиятида психологик қайта қуришни талаб этади.

Бундай ўзгаришлар узоқ давом этади, ҳаттоқи агарда таълим муассасаси янги ва муҳим стратегик мақсадларни белгилаган бўлса ҳам, яъни анъанавий усулларга қайтиш бўлган қизиқиш юқори. Шундай қилиб, ҳар бир таълим муассасида ҳал этилиши лозим бўлган биринчи навбатдаги вазифа - янги таълим хизматлари ва маҳсулотлари билан жамоани ва ташкилот ишини

маркетингли мўлжал олишга мослаштириш ҳисобланади.

Таълим хизматлари ва маҳсулотлари бозорида рақобатнинг ўсиб боришини ҳисобга олган тарзда, потенциал талабни баҳолаш учун бозорни тадқиқ қилишнинг маркетинг усулларига эътиборни қаратиш зарур бўлади.

Таълим тизимида маркетинг тадқиқотларининг мақсади истиқболли таълим эҳтиёжларини аниқлаш, уларнинг қониқтирилганлик даражасини баҳолаш, истеъмолчилар хулқ-автори гипотезасини текшириш ва прогнозлаштиришдан иборат. Ушбу нуқтаи-назардан таълим эҳтиёжларини таҳлил этишда маркетинг тадқиқотларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Мос равишда иккинчи ҳал этиши лозим бўлган вазифа - маркетинг тадқиқотларини олиб бориш ва бозор истиқболларини ўрганиш бўлиб ҳисобланади.

Маркетингнинг классик элементларини фаоллаштириб, бозорни сегментлашни амалга ошириш, маркетинг коммуникациялари ёрдамида хизматларни яхшилаш ва таълим муассасаси имкониятлари ва ўрганилган таълим эҳтиёжлари борасидаги муаммоларни келишилган тарзда ҳал этиш талаб этилади. Ва, ниҳоят, маркетингли бошқариш жараёнини таълим эҳтиёжларининг таълим муассасаси имкониятлари ва маркетинг моделини шакллантириш билан мувофиқлаштириш сифатида кўриш мақсадга мувофиқдир.

Таълим сифатини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган таълим дастури, маркетинг элементлари ёрдамида жамият ва таълим бозорининг реал ва талаб этиладиган таълим натижалари орасидаги фарқни қисқартиради. У ўзида қуидагиларни намоён этади:

Таълим хизматлари маркетингининг тўртта асосий хусусияти бор:

- кўп сонли маркетинг муносабатлари иштирокчилари, уларни тўртта катта гурухга ажратиш мумкин: мижозлар, шериклар, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар;
- кўп мақсадлилик: ишлаб чиқаришда фойда максималлаштирилади, таълим мақсадини ифодалаш эса анчагина мураккаб;

- товарлар әмас, балки хизматлар ишлаб чиқарылғанлығы сабабли маркетинг стратегиясини ўзгартыш талаб этилади;
- хизмат күрсатишига жамоатчилик тарафидан катта эътибор ва бозордан ташқари тазийклар күрсатилади.

Таълим хизматлари бозори (ТХБ)ни доимий тадқиқ этиш унинг асосий элементлари - талаб, таклиф ва баҳолар динамикасини таҳлил этиш маркетинг соҳасидаги стратегиясини тўғри танлаш имкониятини беради. Бу эса таълим муассасасининг фаолиятини бошқариш самарадорлиги билан бевосита боғлиқдир. Таълим хизматлари маркетинг фаолиятининг бош вазифаси таълимга бўлган талабни аниқлашдан иборат. Таълим хизматларига бўлган талаб, бир томондан, шахснинг олий маълумот, диплом олишга, иккинчи томондан, тегишли мутахассислик бўйича малака олишга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқади. Олий маълумот олишга талабгорлар сони ҳар доим ўзларининг таълимга бўлган эҳтиёжларини ҳақиқатда қондириш имкониятига зга бўлганлардан ортиқ бўлиб келган. Бу номутаносиблиқ, биринчидан, аҳолининг тўлов қобилияти, иккинчидан, мазкур талабни тўлиқ қондира оладиган олий ўқув юртлари сонининг чекланганлиги билан боғлиқдир.

Товар ва хизматларнинг бошқа турларига нисбатан таълим ва таълим хизматлари жуда кўп омилларга боғлиқдиги билан кескин ажралиб туради. Шунинг учун ҳам таълим хизматлари ишлаб чиқарувчилари ва уларнинг истеъмолчилари ўртасидаги муносабатларга маркетинг ёндошуви нуқтаи назаридан баҳо бериш жуда ўринли дейиш мумкин.

Агарда маркетинг ёндошувини бир хил даражада ҳам давлат, ҳам нодавлат таълимига керак деб каралмас экан, бу уларнинг ҳар иккаласи учун ҳам салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Биринчидан, давлат таълим муассасалари давлат томонидан кўрсатиладиган (жуда ҳам катта микдорда бўлмаса ҳам) ёрдамга ишониб иш юритар экан, яна узоқ вақт бозорни тадқиқ этиш, ўзининг таълим хизматларини унга бўлган талабларга мое равища лойиҳалаштириш ва силжитиши билан жиддий шуғулланишга уриниб ҳам кўрмайди.

Иккинчидан, хусусий таълим, давлатнинг молиявий кўмагисиз қолгани ҳолда ўз эътиборини ўқувчиларнинг молиявий жиҳатдан бадавлатроқ (элита) гуруҳига, таълимнинг “тез етиладиган” ва “тез тугатиладиган” турлари ҳамда кўринишларига, ўзининг бозор стратегиясида таълимнинг сифатига ҳисса қўшмайдиган жиҳатларига қаратишга мажбур бўлади.

Олий таълим тизимининг рақобатбардошлигини комплекс баҳолаш учун рақобатбардошликни баҳолаш кўрсаткичлари таклиф этилди. Бу кўрсаткичларни ҳисоблаш учун куйидаги бешта гурухга тегишли: молиявий, маркетинг, сифат, ижтимоий ва функционал индикаторлар қўлланилади.

Олий таълим муассасалари тизимининг сифати омилларига куйидагилар киради:

1. Таълим маркетинги хизматлари сифати, ОЎЮнинг сифат сиёсати;
2. ОЎЮ рахбариятининг маъмур менежеолик маҳорати, ОЎЮнинг молиялаштириш ҳолати, ОЎЮга кирадиган абитуриентларнинг сифати;
3. Ўқитувчи сифати, битиравчи сифати, АРМ ва кутубхона хизмати сифати, ОЎЮнинг моддий-техника таъминоти сифати.

Таълим хизматлари бозори – миллий бозорнинг муҳим элементидир. Шу боис, таълим хизматлари бозорининг миллий иқтисодиётда тутган ўрнини ўрганиш аҳамиятлидир. Таълим хизматлари таълим тизими муассасалари томонидан таклиф этилади ва таълим хизматлари бозорида унга бўлган талаб шаклланади. Таълимнинг иқтисодий вазифаси миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларига малакали ишчи кучини тайёрлаш ва такрор ишлаб чиқаришда қатнашишда намоён бўлади. Баркамол авлодни шакллантириш жараёнида олий таълим тизимининг ўрни бекиёс.

Таълим хизматларининг бозорининг ўзига хос хусусиятлари куйидагилардан иборат:

- уларнинг ҳар хил неъмат турларига тегишли эканлиги;
- неъмат сифатида чекланмаганлиги;

- истеъмол қийматига эгалиги, таълимга бўлган эҳтиёжларни қондирувчи ўзига хос товар эканлиги (моддий тавсифга эга эмаслиги, сақлаш ва йўқ қилиб ташлашнинг мумкин эмаслиги);
- таълим хизматларининг индивидуал тавсифга эга эканлиги;
- таълим хизматларини кўрсатиш ва истеъмол қилиш жараёнининг бир вақтнинг ўзида рўй бериши;
- истеъмолчиларнинг таълим хизматларининг кўрсатилиши жараёнида бевосита иштирок этиши;
- таълимга сарфланадиган харажатлардан оладиган самарани миқдор жиҳатидан баҳолашнинг қийинлиги;
- таълим хизматларига талабнинг юқори даражада эгилувчанлиги.

Хизматлар учун умумий бўлган хусусият бу уларнинг номоддийлигидир, яъни уларни жамғариб бўлмайди. Инсон таълим хизматларини истеъмол этиб, билим, малака, кўнирма ва шахсий имкониятларни жамғаради, яъни ўзида шакллантиради.

Таълим хизматларининг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, мазкур хизматларнинг истеъмолчиларига нисбатан муайян талаблар қўйилади (масалан олий маълумот олиш учун маълум даражада билимга эга бўлиш ва унинг мавжудлигини исботлаш талаб этилади).

Маркетинг нуқтаи назаридан қараганда таълим хизматларининг муҳим хусусияти уларнинг бир вақтнинг ўзида тақдим қилиниши ва истеъмол этилишидадир.

Таълим хизматлари соҳасидаги маркетинг муносабатларининг субъектлари бўлиб таълим хизматларининг истеъмолчилари, таълим муассасалари, таълим хизматларини бевосита тақдим этувчилар, таълимни бошқариш органлари ҳисобланади. Таълим хизматлари бозорининг бошқа субъектлари, масалан, якка тартибда фаолият олиб борувчи педагоглар ҳам маркетинг элементларидан у ёки бу даражада фойдаланадилар. Педагогик фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда улар ўз хизматларининг истеъмолчилари билан доимий алоқада бўладилар, яъни

уларнинг талаб ва эҳтиёжларидан бохабар бўладилар, реклама фаолиятини олиб борадилар ва х.к.

Бозор рақобати шароитида маркетинг олий таълим соҳасини ҳам қамраб олувчи инсон фаолиятининг турли соҳаларига кенг жорий этилади. Таълимдаги маркетинг биринчи ўринда ижтимоий самарани яратишга қаратилади.

Таълим маркетинги хизматлари сифатини оширишда ОТМларда битиравчиларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлигини қўллаб-куватлаш мақсадида қўйидаги икки босқичдан иборат уч даражали тизимни таклиф қиласиз. Биринчи босқичини битиравчи таълим олган мутахассислик кафедралари ташкил этади. Бу босқичда қўйидаги ишлар амалга оширилади:

- кафедраларнинг республикадаги турли мулкчилик шаклидаги корхоналар билан алоқасини мустаҳкамлашга эришилади;
- меҳнат бозори конъюнктураси талабларига жавобан мутахассислик фанлар дастурларига тезкор ўзгартиришлар киритилади;
- кафедраларда мавжуд профессор-ўқитувчилар жамоаси таълим дастурларини ҳисобга олган ҳолда, иш берувчилар талабларига биноан қўшимча таълим хизматларини амалга оширади.

Республикамиздаги ОТМларда битиравчиларнинг ишга жойлашишларига қўмаклашиш ОТМ маркетинг бўлимларига юклатилган. Бу бўлимлар вазифалари битиравчиларнинг меҳнат бозоридаги ўрни, бу йўналишдаги долзарб муаммоларни аниқлаш ва жамоа олдидаги вазифаларни режалаштириш ва амалга оширишга қаратилган бўлиб, қатор ташкилий ишларни бажаради. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, маркетинг бўлимларида битиравчиларни ишга жойлаштиришнинг янги шакллари ва иш ўринлари топишнинг инновацион моделларини амалиётга киритиш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчи босқич таълим хизматлари маркетингги ва иш билан бандликка қўмаклашиш марказлари бўлиб, ушбу марказларни мавжуд

“Маркетинг бўлими” қошида ташкил этиш ўринлидир. Ушбу марказ битиравчиларни ишга жойлаштириш схемасини қуидаги тарзда ташкил этиши мақсадга мувофиқ:

- меҳнат бозорида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш;
- малакавий амалиётни ўтказиш бўйича шартномалар тузиш;
- мутахассислик кафедралари ўз мутахассислиги бўйича меҳнат бозорини ўрганиши ва битиравчиларга эҳтиёж ҳақидаги маълумотларни ушбу марказларга етказиш;
- талабаларнинг ўқиши даврида ва малакавий амалиётларини ўташ даврларида бўлажак иш жойларини аниқлашга кўмаклашиш;
- иш ўринларини танлаш мутахассислик ва касбий салоҳиятга мос ҳолда амалга оширилиши лозим.

Учинчи даражада ОТМлар битиравчиларини ишга жойлаштириш давлат томонидан бошқарилади. Давлат стандартларида ўкув режаларига қатор янги танлов фанларининг киритилиши натижасида буюртмачи корхоналар билан алоқани яхшилаш, амалиётларни уларда ўтказишга ва меҳнат бозорига мослашган мутахассислар тайёрлашга эришилади. Ёш мутахассисларнинг иш билан бандлигини бошқариш уларнинг ўз меҳнат қобилиятини тўлиқ намоён қилиши учун муносиб иш ўринларига эҳтиёжи ва жамиятнинг ишчи қучига талаблари мослигини таъминлашдан иборат.

Олий таълим тизимини ривожлантиришда маркетинг стратегияларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Таълим тизимини ривожлантириш бўйича маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишида ўсиш стратегиясидан фойдаланилади. У жадвал кўринишида қуида ўз ифодасини топган. Ўсиш стратегияси уч хил турга бўлинади.

Интенсив ўсиш стратегияси, бунда таълим муассасаларида бозорга чуқурроқ кириб бориш, унда фойдаланилмай қолган имкониятлардан фойдаланиш ҳисобига ўсиш назарда тутилади.

Интеграцион ўсиш стратегияси, бунда тармоқнинг бошқа субъектлари билан ҳамкорлик (вертикал ва горизонтал интеграция) алоқалари амалга оширилади.

7- жадвал.**Таълим муассасасининг ўсиш стратегияси имкониятлари.**

Страте гиялар	1.Кириб бориш стратегияси- хизматлар ҳажмини ўсиши	2.Интеграция стратегияси - стратегик альянслар яратиш	3.Диверсификация стратегияси - хизматлар номенклатурасини кенгайтириш
1	Таълим хизматлари бозорига чукурроқ кириб бориш	Касб-хунар колледжлари ва академик лицейлар билан тўғридан тўғри ҳамкорлик асосида регрессив интеграция	Концентрик диверсификация (ОЎЮларидаги турли фаолият соҳалари учун мутахассислар тайёрлаш)
2	Таълим хизматлари бозорини кенгайтириш	Прогрессив интеграция	Горизонтал диверсификация (корхоналар буюртмаси асосида кадрлар тайёрлаш)
3	Янги шакллар билин дастурни такомиллаштириш	Горизонтал интеграция (бошқа ОЎЮ билан ҳамкорлик)	Конгломерат диверсификация(тубдан бошқа хизмат турларини кўрсатиш, пуллик таълим хизматлари)

Диверсификация стратегияси, таълим муассасаларида хизматлар турларини кенгайтириш орқали ўсишга эришиш, тубдан бошқа хизмат турларини кўрсатиш, пуллик таълим хизматлари ва ҳоказолар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, таълим маркетинги стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш таълим хизматлари сифатини оширишга олиб келади.

Инновация маркетинги концепцияси бозорни ўрганиш ва корхонанинг рақобатчилик стратегиясини аниқлашнинг асоси ҳисобланади. Инновация маркетинги мажмуи инновация стратегиясини ишлаб чиқиш, бозорни таҳлил этиш ва оператив маркетингни ўз ичига олади ва бир-биридан фарқ қиласиган еттига босқичдан иборат. Инновация маркетингининг мухим кўринишларига стратегик ва оператив маркетинг киради.

Стратегик инновация маркетингининг асосий мақсади – янгиликни бозорга киритишнинг стратегиясини ишлаб чиқиш. Шунинг учун стратегик маркетинг тадқиқотларининг асосини бозор конъюктурасини таҳлил этиш билан бозор сегментини ишлаб чиқиш, талабни ташкил этиш ва вужудга келтириш,

харидорлар харакатини моделлаштириш ташкил этади. Инновация маркетинги стратегияси мавжуд бўлган товарларга қараб ажратиладиган бозор сегменти билан аниқланади. Маркетинг стратегиясининг асоси янги товарга бўлган истеъмолчиларнинг муносабатини ўрганиш асосида талабни таҳлил этиш ва башорат қилишдан иборат. Стратегик тадқиқотлар жараёнида инновация лойиҳаси раҳбари қандай, кимларга, қандай сифатдаги маҳсулотни ишлаб чиқиши аниқлаб олади. Шунинг учун, маркетинг стратегияси уни амалга оширадиган менежерлар, ижтимоий хизмат кўрсатиш ходимлари ва истеъмолчилар билан (сўровномалар олиб бориш, телефон орқали боғланиш, таништириш ишларини олиб бориш) алоқаларни ўрнатишни талаб этади.

Инновация стратегиясини ишлаб чиқишининг бошланғич босқичида маркетинг тамойилларининг биринчи вазифаси – бозорни ўрганиш. Бундай тадқиқотларнинг илк босқичида умумиқтисодий тадқиқотлар ўтказилади. Таҳлилнинг бундай тури одатда корхонанинг “ташқи мухитни” ўрганиш билан боғлиқ бўлган макроиқтисодий: янгиликка бўлган талабни, шу жумладан, аҳоли ва унинг ўсиш суръатлари, киши бошига тўғри келадиган даромадлар ва уларнинг истеъмоли, истеъмол баҳолари индекси, «истеъмолчилар саватчаси», инфляция суръатлари ва шунга ўхшаш омилларни таҳлил этиш имконини беради. Бундан ташқари, маҳсулот экспорти ва импорти билан боғлиқ бўлган, уларга квоталар белгилаш, стандартларга чекловлар қўйиш, мажбуриятлар, солиқ, субсидия ва ҳоказолар билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий шартлар ва амалдаги қонунларни ўрганиш ҳам маркетинг стратегиясининг вазифаси ҳисобланади. Бунда янги маҳсулот ишлаб чиқараётган миллий ишлаб чиқариш даражаси таҳлил этилади: импортнинг мавжудлиги ва мумкинлиги, мавжуд бўлган экспорт даражаси, импорт маҳсулотлар ўрнини босадиган товарларнинг мавжудлиги ва янгиликлар киритиш даражаси ва ҳоказолар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР:

1. Сиз фаолият юритаётган ОТМнинг асосий ривожланиш стратегияларини аниқланг.
2. Таълим муассасасининг ўсиш стратегияси ва уларнинг имкониятлари нималардан иборат эканлигини аниқланг.
3. Сиз фаолият юритаётган ОТМнинг SWOT тахлилини амалга оширинг.
4. ОТМ фаолиятида маркетинг хизматларини асосий йўналишларини аниқланг ва унга баҳо беринг.
5. ОТМ фаолиятидаги камчиликлар ва заиф томонларини қандай бартараф этиш бўйича таклилфр ёки чора-тадбирлар ишлаб чиқинг.

3-МАВЗУ: ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ ЖАХОН ТАЖРИБАСИ. ҲАЛҚАРО СИФАТ СТАНДАРТЛАРИДА ИННОВАЦИОН МЕНЕЖМЕНТНИНГ АҲАМИЯТИ (4-соат)

Амалий машғулот мақсади:

Тингловчиларда хориж тажрибалари асосида ҳалқаро таълим сифати ва сифат стандартларида қўлланиладиган мезон ва кўрсаткичлар билан таништириш асосида ҳалқаро сифат стандартларининг замонавий бошқарув услубиётларини қўллаш, жумладан ОТМда СМТни қўллаш, технопарк, тоехнополис, бизнес инкубатор каби инновацион ташкилотларни йўлга кўйиш, венчур молиялаштиришни амалга ошириш, инновацион лойиҳалар таваккалчилигида рискларни камайтириш, Ҳалқаро стандартлаштириш ташкилотлари ва сифатни баҳолаш тизими бўйича малака ва қўникмаларини шакллантириш.

Амалий машғулотни ўтказиш тартиби:

Машғулот режаси бўйича назарий материаллар таҳлил қилиниб, кичик групхлар ёки жуфтликларда таълим сифатини таъминлаш, уни ошириш бўйича, таълимнинг замонавий хусусиятларидан келиб чиқиб, янги педагогик

технологиялар ёки интерактив усуллардан фойдаланган ҳолда берилган топшириқлар бажарилади.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР УЧУН МАТЕРИАЛЛАР:

Ўзбекистон таълим соҳасида бозор ислоҳотларини амалга ошириб, хорижий мамлакатлар таълим тизими билан интеграция жараёнларини аниқ мақсадларга мувоғиқ равишда олиб бормоқда.

The implementation of market reforms in education sphere in Uzbekistan in accordance with the processes of integration the education system of foreign countries with specific purposes.

Ҳамдўстлик мамлакатларидан Россия, хорижий давлатлардан Сингапур, Буюк Британия, Италия билан олий таълим соҳасида ҳамкорлик алоқаларини амалга оширди. 2006 йилда Россиянинг М.В.Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг Тошкентдаги филиали очилди. Университет Россия МДУ давлат стандартлари асосида психология, халқаро программалаштириш ва иқтисод йўналишларида бакалавриат таълими йўлга қўйилди. Халқаро стандартларга мос равишда ўқув дастурларининг тузилганлиги, таълим сифатининг юқори даражада эканлиги, таълим-тарбия жараёнининг узлуксизлиги ҳамда энг илғор педагогик технологиялар асосида олиб борилиши университет битирувчиларининг меҳнат бозорида рақобатбардош бўлишини таъминлайди. Университетнинг замонавий компьютер техника ва технологиялари билан жихозланган аудиториялари таълим жараёнини самарадорилигига таъсир этиб, таълим сифатини жаҳон стандартларига мос равишда бошқарилиши таъминланмоқда.

Янги талим турларини жорий этиш мақсадида масофавий таълим тизимиға асос солиниб фандлардан кўп видео маъruzalар ишлаб чиқилмоқда ва видеоконференсиялар ташкил этилмоқда. Университет таянч олий ўқув юрти сифатида, чет элда ўқиб келган мутахассисларни жалб этган ҳолда,

ривожланган хорижий мамлакатлар университетлари таълим стандартлари, ўқув режалари, фанлар бўйича ўқув дастурлари ўрганилди.

Республика университетларида чет элда ўқиб келган мутахассисларни жалб этган ҳолда, ривожланган хорижий мамлакатлар университетлари таълим стандартлари, мутахассисликлар, йўналишлар, ўқув режалари, фанлар бўйича ўқув дастурлари ўрганилиб, ҳалқаро стандартлар талабига мос ҳолда замонавий таълим стандартлари, адабиётлар, ўқув режалар, ўқув дастурлар тайёрланмоқда.

At the University of the Republic with the participation of experts who have studied abroad are preparing educational programs, modern educational standards and literature, study plans in accordance with the experience of Universities of developed foreign countries.

Ўзбекистон Республикасида тайёрлананаётган йўналишлар ва мутахассисликлар стандартлари, ўқув режалари, дастурлари билан солиширилиб таҳлил этилди ва унинг асосида мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди, фанлар бўйича дастурлар такомиллаштирилди. Ортирилган тажрибалар асосида дарсликлар ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда хорижда ва республикада чоп этилган ўқув қўлланма, дарсликлар, бошқа олий ўқув юртлари олимларининг илмий изланишларининг қиёсий таҳлили берилди. Дарсликлар, ўқув қўлланмалар Республикада қабул қилинган ҳукуматнинг енг сўнгги қарорлари, меъёрий ҳужжатлари ва бошқа инструктив маълумотлар билан бойитилди, адабиётлар рўйхатига 2005 йилдан кейин Россия ва хорижий мамлакатларда чоп этилган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ВЭБ сайтлар киритилди, глосарийлар бойитилди.

Хориждаги илғор ғояларни ва таълим усулларини утказиш учун университетнинг хорижий олий ўқув юртлари билан алоқалари фаоллашмоқда. Жанубий Корея, Голландия, Россия, Австрия, Англия, АҚШ,

Япония давлатларининг етакчи профессорлари университетга келиб инглиз тилида машғулот ўтишмоқда. Халқаро Бизнес, Халқаро Иқтисодий Муносабатлар факултетларида машғулотлар инглиз тилида ўтилиши ташкил этилган. Мунтазам равишда профессор-ўқитувчилар учун педагогик (кейс) технологияларни яратиш бўйича семинар тренинглар ўtkазилади. Машғулотларни интерактивлигини ошириш мақсадида ахборот технологиялари ва замонавий педагогик технологияларни қўлаш бўйича ўқитувчилар ва талабалар учун махсус ўкув қўлланмалар яратилди.

Жаҳон олий таълим тизими тажрибаси. Жаҳондаги кўплаб мамлакатларда олий ўкув юртлари ўрта умумий таълим тизимидан кейинги, навбатдаги таълим босқичи ҳисобланади. Олий таълим мактабларининг кўпчилигига ўқиши муддати 2 йил ёки ундан кўпроқ бўлиб уч циклда ёки босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқич таълими 3-4 йил (ёки кўпроқ) давом этади ва битиruvchilarга бакалавр дипломи берилади (АҚШ, Англия, Япония, Австарлияда). Францияда биринчи босқич олий мактабни битиruvchilarга метриз Белгияда лисанс узвони берилади.

The first stage of study for 3-4 years (or more) and graduates receive a bachelor's degree (US, UK, Japan, and Australia).

Иккинчи босқич олий таълим мактабларига биринчи циклни тутатган битиruvchilarning 10-25 фоизи қабул қилинади.

The second stage – Higher Education Institutions accept 15-25 percent which have finished the first cycle.

Масалан кўрсаткич АҚШда - 20, Буюк Британияда -15, Австралияда – 7, Австрияда -10, Японияда - 6 фоизни ташкил қиласди. Бу даврда танланган ўйналиш бўйича ихтисослаштирилган умумий фундаментал билимлар ўқитилади (Англия, Испания, АҚШ). ГФР, Франция, Белгия каби мамлакатларда эса иккинчи босқич олий таълим мактаблари талабалари анча

мукаммал ва муайян мақсадга йўналтирилган билимларни эгаллайдилар. Лекин ҳали улар тор профилдаги юқори малакали мутахассис унвонини олиш учун иккинчи циклдаги ўқишиларини яна ихтисослаштирилган курсларда 1-2 йил давом эттиришлари мумкин. Муайян ихтисосликлар бўйича махсус имтиҳонлар 3 йиллик амалий иш фаолиятидан кейин ҳам топширилиши мумкин. Олий мактабларининг иккинчи босқичида ўқиш 1-2 йил давом этади. Бу циклни битирган талабаларга магистр унвони берилади (АҚШ, Буюк Британия, Япония, Австралия).

Франция ва Белгияда магистр унвони маълум мутахассисликлари чуқур ўрганувчи курсларнинг битиравчиларига ҳам берилади. Магистрлик таълим мининг ўзига хос хусусиятларидан бири ўқув дастурларини индивидуал-лаштирилганлигидир. Бунда ўқув дастурлари талабалар ва уларнинг илмий раҳбарлари томонидан тузилади ва кафедралар, деканатлар томонидан тасдиқланади. Магистратурани битирган ёшлар докторантурага киришга ҳуқуқига эга бўладилар.

Учинчи босқичи олий таълимнинг бу - докторантурадир. Бунга асосан иккинчи босқич олий таълим мактабларини мувафақиятли битирган талабалар қабул қилинади.

The third stage of the higher education – doctorate. Generally accepted those students who have successfully completed the second stage of education in higher education.

Ўқиш муддати мутахассислик турига кўра 1-3 йил. Докторантурага биринчи цикл олий таълим мактабларини битирганлар ҳам кириши мумкин. Лекин бу ҳолда ўқиш муддати 3-5 йилгacha узайтирилади.

Биринчи цикл олий таълим қоидаларига биноан мутахассислик бўйича умумий билимлар беришга йўналтирилган. Таълимни алоҳида ихтисосларга бўлиб ташкил қилиш, одатда, 3-курсдан бошланади. Тор мутахассислар бўйича кадрлар тайёрлаш факат учинчи циклдагина амалга оширилади. Кўп босқичли олий таълим тизимининг бундай ўзига хос хусусиятлари англо-америкача ва французча моделларда жаҳон бўйича кенг тарқалган. Олий

таълимнинг англо-америкача тизими АҚШ, Буюк Британия, Ҳиндистон, Австралия, Янги Зелландия, Япония, Истроил ва бошқа мамлакатларда мавжуд.

Биринчи цикл олий ўкув юртларидағи ўқиши муддати турли мамлакатларда турлича. Масалан, АҚШ да 4 йил, Буюк Британияда 3 йил. Магистрлик даражасини олиш учун яна 2 йил ўқиши лозим (айрим ихтисосликлар бўйича 1-1,5 йил). АҚШдаги қатор муҳандислик олий мактабларида бакалаврлик дипломини 5 йиллик тизимдан кейин олиш мумкин. Тиббиёт соҳасида биринчи докторорлик дипломини (стоматология, ветеринария соҳалари бўйича) олиш учун эса 8 йиллик таълим жорий қилинган. Японияда эса бакалаврлик даражасини 4 йиллик таълимдан сўнг олиш мумкин (тиббиёт мутахассисликлари эса бундан мустасно), магистрлик даражасига teng дипломни олиш учун яна 2 йиллик таълим дастурини ўташ лозим.

Таълим тизимидағи қўлланиладиган моделлар. Олий таълимнинг француз модели Франциядан ташқари Белгия, Швецария, Норвегия ва бошқа мамлакатларда жорий қилинган. Бу тизим талабаларнинг синчиклаб танлаш асосида қабул қилишни кўзда тутади. Талабалар дастлабки 1-3 йилда умумий дастурлар орқали таълим олиш билан бир қаторда бўлажак тор ихтисосликларни танлашда фаол иштирок этадилар.

Кўп босқичли француз олий таълим моделининг ўзига хос ҳусусиятлари куйидагилардан иборат:

1. Француз университетларида таълимнинг дастлабки икки йилида қатор мутахассисликлар учун ягона ўкув дастурлари мавжуд.
2. Университетнинг 2-курсини тутатиб, тегишли гувоҳнома олган талаба шу университетнинг 3-курсини ўзи танлаган мутахассислик бўйича ўқишни давом эттириши ёки бошқа университетга ўтиши ва ёки ўқишни элитар ўкув юртлари (Гранде Есоле- катта мактаб, Есоле Нормале- оддий мактаб)да давом эттириши мумкин.
3. Университетнинг 3-курсини битирган талабалар “лисанс” дипломини оладилар. Бундай дипломни олган талабалар ўқишиларини 4-курсда давом

эттириш ёки ўқиши ташлаб ўз мутахассисликлари бўйича амалий иш билан шуғуланиш хукуқларига эгадирлар. 4-курсни тамомлаган талабалар эса “метриз” дипломини оладилар.

4. “Метриз” дипломи унинг эгасига тўлиқ олий маълумот олганлигидан далолат беради.

5. Францияда магистрлик дипломининг ягона нусхаси йўқ.

Шунингдек, француз олий таълим тизимидағи иккинчи цикл таълимнинг маҳсус атамаси, номи ҳам йўқ. Иккинчи цикл дейилганда одатда 4 йиллик биринчи цикл олий таълимидан сўнг келадиган навбатдаги босқич тушунилади холос. Французча олий таълим моделинингкинчи цикли 1-2 йиллик таълимни ўз ичига олиб, уни битирувчилар танлаган мутахассислиари бўйича чукур билимларни ўргангандилари ҳақида маҳсус иҳтисос дипломини оладилар.

Мутахассисликни билдирувчи диплом (масалан, 2 йиллик ўқишдан кейин бериладиган технология соҳасидаги университет дипломи) олий таълим тизимидағи 3 циклли таълим тизимининг бирини битирганликдан далолат беради. Масалан, иҳтисослаштирилган олий ўқув юртининг 5 йиллик курсини битирган талаба муҳандислик дипломини олса университетнинг дастлабки 1 циклини тамомлаган талаба яна 3 йиллик курсни битиргандан сўнггина шундай диплом эгаси бўлиши мумкин.

6. Иҳтисослаштирилган олий ўқув юртларида маълум соҳа мутахассислик дипломини берувчи ёки докторантурага кириш хуқукини берувчи 1 йиллик қайта тайёрлов курсларининг кенг тармоғи фаолият кўрсатади.

Германияда эса олий таълим кенг миқёсда бирон касбга йўналтирилгани билан (худди Россиядагидек) англо-америкача в афранцузча моделлардан фарқ қиласи. Бу ерда, хатто, олий таълимнинг циклларга бўлиниши ҳам мавжуд эмас. Таълим жараёни 4 йилдан 6 йилгача муддатда амалга оширилиб, буларнинг ҳаммаси англо-америкача ва французча олий таълим тизими талабларига унчалик мос келмайди. Олмон олий ўқув юртларида амалга

ошириладиган 5-6 йиллик олий таълим халқаро стандарт нормалариға кўра англо-америкача ва французча олий таълим тизимининг биринчи циклига (бакалавр даражасига) мос келади холос. Шу сабабли кейинги йилларда герман олий ўқув юртларининг дипломлари аҳамиятини кўтариш мақсадида олий таълимнинг дастлабки босқичини қисқартириш яъни 4 йиллик қилиб белгилаш ҳақида таклифлар киритиляпти.

Олий таълим тизими ички тузилмалари:

Олий таълим тизимини ташкил қилишдаги ва таркибидаги қатор миллий хусусиятлар бошқа Европа мамлакатларида ҳам мавжуд.

Дания университетлари 4 йиллик олий таълимдан сўнг ўз битиравчиларига асосий даража хисобланган номзодлик дипломини берадилар. Лекин бундай диплом муҳандислик мутахассисликларини эгалловчиларга 5 йиллик таълимдан сўнг, тиббиёт мутахассисларига 8 йиллик олий таълимдан сўнг берилади. Магистр дипломини олиш учун яна 1-2 йил ўқиш лозим бўлади. Олий техника мактаби битиравчиларига (3-4 йил) муҳандислик ихтисослиги бўйича диплом берилади (лекин муҳандис-қурувчи дипломини олиш учун эса 5 йил ўқиш лозим бўлади).

Ирландияда гуманитар фанлар ва тижорат соҳасида 3 йиллик, тиббий фанлар ва турли муҳандислик мутахассисликлари учун 4 йиллик, қишлоқ хўжалиги, стоматология, ветеринария соҳалари учун 5 йиллик, тиббиёт бўйича 6 йиллик ўқув дастурларини ўзлаштириб бакалаврлик даражасига эга бўлиш мумкин. Магистратурага бакалавр дипломи билан кирилиб, у ердаги таълим муддати қуйидаги жиҳатлари билан характерланади: гуманитар фанлар ва тижорат -1 йил; педагогик фанлар-2 йил; муҳандислик фанлари-1,5-2 йил ; табиий фанлар - (кимё) ва тиббиёт – 4-6 йил.

Грецияда олий таълим асосан 4 йиллик бўлиб, айрим соҳалар бўйича ўқиш муддати бироз узунроқ; муҳандислик ва стоматология – 5 йил, тиббиёт – 6 йил. Бошланғич синф ўқитувчилари, мактабгача тарбия муассасаларининг тарбиячилари университет мақомида бўлмаган Педагогик Академия деб

аталадиган 4 йиллик олий ўқув юртларида тайёрланади. Ўрта мактаб ўқитувчилари эса университетларда тайёрланади.

Швецияда ҳам олий ўқув юртлари 4 йиллик, магистратурда ўқиш муддати эса 1 йил. Шундай қилиб олий таълимни ташкил қилишдаги Европа мамлакатлари ўртасидаги бир хил ёндошув унинг қўп босқичлилигига, таълим муддатларини белгилашда, олий таълимг асосан ёшларни (баъзан катталарни ҳам) жалб қилишда кўзга ташланади.

Лотин Америкаси мінтақаси бўйича ёшларни олий таълим мактабларига жалб қилиниши ҳақидаги рақамлар эътиборга моликдир, бу мінтақада 18-23 ёшлардаги аҳолининг 27 фоизи олий ўқув юртларида ўқийди. Бу қўрсаткич Аргентина ва Уругвайдага 44 фоиз, Венесуела, Коста-Рика, Панама, Перу, Еквадор ва Чилида 25 фоиз, Бразилия ва Мексикада 15 фоизни ташкил қиласди.

Олий ўқув юртларнинг кадрлар тайёрлашдаги инновацион фаолияти

Хозирги кунда хорижий мамлакатларнинг олий таълим соҳасидаги олиб бораётган давлат сиёсалари қўйидаги жиҳатлари билан характерланади:

Хусусий олий ўқув юртларини ташкил қилиш, уларни ривожлантириш борасидаги амалий ишлар давлатлар томонидан қўллаб қувватламоқда (чунки бу соҳага давлат ва маҳаллий бюджет кўмагидан ташқари, йирик хусусий сармояларни ҳам жалб қилиш имконини беради) Бундай ёндошув айниқса АҚШ, Япония ва Францияда кўзга яққол ташланади.

Олий ўқув юртлари давлат тасарруфида бўлган давлатлар алоҳида ажралиб туради (Германия, Австрия, Дания, Греция). Бу давлатларда хусусий олий ўқув юртлари черков тасарруфида бўлиб, улар 2-3 фоизни ташкил қиласди.

Хусусий олий ўқув юртлар тизими кенг ривожланаётган мамлакатлар (АҚШ, Япония, Франция). Уларнинг мавжудлиги давлат тасарруфидаги олий ўқув юртлари обрўсига птур етказмайди.

Юқоридаги барча мамлакатлардаги хусусий олий ўқув юртлар молиявий жиҳатдан давлат томонидан қўллаб қувватланади.

Хусусий олий ўқув юртини ташкил қилиш – бу кўп сармоя талаб қиласидиган тадбирдир. Бу борада тўпланган тажрибаларнинг далолат беришича, фақат иқтисодий бақувват фирмалар (алоҳида шахслар) ёки бақувват ижтимоий ташкилотгина ўрта даражадаги хусусий олий таълим мактаби фаолиятини ташкил қила олади.

Хусусий ва давлат тасарруфидаги олий таълимни ташкил қилиш борасидаги тамойилларни алоҳида мамлакатлар мисолида аниқ таҳлил қиласидик.

АҚШ таълим тизими. 2010 йилда дунёдаги 10 та энг юқори рейтингли ОТМлари орасига 8 таси АҚШ университетлари ва институтлари кирган. АҚШ олий таълим муассасалари сони бўйича дунёда 2-ўринда туради. Олий маълумотлилар (бакалавр даржасига эга ва ундан юқорилар) улуши 28 фоизни ташкил этади. АҚШдаги энг қадимий университет Гарвард 1636 йилда ташкил топган. АҚШ ҳукумати ОТМларни бошқармайди (ФБР ва бошқа ташкилотлар учун мутахассислар тайёрлайдиган 8 та ОТМлардан ташқари). Энг нуфузли университетлари: Гарвард, Пристон, Йель, Колумбия, Пенсильван, Брауновский, Корнельский университетлари ва Дартмут коллежи. Америка Кўшма Штатларида болалар 6 ёшдан 17 ёшгacha 12 йил ўқийдилар.

Америка олий ўқув юртларига кириш учун белгиланган синов (тест)лар икки хил бўлади: САТ(Схоластик аптитиюд тест); АКТ (Американ коллеж тест) синовлари. САТ синовлари мураккаброқ бўлади. Машҳур университетларга киришу чун САТ синовларини топшириш шарт бўлади.

Олий ўқув юртига кириш учун ҳар бир абитуриент математика ва инглиз тилидан синов (тест) топширади. Америкада талабалар математика ва инглиз тилидан кириш синовларини 10-12 синфларда ўқиб юрган вактларида, ўзларига қулай пайтда топшира оладилар. Бундай тестлар Америкада ҳар йили 3-4 марта ўтказилади.

Мактабгача таълим: 3 ёшгacha бўлган болалар тарбияси билан оналар шуғулланади. 3 ёшдан 5 ёшгacha мактабгача тарбия муассасаларида.

- Бошланғич мактаб. Бу босқич 1-5 - синфларни ўз ичига олади.
- Тўлиқ бўлмаган ўрта мактаб. Бу босқич 6-8 -синфлардан иборат.
- Юқори мактаб. Бу босқич 9-11-синфлар бўлади. Мазкур юқори мактаб билан Олий таълимни аралаштирумаслик керак.

Жанубий Корея таълим тизими.

Барча таълим муассасалари Таълим ва персонални бошқариш вазирлигига қарашиб. Корейслар учун сифатли таълим олиш муваффақиятли карьера қилишида муҳим аҳамиятга эга, шу сабабли юқори устуворлик нуфузли ОТМларига ўқишга киришга қаратилади.

Жанубий Корея таълим тизими қўйидагилардан иборат: мактабгача таълим, мажбурий эмас; 6 йиллик бошланғич таълим, 6 ёшлик болалар учун; ўрта мактаб, 3 йил ўқиш муддати; юқори босқичли ўрта мактаб, 3 йил давом этади; олий таълим. Бошланғич мактабда болалар корейс тили, математика, этика, жамиятшунослик, табиатшунослик, хорижий тиллар(ш.ж. инглиз тили)ни ўрганишади, жисмоний тарбия, тасвирий санъат ва мусиқа билан шуғулланишади. Жанубий Кореяда олий таълим ОТМларининг қўйидаги турлари бўйича намоён этилади: университетлар, коллежлар, педагогик институтлар, кундузги ва сиртқи университетлар. Корея ОТМлари, шунингдек, давлат ва хусусийга бўлинади:

Жанубий Кореяда олий таълим тизими қўйидаги тузилмага эга: бакалавр даражаси - 4 йил ўқигандан кейин, тиббиёт факультетлари учун - 6 йил; магистр даражаси-магистратурада ўқиш 2 йил; доктор даражаси - 4 йил ўқиш ва тадқиқот ишларини олиб бориш; битирув имтиҳонлари ва диссертация ҳимоясидан кейин фан доктори даражаси берилади.

Хорижий талабалардан ОТМларга кириши учун ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат ва инглиз тилини билиш тўғрисидаги халқаро сертификат IELTS(5,5 балл) ёки TOEFL(500 балл) талаб этилади.

Япония таълим тизими. Японияда жуда қадимдан халқнинг ақлий имкониятларидан фойдаланувчи фан ва техникани қўллаш сиёсати энг муҳим ўрин тутади. Ҳозирги даврда Япония илмий тадқиқотларга кетган сармоя

микдори бўйича дунёда 2-ўринда туради. Японияда 600 мингдан ортиқ илмий ходимлар бўлиб, ихтиrolар учун тахминан 270 мингга яқин патент олинган. Бу кўрсаткичлар бўйича Япония ҳозир дунёда 1-ўринни эгаллайди. Япониядаги илмий-тадқиқот фаолиятининг ўзига хос томони шундаки, унга кетадиган ҳаражат ялпи миллий маҳсулотнинг 3 фоизини ташкил этади, бу эса ривожланган мамлакатлар орасида энг юқори кўрсаткич демакдир.

Университетларга юқори ва ўрта мактабни ёки 12 йиллик оддий мактабни битирган ўқувчилар қабул қилинади. У ерда 460 та университет бўлиб, 95 таси давлат тасарруфида, 34 таси муниципиал, 31 таси хусусийдир. 1-тоифадаги университетларда ҳар бир ўқитувчига 8 нафар, 2-тоифали университетларда эса 20 тадан талаба тўғри келади.

Университетларга қабул қилиш қўйидагича ўтказилади: турар жойда, бунинг учун эски япон тили, математика, физика, кимё, жамиятшунослик, тарих бўйича тест синовларидан ўтилади. Бу синовлардан ўтган ўқувчилар университетларга йўлланма оладилар ва яна синовдан ўтадилар.

Хусусий университетларга эса тўғридан-тўғри тест топширилади. Бир қатор хусусий университетлар ўзининг узлуксиз шаҳобчасига эга (боғчадан бошлаб ҳамма босқичларни қамраб олади).

Университетдан талабаларни четлаштириш мумкин эмас. Лекин ўқиши муддатини чўзиш мумкин (4 йиллик ўқиши 5-6 йилгача чўзилиб кетиши мумкин). Олий таълим тизими қўйидаги турларни ўз ичига олади: тўлиқ циклдаги университетлар (4йил), тезлаштирилган университетлар цикли (2йил), касб таълим коллежлари, техника институтлари.

Франция. Бу ерда 77 та университет мавжуд бўлиб, улардан 5 таси католик черкови тасарруфида. Шунга қарамасдан, олий ўкув юртларининг учдан бир қисми турли туман муассасалар, ассоциялар, фонdlар ва черковлар тасарруфида бўлиб, давлатдан мустақилдирлар. Хусусий сектор тасарруфидаги ихтисослаштирилган француз олий ўкув юртларининг асосий хусусиятлари қўйидагилардан иборат: 75 фоиз олий ўкув юртлари бизнес ва менежмент бўйича, ёки 45 фоизи умуман савдога оид мутахассислар

тайёрлайдилар. Хусусий сектор тасарруфидаги инженер-техник ходимлар тайёрловчи олий ўқув юртлар 35 фоизни ташкил этади.

Давлат тасарруфидаги бир профилли олий ўқув юртлари институти деб аталса (масалан инженерлик соҳасида олий маълумотли мутахассислар тайёрловчилар), хусусий сектордаги шундай олий ўқув юртлари “Масштаб” деб аталади. Бундай хусусий “Масштаб”лар давлат институтларидан талаблар микдорининг камлиги билан ажралиб туради.

Халқаро стандартизация нима ва у қандай фаолиятларни бажаради? Сифатни замонавий бошқаришдаги асосий хужжат бу стандартлаштиришdir. Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) таърифига кўра стандартлаштириш - шундай жараёнки, маълум соҳада тартиблаштириш мақсадида қоида ва талабларни ўрнатиш, умумий максимал иқтисодга эришишда хавфсизлик ва функционал шартларга риоя қилишdir.

Сифатни замонавий бошқаришдаги асосий хужжат бу стандартлаштиришdir. Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) таърифига кўра стандартлаштириш шундай жараёнки, маълум соҳада тартиблаштириш мақсадида қоида ва талабларни ўрнатиш, умумий максимал иқтисодга эришишда хавфсизлик ва функционал шартларга риоя қилишdir.

The main document on modern quality management is standardization. According to definition of the International Organization for Standardization (ISO) standardization is process arrangement of norms and rules in concrete area for achievement of the maximum economic security and functional requirements.

Стандартлаштириш қуйидаги функцияларни бажаради:

1. Турли мамлакатларда инсонлар томонидан яратиладиган обьектларни тартиблаштириш (маҳсулот, ҳизматлар, ишлар, жараёнлар);
2. Тартиблаштирилган обьектларга қуйиладиган талабларни норматив хужжатларда тасдиқлаш;
3. Бу норматив хужжатларни қўддаш қоидаларини ўрнатиш.

Халқаро стандартлаштиришни аҳамияти нимадан иборат.

Халқаро стандартлаштириш:

1. Мураккаб маҳсулотлар элементларини ўзаро алмаштиришни таъминлайди;
2. Турли мамлакатларда ишлаб чиқарилган бир хил маҳсулотлар сифатини бир-бирига яқинлаштиради;
3. Илмий техникавий ахборотларнинг ўзаро алмашинувига ижобий таъсир кўрсатади;
4. Халқаро савдога таъсир этади;
5. Халқаро ташкилотлар иштирокчилари илмий техникавий тараққиётининг тезлаштиради.

Халқаро стандартлаштиришнинг тамойиллари қандай?

Улар қуйидагилар:

- 1) Стандартлаштиришнинг комплекслилиги.
Комплекслилик тамойили-тегишли талабларга жавоб берадиган маҳсулот сифатини белгиловчи омилларни тизимлаштириш ва оптималлашган ҳолда бир-бирига боғлаш асосида норматив хужжатларни ўрнатиш тасдиқлаш ва қўллаш.
- 2) Стандартлаштиришнинг илгарилаб ривожланиши. Бу тамойил маҳсулот сифатига бўлган талабларнинг вақт ўтиши билан ўзгариши, маҳсулотни такомиллаштириш билан боғлиқ. Замонавий техника воситаларини ишлаб чиқилиши, масофавий бошқариш, инновацион технологиялар янги обьектларни пайдо бўлиши, янги стандартларнинг қабул қилинишини тақозо қиласди.

3) Тавсифлаш (классификация).

Тавсифлаш тамойили стандартланувчи обьектнинг тавсифлаш белгиларини ажратишни ва занжирлашни назарда тутади.

Умумий ва хусусий тавсифлаш амалга оширилади.

Стандартлаштиришнинг қандай турлари мавжуд?

Стандартлаштиришнинг икки тури мавжуд: амалдаги ва расмий.

Амалдаги стандартлаштириш жамият ҳаётидаги тарихан шаклланган нарса (масалан, календарь, ёзув, ҳисоб ва б.).

Расмий стандартлаштириш-мақсадга йўналтирилган равишда амалга оширилади, ўрнатилган тартибда норматив ҳужжат тайёрланади. Маълум соҳа, товар, хизмат турига тегишли нормативларни аниқ фойдаланиш муддати кўрсатилади.

ISO-ўзи нима? – Халқаро стандартлаштириш ташкилоти.

ISO – What is it? – International Standard Organization

Халқаро стандартизация соҳасида жуда кўп ташкилотлар фаолият олиб боради. Улар орасида халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) International Standard Organization бу соҳада нуфузли ҳисобланади. У 1946 йилда БМТнинг стандартларни мувофиқлаштириш қўмитаси қарори билан ташкил этилган. Расмий фаолиятини 1947 йилнинг февраль ойидан бошлаб, 33 мамлакат билан ҳамкорликда иш олиб борди.

ISO-нодавлат ташкилот бўлиб, БМТнинг консультатив мақомига эга. ISO Низомига кўра асосий мақсад “Жаҳон миқёсида стандартлаштиришга ёрдам бериш” деб аниqlанган.

ISO-қандай фаолият бажаради?

ISO-Низоми ташкилий структурани асосий органлар фаолиятини ва иш усусларини белгилайди. ISOнинг асосий фаолияти бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- 1) Халқаро стандартларни ISOнинг барча аъзолари келишувига кўра қабул қилиш ;
- 2) Янги мукаммалашган стандартларни жорий этишга таъсир ўрказиши (ёрдам бериш);
- 3) Техник қўмиталар ва ташкилот аъзолари тўғрисида ахборот алмашинувини ташкил этиш;
- 4) Бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатиш.

Сифат менежменти тизими-ISO-9001 қуидагиларни назарда тутади:

- 1) Самарали ташкилий структурани түзишни;
- 2) Бошқарув нормаларини, жараёнларни оптималлаштиришни;
- 3) Ташқи муҳит таъсирига нисбатан структуранинг тезкор жавобини ва мобиллигини оширишини таъминлаш. Масалан, жаҳон бозорида инновацион маҳсулот пайдо бўлди, у дастлабки синовдан ўтмоқда, стандартлаштириш нормаларига жавоб беради. Унинг нархи жуда баланд. Юқори нарх истеъмолчиларнинг аксарият сегменти талабини қониқтирмайди, шунда бошқа рақобитчи фирма худди шундай товарни паст таннарх билан ишлаб чиқишига эришади ва бозорни эгаллашга харакат қиласди. Шундай пайтда янги стандартлар ишлаб чиқилади.

Таълим тизими сифатига ҳозирги даврда дунёning барча мамлакатларида катта аҳамият берилмоқда. Давлат раҳбарлари таълим тизимини бошқарув органлири, ОТМни бошқарув раҳбарлари таълим сифатига битирувчиларнинг юқори малакасига, билим даражасига катта аҳамият бермоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардошлик бориб-бориб кадрларни юқори малакасига, чукур билим даражасига боғлиқлиги ҳаммага аёндир. Ҳар бир иш берувчи, давлат, нодавлат ва хусусий ташкилотлар билимли кадрларни олишга интилади. Шунинг учун ҳам ҳозир кўп фирмалар, чет эл корхоналари, вазирликлар, қўшма корхоналар танлов асосида ишга қабул қилинишини йўлга қўйган.

Таълим тизимида сифатни такомиллаштириш учун қуидаги вазифалар ҳал этилиши лозим:

- 1) ОТМга сифат менежмент тизимини жорий этиш ва умумий лойиҳалаш алгоритмини кўриб чиқиш;
- 2) ДСТ ва ISO 9001-2008 талабларига асосан ОТМлар базавий сифат менежменти тизими таркибини ишлаб чиқиш.
- 3) ОТМга сифат менежменти тизимини ташкилий структураси ва хужжатлар структурасини ишлаб чиқиш.

Таълим муассасасини сифат менежменти тизими қуидагиларни тасдиқлаш мумкин:

- Норматив-техник базани;
- Таълим сифати борасида сиёсатни;
- Мақсадларни аниқлашни;
- ОТМда сифат менежменти тизими жараёнини ташкилий структурани шакллантиради;
- Маълум фаолиятни бажариш бўйича жавобгарлик ва ваколат доирасини аниқлаш.

Таълим муассасаси сифат менежменти тизими қуидаги мақсадларга кўрсатилган равища жорий этилади.

- a) СМТни ҳужжатлар базаси билан таъминлаш;
- б) ОТМда СМТни жорий этиш билан боғлиқ жараёнларни оптимал бошқаришни енгиллаштириш ва юқори сифатга эришиш;
- в) Стандартларда қўйилган талабларга мос равища таълим сифатини юқори даражада олиб бориш ва такомиллаштириш;
- г) Таълим хизмати истеъмолчисида олаётган билими ва малакасига ишонч ҳосил қилиш;
- д) раҳбарият СМТни жорий этишдан кутиладиган самара, уни таълим хизмати бозорида юқори позицияни эгаллашига ва барқарор рақобатбардошликка эришишига олиб келишига ишонч ҳосил қилиши;

СМТ ҳужжатлари таркибига қуидагилар киради:

- Сифат сиёсати соҳасида расмийлаштирилган ва аниқ мақсадлари кўрсатилган ҳужжатларнинг мажмуаси;
- Сифат бўйича йўриқнома;
- Методологик кўрсатмалар (ДСТ ва ISO 9001-2008 бўйича мажбуриятлар), процедураларини бажариш;
- Бўлимлар ва лавозимлар бўйича инструкциялар, кўрсатмалар;
- Ишчи йўриқномалар;
- Ташкилий-фармойишли ҳужжатлар;

- Сифат бўйича ёзишмалар (шартномалар, баённомалар, журнал ва х.к.)
- Ташқи норматив ҳужжатлар.

ДСТ ва ISO 9001-2008 талабларига мос равишда таълим тизимида сифат кўрсаткичларини таъминланиши ОТМдан катта масъулият ва мажбуриятни талаб этади. СМТни жорий этиш жараёни тавсифланган идентификацияланган жараёнлар мониторини олиб борилиб улар тахлилини утказиш амалга оширилади. Таълим тизимини ривожланиш дастурларида куйилган вазифаларни СМТни жорий этиш оркали бажариш бугунги куннинг долзарб муаммолари бўлиб хисобланади.

Олий малакали кадрларни тайёрлаш бўйича давлат буюртмаларини нодавлат ва хусусий сектор талаблари асосида олиб борилиши битирувчилярни иш билин таминлаш жараёнини уз вактда амалга оширишда ёрдам беради. Таълим хизмати бозорида маркетинг изланишларни жорий этиш мақсадлари равишда кадрлар тайёрлаш бозор иқтисодиёти шароитининг талабидир. Битирувчининг рақобатбардошлигини юқори даражада қўтариш абутриентлар танловини кучайтириш уларнинг касбий маҳоратини рағбатлантириш таълим муассасини жаҳон таълим жараёнларига интеграциясини йўлга қўйиш СМТнинг асосий талабларидан биридир.

2. Сифат менежменти тизимли шаклланиши босқичлари.

1- босқич-тайёрлов босқичи.

2-босқич- сифат менежменти тизимини шакллантириш бўйича асосий ишлар.

3-босқич- сифат менежменти тизимини сертификациялаш.

Stages of Quality Management System:

1- stage - the preparatory stage.

2-stage - the basic conditions for the formation of a quality management system.

3-stage - certification of quality management systems.

Биринчи босқич қўйидаги қадамлардан иборат:

- таълим сифатини ички монитаринг дастурини ишлаб чиқиш;

- таълим сифатини бошқариш бўйича бошқарув ташкилий таркибий структурасини ишлаб чиқиш;
- тизимни жорий қилиш бўйича ишчи гурухни тизиши;
- сифат бўйича ваколатланувчи лавозимларни янгилаш
- сифат бўйича услубиётчиларни тайёрлаш, ички аудиторчиларни тайёрлаш, юқори раҳбариятни ўқитиши.

Иккинчи босқич қуидагилардан иборат.

- ОТМ(олий таълим муассасалари)нинг сифат соҳасида мақсадини аниқлаш ва сиёсатини ишлаб чиқиш;
- ОТМ структураси (таркиби), ходимларнинг лавозим мажбуриятлари, вазифаларини ва ишчи йўриқномаларни ишлаб чиқиш;
- Сифат менежменти тизими (СМТ) жараёнини жорий қилишни йўлга кўйиши;
- СМТ-ни хужжатлар тўпламини яратиш;
- СМТ хужжатлар тўпламини ОТМ фаолиятига жорий этиш;
- ОТМнинг СМТсини таҳлил этиш;
- Ички аудитни ўтказиш;
- Таҳлил ва аудитдан сўнг ўтказиладиган тадбирларни тайёрлаш ва жорий этиш (камчиликларни тўғирлаш, ҳатоларни аниқлаш бўйича);
- СМТ бўйича истиқболдаги ишларнинг режа-дастурини тайёрлаш.

Учинчи босқич қуидагилардан иборат:

- Сифат менежменти тизимининг ташқи аудити;
- Кўрсатилган камчиликларнинг бартараф этиш;
- Сертификация.

Сифат менежменти тизимини жорий этилганда раҳбар бу жараённи доимо кузатиб, назорат этиб бориши лозим, унинг натижарини баҳолаш керак. Ички мониторинг ва аудит ҳулосаларини раҳбарият чуқур таҳлил қилиши ва уларда кўрсатилган камчиликларни тўғирлаш бўйича тегишли тадбирларни ишлаб чиқиши керак.

Хорижий амалиётда инновация жараёнларини ташкил этишнинг

куйидаги турлари мавжуд:

- маъмурий-хўжалик;
- дастурий-мақсадли;
- ташаббускор.

Маъмурий-хўжалиқда – ишлаб чиқариш марказлашган бўлиб, илмий тадқиқотлар ва ишланмалар, янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотишга қаратилган, ишлаб чиқариш йирик ва ўрта корпорациялар томонидан комплекс бошқарилади. Улар микроэлектроника, биотехнология, нанатехнология ва бошқалар тармоқлардаги илмий – техникавий ёриб ўтиш вазифаларини бажарадилар ва ИТТКИни ташкил этишнинг дастурий-мақсадли шаклига эгалар. Мақсадли илмий-техникавий дастурларни мувофиқлаштирувчи бошқариш шакли дастур иштирокчилари иши ўз ташкилотида фаолиятини дастурни бошқариш маркази билан келишган ҳолда олиб боришни назарда тутади. Йирик вазифаларни ҳал қилиш мақсадида тузилган (одатда бундай ташкилий тузилма вақтингачалик бўлади) янги ташкилотларнинг самарадорлиги ҳам юқори дастурий мақсадли бўлади. Бу соф дастур мақсадли тузилма ҳисобланади. Илмий тадқиқотлар ва ҳар хил маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратилган янги техникаларни, маҳсулотларни лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқиш ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида саноатда инженерлик марказлари ташкил этилади.

Шунингдек университет – ишлаб чиқариш ва университет тадқиқот марказлари тузилишига ҳам катта эътибор қаратилади. Бундай марказларни, тадқиқот режасини ишлаб чиқадиган кенгашлар бошқарадилар ва буюртмачилар билан шартнома асосида ИТТКИ олиб боришни ташкил этадилар. Саноати ривожланган давлатларда фундаментал фанлар билан ишлаб чиқаришни боғлайдиган ташкилот технопарк ва технополислар ҳисобланади.

Технополисда фан, техника, тадбиркорлик бирлашади, фан, тадбиркорлар маҳаллий ва марказий давлат органлари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилади. Илмий тадқиқот мажмуи технополис асосини ташкил этади.

Технополис – университетлар ва илмий-техника марказлари билан ўзаро

алоқада, янги илғор маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки учун, фан сиғими юқори бўлган янги технологияларни яратиш мақсадида тузилган илмий-саноат мажмуи.

Технопарклар – саноат компанияларининг уларнинг илмий-техникавий бўлинмалари билан йирик тўпламлари. Бунда ўқув жараёни билан боғланган фанлар бўлмайди, технополисга нисбатан илмий-техникавий сектор технопаркларда анча кучсиз даражада бўлади.

Технополисда илмий-тадқиқот комплекси унда ривожланаётган корхона ва тармоқларнинг ақлий маркази ҳисобланади. У технологияга фундаментал илмий тадқиқотлар асосида ёриб ўтувчи тубдан ўзгаришларни тайёрлаб беради. Технополис шундай қилиб илмий-тадқиқот ва саноат соҳаларини бир-бири билан боғлиқлигини мустаҳкамлаш ва енгиллаштириш, илмий тадқиқот натижаларини тезда ўзлаштириш ва тижорат мақсадида ундан фойдаланишни таъминлайди. Йирик техника муаммолари ечимини ҳал қилиш учун тузилган вақтинчалик марказлар маъмурий-хўжалик ва мақсадли-дастурй усуслар ёрдамида илмий-техника тараққиётини ривожлантиришни бошқаришни боғлайдиган оралиқ кўриниш ҳисобланади. Мақсадга эришилгандан сўнг марказ тарқатиб юборилади. Инновация фаолиятини ривожлантиришнинг илғор шаклларидан – инкубаторлардир. Бизнес-инкубатор ёки технологиялар инкубатори инновация инфратузилмаси элементи бўлиб, ҳар хил инновация шакллари вужудга келиши ва оёққа туриш даврларида турли хизматлар кўрсатадиган мажмуа ҳисобланади. Хизматлар маслаҳат бериш, ахборотлар билан таъминлаш, асбоблар, бинолар ва ҳоказоларни ижарага беришдан иборат. «Инкубация даври» мижоз фирма учун одатда бир йилга чўзилади, ундан сўнг хизматлар кўрсатиш тўхтатилади ва фирма фаолиятини мустақил давом эттиради.

Инкубаторлар энг кўп тарқалган давлат - АҚШ. Бу давлатда 600га яқин инверторлар миллий бизнес инкубатор ассоциациясига бирлашган. АҚШдаги инкубатор фаолиятининг таркиби кенг тарқалган ва ҳар хил соҳага ихтисослашган, масалан, фақат дастурй таъминот ёки фақат биотехнология соҳаларига тегишли инновация тадбиркорлигидаги инкубаторлар мавжуд.

Инкубаторлар ғоясини янада ривожлантириш технопарклар кўринишида

намоён бўлади. Инновация жараёнларини ташкил этишнинг ташаббускорлик шакли якка ихтирочилар, ташаббускор гурухлар ҳамда кичик корхоналарга техник ва бошқа янгилик киритишдаги ишларни ўзлаштириш учун, илмий-техникавий, консультатив бошқариш ва маъмурий тузилган ёрдам беришни молиялаштиришдан иборат. Бундай иқтисодий ва ташкилий механизмларнинг аҳамияти айниқса ноаниқлиги кучли бўлган илк даврларидағи инновация жараёнининг хусусиятидан келиб чиқади.

Хориж амалиёти ташаббускорлик шаклининг юқори самарадорлигини кўрсатади. АҚШда олиб борилган тадқиқотлар банд бўлган кишиларнинг сони 300 тагача бўлган янги маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик инновацион фирмалар ИТТКИга сарф қилинган ҳар бир доллардан катта корхоналарга нисбатан (банд бўлганлар сони 10 минг кишидан ортиқ бўлган) 24 баробар кўпроқ янгилик, ҳар бир банд бўлганга 2,5 баравардан ортиқ янгилик киритилганлигини кўрсатган. Кўпгина йирик фирмалар инновация фаолиятини фаоллаштириш мақсадида ташаббускор бўлган ва амалиётга жиддий янгилик киритиш имкониятига эга бўлган ходимларига ташкилий иқтисодий шароитларни яратиб берадилар.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР:

1. ОТМда Сифат Менежменти Тизимини жорий этиш учун қандай имкониятлар борлигини аниқланг.
2. Хориж тажрибаси асосида Сиз фаолият юритатётган ОТМда ИСО стандартлари асосида сертификатини олиш имкониятлари ёки сифат менежментини қўллашга салбий таъсир кўрсатаётган омилларни аниқланг.
3. Таълим сифатини таъминлашда энг нуфузли ОТМлар ва ва уларнинг рейтингини далиллар асосида тузинг.
4. ОТМларда инновацион ташкилотларни ташкил этиш – таълим сифатини ошириш тажрибалари (технопарк, технополис, бизнес инкубатор, тажриба мета марказлари) бўйича иш режасини тузинг.
5. Сиз фаолият юритаётган ОТМда инновацион фаолиятни венчур молиялаштириш имкониятларини аниқланг. ОТМга инвестиция киритиш учун

қандай имкониятлар борлигини аниқланг.

6. Таълимда инновацияларни қўллашнинг жахон тажрибасидан қайсилари Сизга маъқул ва нима учун?.

7. Халқаро сифат стандартларини ОТМда қўллаш имкниятларини аниқланг.

8. Сизнинг ОТМда таълим жараёнида сифат менежменти тизимининг қайси тамойиллари мавжудлигини аниқланг ва Стандартлаштириш бўйича режа тузинг.

4-МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. ИННОВАЦИОН ЛОЙИХА (2 соат)

Амалий машғулот мақсади:

Тингловчиларда олий таълим муассасаларида таълим сифатини инновацион фаолиятни ташкил этиш асослари, хориж ОТМларида инновацион фаолиятни ташкилий турлари бўйича, инновацион лойиҳа, унинг таркиби, амалга ошириш, инновацион лойиҳаларни бошқариш, инновацион лойиҳаларнинг самарадорлигини таъминлаш, инновациялар трансфери, инновацияларни тижоратлаштириш ва таълимда инновацияларни қўллашда инвестициялаш бўйича малака ва кўникмаларини шакллантириш.

Амалий машғулотни ўтказиш тартиби:

Машғулот режаси бўйича назарий материаллар таҳлил қилиниб, кичик гурухлар ёки жуфтликларда таълим сифатини таъминлаш, уни ошириш бўйича, таълимнинг замонавий хусусиятларидан келиб чиқиб, янги педагогик технологиялар ёки интерактив усуллардан фойдаланган ҳолда берилган топшириклар бажарилади.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР УЧУН МАТЕРИАЛЛАР:

Инновацион лойиҳа – илмий тадқиқот, тажриба, конструкторлик, ишлаб чиқариш, молиявий, тижорат тадбирларининг мажмуи ифодаланган (ресурслар, муддат ва бажарувчилар билан боғлиқ бўлган), аниқ илмий техника вазифаларини (муаммоларини) самарали ҳал қилишни таъминлаш, қайд этилган

хужжат миқдор кўрсаткичларида ифодаланган ва инновацияни амалга оширишга олиб келадиган бир-бири билан боғлиқ бўлган мақсадлар ҳамда унга эришиш йўллари тизими.

Инновация лойиҳасининг асосий элементлари:

- лойиҳа мақсадини ўзида акс эттирган аниқ мақсадлар ва вазифалар;
- инновация муаммолари ечимини топиш ва қўйилган мақсадни амалга оширишнинг лойиҳадаги тадбирлар мажмуи;
- лойиҳадаги тадбирларни мақсадга эришиш учун ресурслар ва ижрочилар билан боғлаш, белгиланган вақтда, қиймат ва сифат доирасида ташкил этишни амалга ошириш;
- лойиҳанинг асосий кўрсаткичлари (умумий) алоҳида бўғинларнинг мақсади мавзуи, тадбирлар, иштирокчилар, шу жумладан, унинг самарадорлигини ифодалайдиган кўрсаткичлар.

Мақсадлар ва илмий-техника тараққиётининг хилма-хиллиги инновация лойиҳаларининг турлича бўлишини асослайди.

Инновация турларининг умумий қўриниши ишлаб чиқилмаган. Инновация лойиҳаларини қуйидаги белгиларига қараб ажратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади: лойиҳани татбиқ этиш вақти, лойиҳа мақсадининг характеристи, эҳтиёжларни қондириш турлари, инновация турлари, қабул қилинадиган қарорлар даражаси.

Инновация лойиҳаларини ишлаб чиқиш вақти, уни амалга ошириш ва мақсадга эришишига қараб уч турга бўлинади: узоқ муддатли (стратегик, амалга ошириш вақти 5 йилдан ошади), ўрта муддатли (амалга ошириш муддати 3 – 5 йилгача), қисқа муддатли (3 йилдан кам). Лойиҳа мақсади характеристига қараб: пироворд, инновация лойиҳаси ечими ҳал қилинган, оралиқ, мураккаб муаммонинг бир қисми ҳал қилинган бўлиши мумкин. Эҳтиёжларнинг қондирилишига қараб лойиҳа мавжуд эҳтиёжларга ёки янгиларига қаратилган бўлади. Инновация турига қараб инновация лойиҳалари қуйидагиларга бўлинади:

- тубдан янги бўлган ёки такомиллашган маҳсулотни ишлаб чиқиш;

- тубдан янги ёки такомиллашган ишлаб чиқариш усули;
- янги бозорни яратиш;
- хом ашёни ёки деталь, бутловчи қисмларнинг янги манбаларини топиш;
- бошқариш таркибини қайтадан ташкил этиш.

Карорларни қабул қилиш даражасига қараб инновация лойиҳаларини куйидаги таркибга киритиш мумкин:

- республика илмий-техника дастурига;
- минтақа инновация лойиҳасига, (вазифалар минтақа илмий-техника дастурига киритилади);
- тармоқ (тармоқ ичидағи) инновация лойиҳалари, вазифалар вазирлик ва идоралар миқёсидаги режага киритилади.
- айрим инновацион корхоналарнинг (ИК) инновация лойиҳалари, вазифалар ИКнинг режасига киритилади.

Инновацион лойиҳаларнинг белгиларига қараб турларга бўлиниш чизмаси 1-расмда ифодаланган. Инновация лойиҳасининг у ёки бу турга киритилиши уни яратишида ва бошқаришида ўзига хос бўлган мажмуя усувлардан фойдаланишини англатади.

Инновацион лойиҳаларнинг мазмуни. Инновация лойиҳаларининг мазмунини кўриб чиқишида унинг учта қиррасига: инновация фаолияти босқичлари, вужудга келиши ва амалга ошириш жараёнига, ташкил этиш элементларига эътибор бериш керак.

Инновацион лойиҳа мазмунини кўриб чиқиши асосида уни вужудга келиши ва амалга ошириш жараёни ётади. Яъни инновация лойиҳасининг ҳаёт даврларининг технологик концепцияси, инновация лойиҳасининг маълум вақт оралиғида вужудга келишини билдиради.


Инновацион лойиҳа – янги ёки такомиллашган маҳсулот ишлаб чиқаришида илмий-техника ғояларини бозорга татбиқ қилиш, янги ёки такомиллашган технологик жараёнларни амалиётда қўллашга, ёки ижтимоий тамойилларга янгича ёндашишни ўз ичига олган инновация фаолиятининг барча босқичларини ўз ичига олади. Инновация фаолияти босқичларини амалга

ошириш нүктаи назаридан лойиҳага: илмий тадқиқот ишлари (ИТИ), лойиҳа-конструкторлик ва тажриба-эксперимент ишлари, ишлаб чиқариш жараёнини ўрганиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни амалда юритиш, янги маҳсулотлар маркетинги ҳамда молиявий тадбирлар киради.

Лойиҳани ишлаб чиқиши. Бу жараён лойиҳада кўзланган мақсадга эришиш қарорларини қабул қилиш, маълум вақтда улар ўртасида – ресурслар, вазифалар, тадбирларни амалга оширувчиларнинг бир-бирига боғлиқликлигини амалга оширишни ўз ичига олади. Бу босқичда қуйидагилар амалга ошади:

- лойиҳа мақсадларини амалга оширишнинг ҳар хил варианatlари таққосланади ва уларнинг ичидан татбиқ этишнинг энг самарали йўли танлаб олинади;
- инновация лойиҳасини татбиқ этиш режаси ишлаб чиқилади;
- лойиҳа устида ишлайдиган маҳсус тузилма таркибини тузиш масаласи ҳал қилинади (ложиҳа жамоаси тузилади);
- лойиҳа ишини бажарувчи салоҳиятли мутахассислар танлаб олинади ва шартнома хужжати расмийлаштирилади.

Лойиҳани амалга ошириш. Бу – босқичда тақвим режанинг бажарилиши назорат қилинади, ўзгаришлар киритилади ва лойиҳани амалга ошириш мунтазам назорат қилинади.



1-расм. Инновация лойихаларининг турлари

Лойихани тугатиши. Бу лойиха натижаларини буюртмачига топшириш ва шартномани (контрактни) ёпиш жараёнидир. Шу билан инновация лойиҳасининг ҳаётий даври якунига етади.

Инновация лойиҳасининг пировард мақсади ва вазифаларини (муаммони саралаш ва асослаш босқичларида) доимо аниқ миқдор кўрсаткичларида белгилаб бўлмайди. Шунинг учун лойиҳани ишлаб чиқишида, дастлаб, унинг пировард мақсадини аниқ миқдорда белгилаш ва уни амалга ошириш даврлари, вазифаларнинг ҳар хил вариантларини аниқлаб олиш керак бўлади.

Инновация лойиҳаси кўриб чиқилаётганда ташкил этиш элементларига қараб, уни икки қисмга ажратилади: лойиҳанинг вужудга келишини бошқарадиган орган ва уни амалга оширувчи иштирокчилар.

Шу мақсадда қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

- лойиҳадаги маҳсулотни харид қилиш мумкин бўлган истеъмолчилари аниқланади;
- янги маҳсулотни эскиси билан алмаштириш ва уни иқтисодий жиҳатдан зарур эканлиги таҳлил этилади;
- лойиҳани амалга оширишда хомашё, энергия ресурслари, эҳтиёт қисмлар ва бошқалар билан таъминлаш учун тармоқ таркибларининг имконияти ўрганилади;
- лойиҳада пировард маҳсулотдан янги соҳаларда фойдаланиш имконияти ўргатилади.

Маҳсулотни бозорга чиқаришнинг иқтисодий ва ижтимоий оқибатлари ўрганилади.

Лойиҳани режалаштиришни бошқариш (дастурлаш, дастурни бўлакларга ажратиш) лойиҳани амалга оширишни ташкил этишнинг дастлабки жараёни ҳисобланади. Режалаштиришнинг асоси – барча ишлар мажмuinи, кўзланган мақсадга эришишни амалга оширадиган иштирокчиларни бирлаштиришdir.

Инновация лойиҳасини амалга ошириш – вақт мобайнида ва бўлакларга бўлиб бажариш зарур бўлган, ресурслар ва иштирокчиларни баланслаштирган, илмий-техника, ишлаб чиқариш, ташкилий ва бошқа тадбирларни бир-бирига боғлаган ҳолда мақсадга ёки қўйилган вазифаларни бажаришга йўналтиришни англатади. Шундай қилиб режада кимга қандай вазифани юклаш ва қачон бу вазифани бажариш, қандай ресурсдан фойдаланиш керак деган кўрсатмалар акс

этади. Одатда, режа комплекс инновация дастури сифатида амалга ошади.

1. Инновацион лойиҳа – илмий тадқиқот, тажриба, конструкторлик, ишлаб чиқариш, молиявий, тижорат ва бошқа тадбирларнинг мажмуи ифодаланган, аниқ илмий-техника вазифаларини самарали ҳал қилишни таъминлаш, қайд этилган ҳужжат, миқдор кўрсаткичларида ифодаланган ва инновацияни амалга оширишга олиб келадиган бир-бири билан боғлиқ бўлган мақсадлар ва унга эришиш йўллари тизими.

2. Инновация лойиҳалари қўйидаги белгиларига қараб синфларга бўлинади:

- лойиҳани амалга ошириш муддатига қараб (узоқ, ўрта, қисқа муддатли);
- қарорларни қабул қилиш даражасига қараб (умумдавлат, президент, минтақа, тармоқ, алоҳида корхоналар);
- инновация турига қараб (янги маҳсулот, янги технологик жараён, янги хомашё манбаи, янги бозор, янги бошқариш таркиби);
- эҳтиёжлар турига қараб (янги эҳтиёжлар, мавжуд эҳтиёжлар);
- лойиҳанинг мақсади, характеристига қараб (пировард оралиқ)

3. Инновация лойиҳаларини амалга ошириш босқичлари:

- инновация фоясининг вужудга келиши;
- инновация лойиҳасини режалаштириш ва унинг бажарилишини назорат қилиш;
- инновация лойиҳасининг тугатилиши.

4. Инновация лойиҳаларини бошқаришни режалаштиришнинг синфларга бўлиниши қўйидаги кўринишларга эга бўлиши мумкин:

- турига қараб: стратегик, оператив;
- мазмунига қараб: маҳсулот мавзули миқдор календарли, техник - иқтисодий, бизнес-режа;
- даражага қараб: яхлит лойиҳа, ташкилот-ижрочилар лойиҳаси, алоҳида иш турларига қараб.

5. Инновация лойиҳасини тугатишнинг асосий босқичлари – лойиҳани топшириш ва битимни (шартномани) тугатиш.

6. Инновацияни ишлаб чиқиш ва уни жорий этиш жараёнига комплекс

ёндашув тарзда бўлинмалар ҳамда ижрочилар ишларининг мувофиқлашувини талаб этади. Бу талабларни бажариш учун менежментнинг янги обьекти бўлган мақсадли дастурларга ўтиш керак. Мақсадли дастур асосий мақсадга бирлаштирилган ва умумий менежмент ёрдамида амалга ошадиган илмий-техник, ишлаб чиқариш, иқтисодий ва ташкилий тадбирларнинг режали комплекси.

7. Мақсадли дастур тизими учта ташкилий даражадан иборат:

- юқори даража – техник директор ва илмий-техник кенгаш;
- ўрта даража – мақсадли дастур менежерлари;
- қўйи даража – мақсадли дастур алоҳида босқичларининг масъул ижрочилари.

8. Дастур менежменти тизими мақсади – менежерларга ҳар қандай шароитда техник талаблар асосида жорий вақтдаги лойиҳани ишлаб чиқиш, таққослаш, келажакдаги ҳаракатни танлаш ва унинг ишнинг пировард натижаларига таъсирини баҳолаш имкониятини аниқлаш.

Инновация лойиҳасининг вазифаларидан бири - ишлаб чиқилган тадқиқотлар ва ишланмалар режасини иқтисодий, ижтимоий, сиёсий аҳамиятга эга бўлган долзарб назарий ва амалий вазифаларни ишлаб чиқишига йўналтирилган лойиҳа тадқиқотини англатади. Лойиҳа тадқиқотида техник, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини асослаб беради.

Ғоялар, фикрлар, ва техник қарорнинг роли илмий-техниқавий аҳамиятига кўра ҳар хил даражада бўлади:

- Замонавийлаштириш амалга ошганда, ўхшашиб конструкция ёки мавжуд технология тубдан ўзгармайди, (ишлаб чиқаришни кенгайтириш, унинг турлари ўртасида уйғунлик ўрнатиш, станок, автомобилнинг унумдорлигини ошириш учун юқори қувватли двигатель ўрнатиш);
- новаторлик бунда янги маҳсулот конструкцияси эскисидан тубдан фарқ қиласи (янги сифат ўзгариши амал қиласи, масалан, аввал ҳеч қаерда ишлатилмаган янги автоматлаштириш воситаси киритилади);

- илгарилаб кетаётган бунда, конструкция илгарилаб кетган техник қарорларга асосланади (самолётсозликда герметик кабиналарни аввал ҳеч қаерда, қўлланилмаган- трубореактив двигателларни киритиш);
- пионер, илғор, аввал мавжуд бўлмаган материаллар, конструкция, технологиялар асосида вазифаларнинг бажарилиши ёки тубдан янги бўлган вазифаларнинг вужудга келиши (композит материаллар, дастлабки радиоприёмниклар, электрон соатлар, шахсий компьютерлар, ракеталар, атом станциялар, биотехнологиялар).

Лойиҳанинг аҳамиятлилик даражаси (унинг мураккаблиги, давомийлиги, ижрочилар таркиби, қўлами, инновация жараёни олға силжиш натижаларининг) лойиҳани бошқариш мазмунига таъсир қиласиди.

Инновация лойиҳаси қарорларини бажариш қўлами нуқтаи назаридан улар кўйидаги турларга бўлинади:

1. Монолойиҳалар – лойиҳа битта ташкилот ёки битта бўлинма томонидан бажарилади ва бир турдаги инновация мақсадини амалга ошириш билан фарқланади (конкрем асбоб ёки технология яратилади), лойиҳа белгиланган вақт ва белгиланган молиявий доирада амалга ошади, лойиҳани мувофиқлаштирувчи ёки раҳбар талаб этилади.

2. Мультилоиҳалар – комплекс дастур асосида амалга оширилган, мураккаб инновацион мақсадни амалга оширишга йўналтирилган ўнлаб монолойиҳалар бирлаштирилади (илмий-техникавий комплексни яратиш, йирик технологик муаммолар ечимини топиш, ҳарбий-саноат мажмуидаги битта ёки бир нечта корхонада конверсияни амалга ошириш учун мувофиқлашган бўлинмаларни ташкил этиш ва ҳ.к.).

3. Мегалойиҳалар – бир-бири билан мақсадлар дарахти асосида боғланган қатор мульти ва юзлаб монолойиҳаларнинг бир-бирига бирлаштирган кўп мақсадли дастур мажмуи бўлиб, марказдан молиялаштиришни ва мувофиқлаштирувчи марказ томонидан бошқаришни талаб этади. Мегалойиҳа асосида лойиҳанинг мақсадлари бўлган тармоқни техник жиҳатдан қайтадан жиҳозлаш, минтақа ва республикада конверсия ва экология муаммолари

ечимларини ҳал қилиш, мамлакат маҳсулот ва технологияларнинг рақобатбардошлигини оширишга эришилади. Мегалойиҳанинг вужудга келиши ва уни амалга ошириш бир қанча тармоқ, минтақа, молия-саноат гурӯҳлари, йирик корпорациялар, давлатлараро кучларнинг бирлашувини талаб этади. Бажарилаётган ишнинг ҳажми ва лойиҳа ишларининг давомийлигига қараб қисқа муддатли (1 – 2 йил), ўрта муддатли (5 йилгача) ва узоқ муддатли (5 йилдан ортиқ) лойиҳаларга бўлинади. Лойиҳанинг босқичлари ва даврлари унинг тармоққа ҳамда функционал кўринишига қараб аниқланади.

Инновация лойиҳасининг асосий қисмлари қуйидагилардан иборат:

- муаммо (фоя)нинг мазмуни ва долзарблиги;
- маркетинг тадқиқотлари ва муаммони таркибий қисмларга бўлиш асосига қурилган лойиҳа мақсадлари дарахти;
- лойиҳанинг мақсадлари дарахтини амалга ошириш тадбирлари тизими, лойиҳани комплекс асослаш;
- лойиҳани амалга оширишни таъминлаш, лойиҳа эксперт хulosаси, лойиҳани амалга ошириш механизми ва мотивация тизими.

Инвестиция ғояларининг вужудга келиш босқичи деганда, ўйланган режани амалга ошириш тушунилади. Бу босқичда инвестиция обьекти ва субъектини, ғояни ишлаб чиқарувчининг мақсадига қараб унинг шакли ва манбаларини аниқлаш зарур.

Инвестиция субъектлари тижорат ташкилотлари ва ундан фойдаланувчи бошқа хўжалик юритувчилар ҳисобланади.

Инвестиция обьектларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- янги маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган ва хизмат кўрсатадиган, қурилаётган, реконструкция қилинаётган, кенгайтирилаётган корхоналар, бинолар, қурилмалар (acosий фондлар);
- битта вазифа (дастур)ни амалга оширишга йўналтирилган, қурилаётган ёки реконструкция қилинаётган обьектлар мажмуи.

Инвестиция обьекти деганда, мавжуд жойлардаги ишлаб чиқариш ва ташкилотлар доирасида янги маҳсулот (хизматлар) ишлаб чиқариш дастури

тушунилади.

Инвестиция лойиҳасида қуидаги инвестиция шаклларидан фойдаланилади:

- пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари (мақсадли омонатлар, айланма маблағлар, қимматбаҳо қоғозлар, масалан, акция ва облигациялар, кредитлар, қарзлар, гаровга қўйилган товарлар ва ҳоказолар);
- ер, бинолар, иншоотлар, машина ва қурилмалар, ўлчаш ва синаш воситалари, асбоб ва анжомлар, ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган барча ликвидликка эга бўлган бошқа мулклар;
- баҳолашда пулга эквивалент бўлган барча мулкка эгалик қилиш ҳуқуқлари.

Инвестиция имкониятларининг тадқиқотлар босқичи қуидагиларни назарда тутади:

- товар ва хизматларга бўлган талабни дастлаб экспорт ва импортни ҳисобга олган ҳолда олдиндан ўрганиш;
- маҳсулот (хизмат)ларнинг ўтган йилдаги, жорий йилдаги ва келажақдаги нарх даражаларини баҳолаш;
- лойиҳани ташкилий-ҳуқуқий шаклда ва иштирокчиларнинг таркибига қараб амалга ошириш таклифларини тайёрлаш;
- яхлитлаштирилган нормативлар ва тахминий тижорий самарадорлик асосида кутилаётган инвестиция ҳажмини баҳолаш, ТИА бўлинмалари ва лойиҳа самарадорлигини таҳлилий баҳолаш;
- инвестицион имкониятларни натижаларини асослаш;
- лойиҳа-тадқиқот ишлари шартнома ҳужжатларини тайёрлаш.

Инвестиция имкониятлари тадқиқотидан мақсад - ҳақиқий сармоядор учун инвестиция таклифларини тайёрлаш. Агар инвесторларга эҳтиёж бўлмаса, лойиҳалар ташкилотнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилса, унда лойиҳанинг (ТИА)ни тайёрлаш бўйича ишларни молиялаштириш ҳақида қарор қабул қилинади. Лойиҳанинг ТИА босқичи тўлиқ ажмда қуидагиларни назарда тутади:

- кенг кўламда маркетинг тадқиқотларини олиб бориш;
- маҳсулот ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) дастурини ишлаб чиқиш;
- бошланғич асослаш- рухсат бериш ҳужжатини тайёрлаш;
- техник қарорларни, шу жумладан бош режани ишлаб чиқиш;
- шаҳар қурилиши, архитектура ва қурилиш қарорларини ишлаб чиқиш;
- муҳандислик таъминоти атроф муҳит муҳофазаси ва фуқаро мудофаси тадбирлари;
- қурилишни ташкил қилиш баёни;
- фуқаро уй-жойи қурилиши ҳақидаги маълумотларни тўплаш;
- корхонани бошқариш тизимини, ишчилар ва хизматчилар меҳнатини ташкил этиш;
- молиявий-смета ҳужжатларини тайёрлаш: корхона фаолияти билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш харажатларини баҳолаш, капитал харажатларни ҳисоблаш, айланма маблағларга бўлган талабни ҳисоблаш, лойиҳани молиялаштириш манбаларини ҳисоблаш, хорижий воситаларга бўладиган талабни мўлжаллаш, инвестиция шароитлари, аниқ инвесторни танлаш, келишувларни расмийлаштириш;
- лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган хавфни баҳолаш;
- лойиҳани амалга ошириш муддатларини режалаштириш;
- лойиҳанинг тижорий самарадорлигини баҳолаш (бюджет инвестицияларидан фойдаланилганда);
- лойиҳани амалга оширилишининг тугатиш шартлари.

Демак инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун қўйидагилар зарур:

1. Инновация лойиҳаларини бошқариш инновация лойиҳасини тайёрлашнинг бутун тизимини, инновация лойиҳаси сарфлари ва ресурслар билан таъминлаш, инновация лойиҳалари самарадорлигини баҳолашни ҳам ҳисобга олганда қамраб олади.
2. Инновация лойиҳалари вазифалари ечимини ҳал қилиш нуқтаи назаридан, монолойиҳа, мультилойиҳа ва мегалойиҳаларга бўлинади.
3. Инновация лойиҳаларини яратиш ва амалга ошириш қўйидаги

босқичларда олиб борилади:

- инновация ғояларининг вужудга келиши;
- инвестиция имкониятларини тадқиқ этиш;
- лойиҳа (бизнес-режа)ни техника иқтисодий асослаш;
- шартнома ва лойиҳа хужжатларини тайёрлаш;
- қурилиш ва монтаж ишлари;
- объектни эксплуатация қилиш;
- иқтисодий кўрсаткичлар мониторингини ўтказиш.

4. Инновация лойиҳалари ижтимоий-иқтисодий, бозор параметрлари, илмий-техникавий, иқтисодий тавсифлар ва уларни баҳолаш мезонлари асосида амалга ошади.

5. Инновация фаолиятини давлат томонидан қўллаб-кувватлаш чора-тадбирларига қуйидагилар киради: ИТТКИга қўшиш, харажатларини хусусий сектор, имтиёзли солиқ тизимини қўллаш, илмий-техникавий ишланмаларга имтиёзли кредитлар бериш, инновация корхоналарини ташкил қилиш учун давлат мулки ёки ерни текинга ёки имтиёзли баҳода бериш.

6. Инновация лойиҳасининг самарадорлиги иқтисодий, ижтимоий, технологик ва бошқа қийматда баҳолаш мумкин бўлган натижаларни ўз ичига олади. Бу кўрсаткичлар ёрдамида давлат инвестиция лойиҳаларини қўллаб-кувватлайди.

7. Инновация лойиҳасини амалга оширишни бошқаришдаги асосий йўналиш бизнес – режа асосида инновацион лойиҳани амалга ошириш босқичма – босқич жараёни ва тартибидир.

8. Инвестор томонидан тавсия этилаётган инновация лойиҳаларини саралашда уларни умумий кўрсаткичлар тизими ёрдамида таққослаш мумкин эканлигига эътибор бериш керак.

9. Инновация фаолиятининг ички ва ташқи иштирокчиларига венчур, инжинириング фирмалари, консорциумлар ва кичик инноваторлар киради.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР:

1. Ўзингиз фаолият юритаётган ОТМнинг инновацион салоҳиятини аниқланг.
2. ОТМда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини аниқланг.
3. Инновацион лойиҳани амалга ошириш учун стратегик дастур тузинг.
4. Инновацион лойиҳани ишлаб чиқинг ва уни амалга оширишнинг SWOTтаҳлилини ўтказинг (Ҳисоблаб чиқинг).
5. Инновацияларни тижорталаштириш учун қандай чора-тадбирларни таклиф эта оласиз? Энг муҳимларини аниқланг.
6. ОТМга инвестиция киритиш ва ундан самарали фойдаланиш йўлларини аниқланг.
7. ОТмларги инвестиция жалб қилишда масофавий таълим шакллари рақамли технологияларини аниқланг.

V. ГЛОССАРИЙ

V. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Бизнес-инкубатор <i>(Business incubator)</i> –	корхона (бўлим, лаборатория)нинг бизнеснинг янги шаклларини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи таркибий бўлинмаси.	A business incubator is a company that helps new and startup companies to develop by providing services such as management training or office space.
Давлатнинг инновацион сиёсати <i>(State innovative policy)</i> –	давлатнинг ишлаб чиқаришга маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқариш ва шу асосда мамлакат товарларини сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида таъсир кўрсатиш шакллари, усувлари ва йўналишлари йиғиндиси.	a set of forms, methods and directions of influence on the production of the state in order to produce new types of products and on this basis to expand the markets for the sale of domestic goods.
Венчур (<i>Venture</i>) – (инг. venture –)	журъат қилмоқ, таваккал қилмоқ) сармоялар-сармояларни хатарли киритиш.	to dare, to take a risk) investments- risky investment.
Инновация <i>(Innovation)</i>	Кенг қамровли бўлиб, у ишлаб чиқариш жараёнига мукаммал, янги, илгари бўлмаган технологияларни жорий этишни назарда тутади.	A set of assignments intended for comprehensive assessment of skill and competence level of students
Инновацион мухит <i>(Innovation environment)</i>	инновациларни яратилиши, амалга оширилиши ва илгари сурилишини ўраб турувчи ҳолат	a situation that surrounds the creation, implementation and promotion of innovations
Инновацион потенциал <i>(Innovative potential)</i>	деганда, ўзаро боғлиқликда бўлган турли хил ресурсларнинг умумий йиғиндиси тушунилади.	A type of a study activity that increases activeness, interest of students in getting knowledge based on the modeling of processes,

		events, objects that are being studied
Инновацион соҳа (Innovative sphere)	инновацион маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларни, ўз ичига инновацияларни яратиш ва тарқатишни олувчи фаолият соҳасидир	is a field of activity that includes producers and consumers of innovative products (works, services), including the creation and distribution of innovations
Инновацион фаолият (Innovation activities)	деганда, иқтисодий фаолият соҳасидаги жараёнларни радикал тарзда ўзгартеришга ёрдам бериши мумкин бўлган бирон бир янгиликни яратиш.	to create any innovation that can help radically change the processes in the field of economic activity
Инновацион лойиха (Innovation project) –	бу лойиха мақсадларини амалга ошириш учун зарур бўлган техник, ташкилий, режавий ва ҳисоблаш – молиявий хужжатларнинг йиғиндисидир.	it is a set of technical, organizational, planning and calculation-financial documents required to achieve the project objectives.
Инновацион менежмент (Innovation management) –	ташкилий бошқарувчиликнинг ўзига хос тури бўлиб, унда инновацион фаолият режаси ва дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни бошқариш амалга оширилади.	is a specific type of organizational management, which manages the development and implementation of innovative action plans and programs.
Инновацияларнинг бизнес жараёни (Business process of innovations)	вақтда ва жойда ишлашнинг боши ва охирини кўрсатилишига эга тартибга солинган мажмуаси.	an ordered set with a display of the beginning and end of the work in time and place.
Базавий (фундаментал) инновациялар (Fundamental innovations) -	йирик кашфиётларни амалга оширади ва техника ривожланишининг янги авлоди ва йўналишлари шаклланишининг асоси	makes major discoveries and becomes the basis for the formation of new generations and

	бўлади;	directions of technical development
Ижодий лойиҳалар Creative projects	Индивиуал ёки ҳамкорлик асосида ижодий характерга эга янги таълим маҳсулотлари (ижодий ҳисобот, кўргазма, дизайн, видеофильм, нашр ишлари – китоб, альманах, буклет, альбом, босма ва электрон журнал, компьютер дастурлари кабилар)ни яратишга йўналтирилган лойиҳалар	The projects intended to create new educational products (activity report, exhibition, design, videofilm, publishing works: books, literary miscellany, pamphlets, albums, printed and electronic journals, computer programmes) that have creative characteristics based on cooperation and individual activity
Инновацион таълим Innovative education	Талабада янги ғоя, меъёр, қоидаларни яратиш, ўзга шахслар томонидан яратилган илғор ғоялар, меъёр, қоидаларни табиий қабул қилишга оид сифатлар, малакаларни шакллантириш имкониятини яратадиган таълим	Education that allows to develop skills and qualities f a student
Инновацион фаолият Innovative activity	Янги ижтимоий талабларнинг анъанавий меъёрларга мос келмаслиги ёки янги шаклланаётган ғояларнинг мавжуд ғояларни инкор этиши натижасида вужудга келадиган мажмуали муаммоларни ечишга қаратилган фаолият	An activity carried out for solving a set of problems that occur as a result of rejecting new developing ideas or inappropriateness of new social requirements to traditional standards
Инновация Innovation	Муайян тизимнинг ички тузилишини ўзгартирishiшга қаратилган фаолият	An activity aimed at changing the internal structure of a certain system
Интерфаол таълим Interactive aduaction	Талабаларнинг билим, кўникма, малака ва	The education based on organization of

	муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлидаги ўзаро ҳаракатини ташкил этишга асосланувчи таълим	interaction in mastering by students certain moral qualities, skills and knowledge
Ишбилармонлик ўйинлари Business games	Маълум фаолият, жараён ёки муносабатлар мазмунини ёритиш, уларни самарали, тўғри, оқилона уюштиришга доир кўникма, малака ва сифатларни ўзлашти-риш мақсадида ташкил этиладиган ўйинлар	Activities organized in order to master skills in running a certain activity, process or relationships and their effective and proper organization
Лойиха Project	Аниқ режа, мақсад асосида унинг натижаланишини кафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишига қаратилган ҳаракат маҳсулни	A result of an action aimed at developing the essence of pedagogical activity based on a certain plan, aim and by guaranteeing its effectiveness
Лойиха методи A method of project	Ўқув жараёнини индивидуаллаштириш, талабанинг ўзини мустақил намоён қилишини режалаштириш, ўз фаолиятини оқилона ташкиллаштириш ва назорат қилиши имкониятини берадиган таълим методлари мажмуси	A set of educational methods that allow individualization of educational process, independent planning of students' performance, control and proper organization of an activity
Тадқиқот лойихалари Projects of research works	Илмий изланиш характеристига эга лойихалар	Projects that have scientific study characteristics
Таълим жараёнини лойихалаштириш Projecting the educational process	Ўқитувчи томонидан талабанинг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятни режалаштириш ва ташкиллаштиришдан то	A targeted educational activity organized in order to develop students' skills in carrying out independent actions to plan and

	оммавий баҳолашгача бўлган мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи маҳсус ташкил этилган мақсадли ўқув фаолияти	organize activites and its assessment
Таълим инновациялари Educational innovations	Таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар	Forms, methods and technologies that are used for innovative solutions to existing problems in learning process or educational sphere and that guarantee effective results
Таълим тизимини модернизациялаш Modernization of educational system	Жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий эҳтиёжларини, жамият ва давлатнинг малакали кадрларга, шахснинг эса сифатли таълим олиш бўлган талабини қондириш йўлида узлуксиз таълим тизимини барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида мавжуд механизмнинг қайта ишлаб чиқилиши ёки такомиллаштирилиши	Improving or developing an existing mechanism in order to provide sustainable development of continuous educational system that meets students' needs and interests as well as society's social, economic and cultural and country's skilled personal needs
Технологик модел (паспорт) Technological model (passport)	Таълим ёки маънавий-маърифий тадбирнинг асосий кўрсаткичлари ва уларнинг технологик тавсифини ёритувчи хужжат	A document that reveals main indicators of education or spiritual and educational events and their technological characteristics
Тьютор Tutor	Ўқув курслари учун интерфаол методларни танловчи, маъруза ўқитувчиси билан талаба ўртасида таълимий алоқани ўрнатувчи устоз, мураббий	A teacher, coach who uses interactive methods for courses and establishes learning communication between a student and lecturer

Фасилитатор Facilitator	Масофавий таълим хизматидан фойдаланаётган гурухларнинг фаолиятини натижа-сини муаммонинг илмий ечимини топишга йўналтирувчи, гурухларда юзага келадиган мулоқотни ривожлантирувчи, шунингдек, гурухлар фаолиятини холис, самарали баҳоловчи педагог	A teacher who helps to search for scientific solutions to the problem of the results of activities of groups that use distance learning services, and who develops communication occurring in groups, effectively and objectively assesses activity of groups
Франчайзинг Franchising	Ўзаро ҳамкор университетларнинг бир-бирларига ўzlари томонидан ташкил этиладиган масофавий таълим курсларини ташкил этиш ҳукуқининг бериши	Rights that are given by partner universities to other universities for carrying out distance learning courses
Шахсга йўналтирилган таълим Student-centered education	Талабанинг фикрлаш ва ҳаракат стратегиясини инобатга олган ҳолда унинг шахси, ўзига хос хусусиятлари, қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълим	Education aimed at developing particular characteristics and abilities and personality of a student by considering his thinking and action strategies
Шахсни ривожлантириш Developing an individual	Индивидда вақт нуқтаи назаридан жисмоний ва руҳий ўзгаришларнинг содир бўлиш жараёни	A process of occurring physical and psychological changes in an individual
Эдвайзер Advisor	Битирув малакавий иши, курс лойиҳаларининг талабалар томонидан индивидуал, мустақил бажарилиши вақтида методик ёрдам бера-диган маслаҳатчи	An advisor who assists in an independent accomplishment of a thesis, course projects by students
Ўйин технологиялари (ўйин таълими) Game technologies	Ижтимоий тажрибаларни ўзлаштиришнинг барча кўринишлари: билим, кўнишка, малака ҳамда ҳиссий-баҳоловчи	One of the types of education (pedagogical technologies) aimed at creating a process of emotional and

(game learning)	фаолият жараёнини ҳосил қилишга йўнал-тирилган шартли ўқув вазиятларини ифодаловчи шахсга йўналтирилган таълим (педагогик технология) турларидан бири	assessment activity as well as skills and competence that are the forms of mastering various social experiences by a student
Ўқув лойиҳаси Learning project	1) талабларнинг муаммоларни излаш, тадқиқот қилиш ва ечиш, натижа (ечим)ни маҳсулот кўринишида расмийлаштиришга қаратилган мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш усули; 2) назарий билимлар асосида амалий топшириқларни ечишга қаратилган ўқув ҳаракати воситаси; 3) ривожлантириш, тарбиялаш, таълим бериш, билимларни бойитиш, мустаҳкамлаш ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган дидактический инструмент	1) a method of organizing an independent learning activity carried out by students for searching, studying and solving the problems and representing a result in the form of a product; 2) means of learning activities carried out by students for accomplishing the practical assignments based on theoretical knowledge; 3) a didactic mean that develops, educates, increases knowledge and develops skills, competence
Ҳамкорлик таълими Cooperation education	Ўқув жараёнида талабаларнинг жамоада, кичик гурӯҳ ва жуфтлиқда билимларни биргаликда ўзлашти-ришлари, ўзароривожланишлари, “педагог-талаба(лар)” муносабатининг ҳамкорликда ташкил этилишини ифодаловчи таълим	Education based on cooperation of a teacher and student, and cooperation of students for mastering learning materials and improving in a team, small groups or in pairs in a learning process
Ҳамкорлик таълими технологиялари Cooperation education technologies	Ўқув жараёнида талабаларнинг жамоада, кичик гурӯҳ ва жуфтлиқда билимларни биргаликда ўзлаш-	Educational technologies that allow to establish relationships based on cooperation of a teacher and student,

	тиришлари, ўзаро ривожланишлари, шунингдек, “педагог-талаба(лар)” муносабатининг ҳамкорликда ташкил этилишини таъминловчи таълимий характердаги технологиялар	and cooperation of students for mastering learning materials and improving in a team, small groups or in pairs in a learning process
Инкубатор (Incubator) (лот. Inkubore –	жўжаларни босиб чиқариш)- корхона (бўлим, лаборатория) нинг бизнес (яъни тадбиркорлик)нинг янги шакллари ёки технологияларнинг янги турларини ишлаб чиқиши билан шуғулланувчи таркибий бўлинмаси.	printing of chickens) - a structural unit of the enterprise (department, laboratory) engaged in the development of new forms of business (ie entrepreneurship) or new types of technologies.
Инновацион жараён (Innovation process)	ўз ичига инновацион фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган моддий, молиявий, ақлий, ахборот, илмий-техник ресурсларни олувчи ресурсларнинг ҳар хил турлари мажмуаси.	a set of different types of resources, including material, financial, intellectual, informational, scientific and technical resources necessary for the implementation of innovative activities.
Инновацион хатар (Innovation risks) –	сармояларни янги маҳсулотлар ва янги технологияларни амалга оширишга жуда катта (одатда капитал киритмаларга нисбатан 1000 %дан кўпроқ) фойда олиш ниятида ва бу операциялар, маҳсулотлар, технологияларни амалга оширишнинг жуда қисқа (1 ойдан кўп бўлмаган) муддатга ихтиёрий киритиш билан боғлиқ хатар.	intends to invest very large (usually more than 1000% of capital investments) in the implementation of new products and new technologies, and the risk associated with the voluntary introduction of these operations, products, technologies in a very short period (not more than 1 month).

Интуиция (лот. Intuery –	дикқат, эътибор билан қараш) – бевосита, худди тасодифийдан мантикий ўйлаб кўрмасдан муаммонинг тўғри ечимини топиш қобилияти.	attention, attention) - the ability to find the right solution to a problem directly, as if by accidental logical thinking.
Интеграция – (лот. Interatio - тақоролаш) -	ўхшашлар, сериясида қандайдир математик операцияларни қўлланиши олувчи натижа.	similar, the result of the application of some mathematical operations in the series.
Илмий (илмий-техник) йўналиш (Scientific (Scientific-technical) line) –	фаннынг қандайдир соҳаси ривожланишининг муҳим масалаларини ҳал қилишга қаратилган йирик мустақил илмий иш.	a large independent scientific work aimed at solving important issues in the development of any field of science.
Инновация (Innovation) –	бозорда сотилаётган янги ёки такомил-лаштирилган маҳсулот, амалий фаолиятда фойдаланиладиган янги ёки такомиллашти-рилган технологик жараён кўринишида амалга оширилган инновацион фаолият-нинг якуний натижаси.	a new or improved product sold in the market, the end result of an innovative activity carried out in the form of a new or improved technological process used in practical activities
Инновациялар бенчмаркетинги (Innovation benchmarking) –	бошқа тадбиркорлар бизнесини ўзининг инновацияларини ишлаб чиқиш учун асосий таърифларини аниqlаш мақсадида ўрганиш.	to study the business of other entrepreneurs in order to determine the basic definitions for the development of their innovations.
Инновацияларнинг диффузияси (Innovation diffusion) (лот. Diffusion)	тарқалиш, олиб кетиш)- бир марта ўзлаштирилган инновацияларни тарқалиши.	spread, take away) - the spread of once mastered innovations
Инновацион фаолият (Innovation activity) –	якунланган илмий – техник ютуқлар ва ишлаб чиқишлиар натижаларини амалга ошириш ёки бозорда сотилаётган янги	implementation of the results of completed scientific and technical achievements and developments or other

	ёки такомиллаштирилган маҳсулотлардаги бошқа илмий – техник ютуқлар, амалий фаолиятда фойдала-надиган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараёнга қаратилған жараён, ҳамда унинг билан боғлиқ күшімчалар да ишлаб чықышлар.	scientific and technical achievements in new or improved products sold in the market, the process aimed at a new or improved technological process used in practice, as well as additional research and development.
Инновацион инфратузилма (Innovative infrastructure) (лот. Infra – ойида + struktura – тузилма қурилма)	-инновацион фаолиятни амалга оширишга күмаклашувчи ташкилотлар (муассасалар), яни бўйсуниш ва ёрдамчи характерга эга бўлган, инновацияга хизмат қилувчи ва инновацион жараённи меъёрий ўтиши шароитларини таъминловчи ташкилотлар (муассасалар) мажмуаси. Инфратузилманинг таркибига инновацион технологик марказлар, технологик инкубаторлар, технопорклар, ўқув – ўйин марказлар ва бошқа ихтисослашган ташкилотлар киради.	a set of organizations (institutions) that facilitate the implementation of innovative activities, ie a set of organizations (institutions) of a subordinate and auxiliary nature, serving innovation and providing conditions for the normal transition of the innovation process. The infrastructure includes innovative technology centers, technology incubators, technology parks, training and entertainment centers and other specialized organizations.
Инновацион мухит (Innovation environment).	инновациларни яратилиши, амалга оширилиши ва илгари сурилишини ўраб турувчи ҳолат	a situation that surrounds the creation, implementation and promotion of innovations
Инновацион спираль (Innovative spiral) (лот. spira –	бурилиш, қайташ қаердадир)- инсониятни туғилиши тонгидаги қайнадайдир бошланғич	turn, return somewhere) - a curve that makes the wraps that are constantly

	нүктадан доимий равища тезлашиб борувчи ўрамларни қилувчи эгри чизик, улар вақтда доимий равища тезлашиб борадилар.	accelerating from the starting point of humanity on the morning of their birth, they are constantly accelerating over time
Инновацион дастур <i>(Innovation program)</i> —	ресурслар, ижрочилар ва уларни амалга ошириш муддатлари бўйича келишилган ва тубдан янги маҳсулотлар технологияларни ўзлаштириш ва тарқатиш бўйича масалаларни самарали ҳал қилинишини таъминловчи инновацион лойиҳалар ва тадбирларнинг мажмуаси	a set of innovative projects and activities agreed upon in terms of resources, executors and terms of their implementation, and ensuring the effective solution of issues related to the development and dissemination of radically new products and technologies.
Инновацион контур <i>(Innovative contour)</i>	(ташқи кўриниши) – миллий хўжаликларни жаҳон иқтисодиётига интеграцияларига кўмаклашувчи янги технологияларни яратиш ва ўзлаштириш соҳаси. Бу техноло-гияларга информатика, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқалар кирадилар.	(appearance) - the creation and adoption of new technologies that promote the integration of national economies into the world economy. These technologies include computer science, healthcare, environmental protection, and more.
Инновацион соҳа <i>(Innovative sphere)</i>	инновацион маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларни, ўз ичига инновацияларни яратиш ва тарқатишни олувчи фаолият соҳасидир.	is a field of activity that involves the creation and distribution of innovations, including producers and consumers of innovative products (works, services).
Кучайтирилган (такомиллашган) инновациялар <i>(Enhanced (improved) innovations)</i> -	одатда кичик ва ўрта кашифётларни амалга оширишда, илмий-техник циклни тарқатиш ва баркарор ривожланиш	usually prevails in the implementation of small and medium-sized discoveries, in the period of dissemination

	даврида устунлик қиласы;	of the scientific and technical cycle and sustainable development;
Новация – (<i>novation</i>)	олдин бўлмаган қандайдир янгилик. Фуқаролик ҳуқуқи бўйича новация томонларнинг улар томонидан тузилган катта мажбуриятни бошқа мажбурият билан алмаштирилиши ҳақидаги битимини билдиради.	something new that has never happened before. Civil law innovation refers to an agreement between the parties to replace a major obligation entered into by them with another obligation.
Псевдоинновациялар (<i>Subinnovations</i>)	техника ва технологиянинг эскирган авлодини қисман кучайтиришга қаратилади.	aimed at partially strengthening the outdated generation of machinery and technology.
Стандартлаштириш (<i>Standardization</i>) -	шундай жараёнки, маълум соҳада тартиблаштириш мақсадида қоида ва талабларни ўрнатиш, умумий максимал иқтисодга эришишда хавфсизлик ва функционал шартларга риоя қилишdir.	such a process is the establishment of rules and requirements for the purpose of sorting in a particular area, the observance of safety and functional conditions in achieving the overall maximum economy.
Таълим сифати (<i>The quality of education</i>)	ўқитиши мазмуни ва натижаларининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлигини текшириш.	verification of the content and results of training in accordance with the requirements of state educational standards.
ISO (<i>International Standard Organization</i>)	халқаро стандартлаштириш ташкилоти	international standardization organization

VII. АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.:Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2001 йил 16 августдаги “343-сонли қорорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли қарори.

III. Махсус адабиётлар:

16. Махкамова М.А. Рақамлаштириш нафақат одамлар турмуш тарзи, балки тафаккурини ҳам ўзгартиради. Ҳалқ сўзи, 4 ноябрь, 2020 йил, № 232 (7734).

17. Махкамова М.А. Система глобальных изменений. Народное слово, 13 ноябрь, 2020 год. № 239 (7710).

18. Махкамова Таълимда инновацион менежмент. Монография. - Тошкент, “Фан ва технология”, 2019 – 164 б.

19. Теория инновационного менеджмента. Монография. - Тошкент, “Фан ва технология”, 2019 – 178 б.

20. Махкамова М.А. Инновацион менежмент. Ўқув қўлланма. – Т: Фан ва технология, 2013.

21. Махкамова М.А. Инновацион технологиилар бошқаруви. Монография. – Т.: Алоқа, 2011.

22. Махкамова М.А. Организация и управление инновационной деятельностью. – Т.: Иқтисодиёт, 2007.

23. Перегудов Л.В., Сайдов М.Х. “Менеджмент и экономика высшего образования”. Учб.пос – Ташкент. 2008 г.

24. Инновационный менеджмент. Учебник. Под. Ред, проф. В.Я. Горфинкеля. – М.: “Вузовский учебник”, 2009 г.

25. J. Tidd and J.Bessant. Managing Innovation: Integrating Technological, Market and Organizational Change. Wohl Wiley and Son's Ltd, Fourth edition, 2012.

26. вV. Govindarajan and C. Trimble. The Other Side of Innovation: Solving the Execution Challenge. Harward Business School Publishing, 2010.

IV. Интернет сайtlар:

27. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим

вазирлиги.

28. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

29. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази.

30. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET.

31. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.